

А-763  
НИКОЛАЙ ДУБОВ



# ДАРЁДАГИ ЦИРОКЛАР

НИКОЛАЙ ДУБОВ

# ДАРЕДАГИ ЧИРОКЛАР

Повесть

015016



К. КАШЧЕЕВ .РАСМААРИ

Ўзбекистон ССР Маданият министрилиги

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети

„Ёш гвардия“ нашриёти

Тошкент—1960

## МУНДАРИЖА

Жўнаб кетиш . . . . .	3
„Ашхобод“ . . . . .	14
Киргоҳдаги кичик уй . . . . .	27
Урганиб оласан . . . . .	39
Марҳамат, танишинглар . . . . .	50
Оролда . . . . .	60
Сенинг нимага лаёқатинг бор? . . . . .	77
Махсус топшириқ . . . . .	94
Хўшёр бўл, Константин! . . . . .	113
Биз яна кўришамиз . . . . .	131

Детгизнинг 1952 йилги нашридан  
*Мирализ Миртожиев*  
таржимаси

ЎРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН

*На узбекском языке*

НИКОЛАЙ ИВАНОВИЧ ДУБОВ

ОГНИ НА РЕКЕ

*(Повесть)*

Издательство „Ёш гвардия“—Ташкент—1960


ктор Р. Обидхўжаев  
им редактор Г. Бедарев

Техн.редактор Я. Пинхасов  
Корректор К. Фозилова

\* \* \*

жонага берилди 3/V-1960 й. Босиша руҳсат этилди 8/VIII-1960 й. Формати 70×92/16.  
1 л. 8,5. Шартли босма л. 9,94. Нашр л. 6,89.+4 вклейка. Тиражи 30 000. „Ёш гвардия“  
нашриёти, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 234—56

УССР Министрияг министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кучаси, 21. Заказ № 277. Баҳоси 3 сүм 30 т.



## ЖҮНАБ КЕТИШ

Костяни ойиси билан Лелька кузатиб чиқищди.

Ойиси-ку майлия, мана бу Лелькага нима бор? Ойиси уни уйда қолдирмоқчи эди, лекин Лелька шундай дод-вой күттардикى, бирга олиб чиқишга түфри келди. Албатта, унга Костяни кузатиши эмас, пристань<sup>1</sup> билан пароходни томоша қилиш қизиқ. Костя бирорларнинг, тағин Лелькага ўхшаганларнинг кузатишига зормиди? Ўртоқлари, айниңса ҳаммадан мард ва содиқ дүсти Федор бўлса бошқа гап эди. Лекин дүсти Федор ҳозир бу ердамас, кечаёқ отаси билан балиқ овлагани Остерга кетган. Улар ҳар шанбада ўша ёққа боришади. Костя бир чөлак балиқ олиб келишни ваъда қилиб, неча-неча марта ойисидан улар билан бирга

<sup>1</sup> Пристань — Пароход тўхтайдиган жой.

Эришни сўради, лекин ойиси, балиқни бозордан сотиб  
а ҳам бўлади деб, жавоб бермади. Сувга чўкиб кетади,  
қўрқади-да. Нега чўкар экан? „Б“ да у ҳаммадан  
и сузади.

Энди тоғасиникида маза қилиб балиқ тутади! Фақат  
омониши уйда қолдиргани чатоқ бўлди-да. Ойиси:

— Йўқ, йўқ, керак эмас! Троллейбусга ҳеч қандай та-  
билан тушмайсан.. Шундай ҳам оёғимда оёқ қолмади,—  
туриб олди.

Таёқ эмиш! Костянидан яхши қармоқ ҳеч кимда йўқ.  
то Федорда ҳам йўқ. Бу ростакам бамбуқ-ку! Тоғамда  
и унақаси борми-йўқми, номаълум. Оёғимда оёқ қолмади  
анини-чи! Ҳамма шундай юрса жон дер — Костя унинг  
идан зўрга етиб юряпти, орқада қолиб кетмаслик учун  
замини катта-катта ташлаши керак.

— Костя, турнага ўҳшамай, тўғри юр! Бу нима қилиқ?  
Кейинги кунларда ойисига ҳеч нима ёқмайдиган бўлиб  
иди: уни у дейди, буни бу дейди. Шу командировка деб  
нимни йўқотиб қўяяпман, дейди. Лелька тушунмади-да,  
ирон бўлиб:

— Нега йўқатасиз ойи, бошингиз жойида турибди-ку?—  
и.

— Сен ҳали ёшсан, бунаقا гапларга тушунмайсан,— деб  
иди Костя.

Костя катта, тушунади.

Ў-ҳў, Каҳовкага бориш-а! Бунда бутунлай туришга эмас,  
мандировкага кетаётган бўлсанг ҳам бошингни йўқотиб  
исан киши. Трассани, тўғон бўладиган жойни, геологлар-  
уларнинг ҳар хил қудуқлар қазишини кўради-я, ҳазил  
ими бу! Лекин ойиси бунга эмас, Лелька билан Костяни  
идай ташлаб кетаман, уйни нима қиласман, нимага тоғаси  
тмади, энди нима қилсам экан, деб қаёқдаги арзимаган  
рсаларга ташвиш тортяпти.

Костя: „Ҳаммамиз бирга кетамиз, саёҳатдан қайтиб кел-  
шимизча уйга ҳеч нарса қилмайди“ деб жуда тўғри айтди.  
Ойиси бўлса жаҳли чиқиб, бўлмаган гапни гапирма, деди.

Бу саёҳат эмас, командировка, унда болалар нима қиласди? Қани энди сен тузуккина одам бўлсанг, Лелька икковингни Мария Афанасьевнаникага ташлаб, хотиржам жўнардим. Лекин сен жуда бевош бўлиб кетдинг,—бала отасиз ўсмасин экан-да!— ҳеч кимнинг айтганини қилмайсан, турган гап, Мария Афанасьевнанинг ҳам айтганини қилмайсан. Шунинг учун Лелькани шу ерда қолдириб, сени Полянская Греблядаги<sup>1</sup> тоғангникга жўнатаман, у сени мулла қилиб қўяди, дерди.

Жуда соз! Ўтган йили Мария Афанасьевнаникада қолгани ҳам етар. „Костя, букчайма!“, „Костя, кўзингни чақчайтирма!“, „Нега овқат олдидан қўлингни ювмадинг?“, „Бу қанақа жавоб қайтариш? Қандай тарбиясиз, боласан?“, „Корнинг оғрияптими?“, „Қани, пешонангни ушлаб кўрай-чи...“ Костя эркалаганий ёқтирамайди, бунаقا гапларни эшитса энсаси қотиб, ўзи истамай турган бўлса ҳам шўхлик қила бошлайди.

Тоғаси билан, албатта, чиқишиб кетишади.

Ойиси бекор ташвишланяпти: Костя жуда яхши етиб боради. Тоғаси келмаган бўлса, нима қилибди? Ахир, у ишда. Кутиб оламан деб телеграмма юборди-ку... Демак, ҳамма иш жойида.

Лекин ойиси доим хавотир олгани-олган. Командировкага боришини эшитибоқ ташвишга тушди, ўшандан бери: Костя эсон-омон етиб борармикан? У ерда қандай тураркин? Йўлга нима бёрсам экан?—деб ташвиш тортгани-тортган.

Йўлга нима керак бўларди. Ҳарбийчасига, походдагидай, труси билан кўйлак бўлса бас, гўё одам яшамайдиган оролга кетаётгандек халтани тўлатиб кийим-бош жойлади, бу ҳам етмагандай, бигта сеткани ҳар хил овқатлик нарсаларга тўлдирди. Энди бўлса ниманидир эсдан чиқариб, уйда қолдирдим-да, дер, халтани тиззасига қўйиб олиб, ҳамма нарсанни бир бошдан титкилаб, Костяга қайси нарсанни қаерга қўйганини айтиб тайинларди.

<sup>1</sup> Полянская Гребля — Днепр дарёси бўйидаги қишлоқлардан бири.

Костя унинг гапига қулоқ солмайди. Троллейбуснинг тиқ деразасидан уриб турган шамол Лелянинг сочларини ёзитар ва Костянинг кўйлагини шарга ўхшатиб шишира-<sup>1</sup>. Ҳайвонот боғидан ўтишди, Политехника институтининг шкараси орқада қолиб кетди; троллейбус ўзидан орқада маётган трамвайларга шиналарини нафрат билан вишилтиб, Брест-Литовск шоссесида елдай учиб бормоқда.

— Леля, типирчиламай жим ўтири!.. Костя, мана билиб кўйлагинг мана бу ерда, мана бу иссиқ куртканг, даст-молларинг мана...

— Хўп,— деди Костя, қайрилиб қарамай.— Биз охирича борамизми, ойи?

— Нега энди? Троллейбусдан тушиб, трамвайга ўтира-<sup>2</sup>, кейин фуникулерга<sup>1</sup> тушамиз. Ҳадеб тортишаверма, ўндаям кечга қоляпмиз,— деди ойиси, Костя тортишиш хаёлига келтирмаётган бўлса ҳам.

Лелька бораман деб ёпишиб олганидан кейин, кечикиш ч гап эмас-да; уни кийинтириш, сочини тараб, ҳар хил нтиклар тақиши керак Ана, бошида худди парракка ўх-<sup>3</sup>б турибди.

Фуникулерга кираверишда йўловчиларни саноқдан ўт-заётгандай, турникет<sup>2</sup> тиқ-тиқ қилиб турарди. Вагончада ам кам. Костя дераза ёнига ўтирди, бироқ Лелька у ерга и ўтираман деб туриб олди. У бирданига ҳамма нарса-

— Днепрни ҳам, пастликдан ўрмалаб чиқаётган вагонча-<sup>4</sup> ҳам, мойланганидан ялтираб кетган қоп-қора йўғон сим-сонни ҳам кўриб олиш учун ҳадеб бошини ҳар томонга рарди. Лелька пастга—ерга қараган эди, юраги орқасига ўтиб кетди, у қўрққанидан чийиллаб юборди, лекин ойиси ўзанинг ёнидан олиб қўймаслиги учун, секин чийиллади.

Пастдан кўтарилаётган вагонча улар билан бараварлаш-<sup>5</sup> кейин ўрмалаб юқорига чиқиб кетди-да, ўйинчоқ вагон-

<sup>1</sup> Фуникулер — тоғ тепасига олиб чиқадиган темир йўл.

<sup>2</sup> Турникет — кириш-чиқиш жойларида одамларни битта-битта ўтказиш учун ишлган айланма ғов.

чага ўхшаб кичкина бўлиб кўрина бошлади. Сим арқон ўтказилган қоп-қора фиддираклар эса (улар ҳам мойланган эди) худди вагончанинг ортидан ошиқиб қувиб кетаётгандай ҳали ҳам ғириллаб айланмоқда.

Пастга қарашиб ҳақиқатан ҳам бир оз ваҳимали. Тик ёнбағирлик этагига ялтироқ излар келиб тақалган, атрофда эса, баланд-баланд дарахтлар қад кўтариб турибди. Дарахтларнинг учи вагонча томон чўзилган, агар ерга қарамасаң, вагонча симдан сирғанмай, дарахтлар орасида ҳавода сузиб кетаётгандай, мана ҳозир арқонни шартта узиб, пастдаги станция ва Подолдаги<sup>1</sup> уйлардан ошиб ўтиб, Днепрнинг теспасидан олисда кўм-кўк бўлиб кўринган ўрмонга қараб чопиб қоладигандай туюлади.

Бироқ арқон узилмади, вагонча ҳам ҳеч қаёққа учиб кетмади, балки зинапоя олдида оҳиста тўхтади. Костя, ойиси ва Лелька зинапочалардан шошиб-пишиб тушиб, кейин гувиллаган бетон йўлакдан ўтишди-да, дим кўчани кесиб, охири пристанга чиқиши.

Вокзалнинг ёғоч биноси орқасидан аллақандай гувиллаган бўғиқ овоз эшитилди. Лелька чўчиб тушиб, икки қўли билан Костяга ёпишиб олди. Костя ҳам хавотирлана бошлади, унга жудаям секин юришаётгандай, албатта кеч қолишадигандай туюларди.

Улар дарё вокзалининг биносидан ўтиб, зинапоядан пристанга — устида уйга ўхшаган бир бино осмонга бўй чўзиб турган катта баржага тушдилар. Бу бино орқасидан пароход мутлақо кўринмас, фақат қизил ҳошияли йўғон қора трубаси ва устма-уст қилиб фонарлар осилган мачтагина қаққайиб турарди. Пароход баржага ёпишиб турарди. Улар орасидан сув бутунлай кўринмайди, қирғоқдан пароходга сакрамасдан тўппа-тўғри юриб чиқса бўлади, аммо йўл йўғон тўсин билан тўсиб қўйилган. Ўтиш учун торгина йўл қолдирилган бўлиб, у кўндаланг тахтачалар қоқиб, панжара билан ўралган икки тахтадан иборат,

<sup>1</sup> Подол — Киев шаҳрининг бир райони.

Ўша ерда иккита дengизчи турибди. Костя уларнинг денгизчи эмаслигини билади, чунки дengизчилар дарёда эмас, дengизда юришади; лекин улар ҳам худди дengизчига ўхшашади: бошларида оқ фурражка, устларида ялтироқ тутмали кўк китель, фурражкаларида эса атрофи тилла ранг япроқлар билан ўралган олтин лангар Улар бепарво гаплашар ва кулишарди. Костя ўзининг ҳовлиқмалигидан уялиб кетиб, жўрттага лапанглаб, битта-битта қадам ташлаб бора бошлади. Шунда ойиси унинг қўлидан тортиб:

— Костя анқайма!..— деди, кейин ҳалиги дарё транспорти ходимларидан:— Капитанни қаердан топсам бўлади?— деб сўради.

— Хозир капитан йўқ,— деб жавоб берди улардан бири, пароход коридорида бўлаётган аллақандай ҳодисани кузатаётиб.

— Энди нима қилдик-а? Нима қилсан экан?— довдираб қолди ойиси.

Ҳалигиларнинг иккинчиси ойисига ўгирилиб қаради-ю, юзи ёришиб кетди.

Костя ойисининг чиройли эканини билади, ўзи ҳам унга қараб туришни яхши кўради, лекин ойиси бирор нарсага жаҳли чиқиб, уришаётганида эмас, албатта. Мана бу лейтенант погонини тақсан, Федорникига ўхшаш малла соч киши жилмайиб, негадир ойисига жуда узоқ қараб қолди. Унинг бу қараши Костяга ёқмади, у қовоғини солиб олди.

— Нима ишингиз бор эди, гражданка?— деб сўради малла ранг лейтенант.

— Акам, капитанга қўшиб юбор, деб ёзганди, у йўқ экан... Эндинима қилсамикин? Эҳтимол, ёрдамчиси бордир?

— Старший ёрдамчиси банд. Мен иккинчи ёрдамчисиман. Менга айта қолинг, нима гап ўзи?

Онаси пойма-пой қилиб, Полянская Греблядаги бакенчи<sup>1</sup> акамникига ўғлимни юборишим керак эди, у ерда акам ку-

<sup>1</sup> Бакенчи — кемалар юрадиган сувларда хавфли жойларни кўрсатиш учун кўйилгага сузгични кузатиб турувчи.

тиб олади, аммо болани ёлғиз жўнатгани қўрқяпман, чунки у ерда ҳатто пристанъ ҳам йўқ, нима қиласаримни билмай қолдим, ўзим шошилинч командировкага жўнашим керак, шуни капитанга тайинламоқчи эдим, у йўқ экан, деди ...

Лейтенант аллақачон ҳаммасини тушунди, ойисининг бўлса гапи тамом бўлмайди, лейтенант ҳам унинг сўзини бўлмай қулоқ солиб турибди, чунки унга қараб туриш ёқяпти-да. Костя буни кўриб, бадтарроқ қовоини солди.

— Тушунарли, — деди охири лейтенант. — Қани ўғлингиз? Мана бу жаҳлдор ўртоқми? Мен укангизми деб ўйлабман, кап-катта йигит-ку!

Костя бу дағал хушомадга учмай, қовоини солиб турарверди.

— Ташиб қилманг, гражданка, бизга ишёнаверинг. Соғ-саломат етказиб қўямиз. Мен Ефим Кондратьевич Кичеевни билман — энг яхши бакенчимиз-ку! Ўғлингиз жуда яхши етиб боради, мириқиб ухлаб ҳам олади, йўлда эса биз уни денгизчи қилиб қўямиз... Қани ўтинг бўлмаса, ўғлингизни жойлаштиринг — ҳали вақт эрта. Ҳозир проводник хотинни чақириб бераман.

Костя ҳўмрайиб тахтага ўтди, кетидан Лельканинг қўлидан ушлаб ойиси кела бошлади.

— Паша хола! Йўловчини каютага кузатиб қўйинг! — деб қичқирди лейтенант.

Коридорда қаёқдандир новча, ориқ, бурни узун, лаблари юпқа бир хотин пайдо бўлди. У лабларини шундай қаттиқ қисиб олган эдики, Костяга гўё оғзини очмасдан гапирадигандай туюлди.

Паша хола коридордан бир неча қадам юриб, чапга бурилди-да, бирдан пастга тушиб кетгандай бўлди.

— Тавба, бу қанақа зина! — деди онаси қўрқиб кетиб.

— Бу зина эмас, ойи, трап, — деди Костя.

— Ҳа, сен билмаган нарса борми, машҳур денгизчи... Кўзингга қара, бир жойингни уриб оласан!

Қачон уриб олган экан? Костя уларни олдинга ўтказиб юборди-да, кейин ўзи денгизчилар сингари ғизиллаганча

югуриб туша бошлади. Бироқ трап шундай тик, поялари шундай зич ўрнаштирилган, темири шундай сирғончиқ экавки, оз бўлмаса ўмбалоқ ошиб тушай деди ва тутқични ушлаб қолди. Ойиси бу шубҳали шовқинга ўгирилиб қараганида, Костя ўзини тутиб олиб, пояма-поя оҳиста тушиб келарди.

Паша хола ҳамон лабларини очмай:

— Мана каюта, жойлашаверинглар,— деди-да, қайтиб кетди.

Каюта кичкинагина экан, бор-йўғи иккита койка, эшиги олдига шкаф қўйилган, койкалар орасида энсизгина столча туриди. Тўғрироғи, койка битта, иккинчиси эса устига клеёнка қопланган, торгина қаттиқ ёғоч сўри. Лекин столнинг юқорисида, нақ шифт тагида думалоқ дераза — иллюминатор бўлиб, у, бортга мис барашкалар билан маҳкамлаб қўйилган эди. Костя шу ондаёқ столга чиқди-да, барашкаларни бурай бошлади.

— Тегма, Костя! Эшитдингми? Ё деразани мутлақо очмайман деб ваъда берасан, ё ҳозироқ уйга қайтиб кетамиз, ҳеч қаёққа бормайсан.

Костя столдан тушди: барibir ҳозир иллюминатордан баржанинг мумланган бортидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди, йўлда ҳамма нарсани яхшилаб кўриб олади...

Лелька каютада тентираб юриб, стол, койка, чўкаётганларни қутқариш учун ишлатиладиган пўқак камарларни ушлаб кўрарди. Ойиси эса яна: тоғангнинг гапига қулоқ солгин, катталарсиз чўмилма,— худо асрасин-а!—Ёш болага ўхшаб, элдан бурун ширин пирожкаларга ёпишмасдан, аввал пиширилган гўшт, тухум егин, кейин ширинликка қара; пароходнинг у ёғидан-бу ёғига чопиб юрма, чеккасига борма, сувга қарама, бошинг айланиб кетади, деб насиҳат қила бошлади. Ишқилиб, бундай пайтларда оналар болаларига айтадиган ҳамма гапни айтди. Костянинг эса бундан жуда юраги сиқилиб кетди.

Костя Паша холага ўхшаб оғзини очмасдан, гапириб кўрган эди, ойиси қўрқиб кетди:

— Нега минғиллаб гапиряпсан? Тишинг оғрияптими?

Костя тагин ойим уйда олиб қолиб юрмасин деб, қўрқиб кетди-да, Паша холадака қилиб әмас, ҳамма одамларга ўхшаб, тўғриликча гапира бошлади.

Айтганларидаи, ҳали вақт кўп экан. Аллақачон хайрлашиб, ҳамма ишлар қилиниб, айтиладиган гаплар айтилиб бўлинди. Энди Костя ҳақиқий ажрашиш вақтини кутиб диққат эди. Ойиси Костяга яна алланималар дер, ундан кўзини узмай, қараб турарди. Унинг катта-катта қўй кўзларида ташвиш ва меҳр акс этарди. Лелька ҳам жим бўлиб, ҳадеб хўрсиняпти, демак, ҳозир ҳўнграб юборади. Буларни кўриб, Костянинг хўрлиги келди, қўйиб берса у ҳам йиғлаб юборар эди-ю, бироқ шу пайт тепада яна баланд ва бўғиқ овоз билан гудок бўкирди. Лелька ойисининг тиззасини қўчоқлаб олди. Ойиси, энди биз тушиб кетайлик, деб ўрнидан турди. Улар тор коридорга чиқишиди. Кеч қолган йўловчиilar кўприкдан шоша-пиша ўтишар, уларни корзинка ва қоплари билан туртиб кетишар, аммо ойиси ҳеч нарсани сезмасди. У яна Костяга ташвиш ва мёҳр билан боқди, кейин уни бир неча марта қаттиқ-қаттиқ ўпди-да: шошибишиб такрорлади:

— Ақл-ҳушингни йиғиб иш қил, Костяжон. Шўхлик қилмагин!

Лелька ҳам ўпмоқчи бўлиб бўйини чўзди. Костя уни секин итариб юбормоқчи бўлган эди, ойиси кўриб қолди.

— Уялмайсанми, Костя! Мунчаям қўпол бўлмасанг! Ўп синглингни!

Костя ҳечам қўпол әмас, бунаقا меҳрибончиликларга тоқат қилолмайди, холос. Лекин энди илож йўқ? Костя базўр эгилиб, юзини тутди. Шу-да! Лелька ўйдан чиқишлиари билан қўярда-қўймай, мороженое олдириб еган эди, мана энди қўл ва юzlари қовун қоқидай чиппа ёпишади. Ўпишишни ким ўйлаб чиқарган ўзи!

Лелька билан ойиси пристанга тушиб, панжаранинг нарёғига ўгиб туришди.

Костя уларга яқинроқ бормоқчи бўлган эди:

— Бу ёққа ўтиш мумкин әмас, эй бола, ҳозир жүнайз! — деб қўйишимади.

Костя бояёқ тепасидаги люкдан мовий осмон кўриниб ёган юқорига олиб чиқувчи трапни кўз остига олиб қўйиэди. У ўша трапдан баландга қўтарилган эди, юқориги тубага чиқиб қолди.

Палубанинг ўртасидаги баланд, қоپ-қора трубанинг олға ойнаванд будка бўлиб, унда руль фидираги — штурм кўриниб турарди. Икки томонда, палубанинг лабида иgidан кичикроқ яна иккита ойнаванд будкача бўлиб, рнинг ичидаги ялтиратиб тозаланган мис труба кўринарди. „плашадиган трубалар“,— деди Костя дарҳол таниб. Деди у капитан кўприкчасида. Уни бу ердан қувиб тушумасмикан? Йўқ, унақага ўхшамайди. Пароходнинг тумнида ва қуйруқ томонида худди бу палуба әмас, ошхондай, боғлардаги сингари ёғоч скамейкалар, ҳатто кина-кичкина столлар турибди. Скамейкада йўловчилар ришибди, ҳеч ким уларни ҳайдайтгани йўқ. Демак, бу итаннинг кўприкчаси билан палубаси бирга қилиб қутган пароход экан-да.

Палубанинг атрофи бошдан оёқ иккита йўғон симли иқ билан ўраб қўйилган. Костя яқин бориб, тўсиқни ади-да, денгизчилар сингари оёқларини кериб турибди. Оҳ, қани энди Костянинг капитан кўприкчасида турни бешинчи „Б“ синфидагилар ёки, жилла курса, жанр дўсти Федор кўрса! Худди кўприкчанинг ўзида бўлҳам, палубада турганини-да, кўприкча ҳам мана, шундай насида!..

Іекин бешинчи „Б“ синфидагилар йўқ, дўсти Федор йўқ. Пастдаги пристанда ойиси турибди, унинг каттага ташвишли кўзлари Костяни изляяпти. Биринчи бўлиб Лелька кўрди-да:

— Ана, ойи! Ана! — деб қичқирди.

Ҳиси ҳам унга кўзи тушиб жилмайди, алланима деб рмоқчи бўлди, аммо шу пайт қўнғироқ чалинди. Костя в сачратиб, шундай орқагинасида гудок уч марта ку-

локни кар қилгундай бўкирли. Пристандагилар аллани деб гапиришар ёки қичқирниш, аммо гудокнинг бўкир шидан ҳеч нимани эшишиб бўлмас, улар балиққа ўхша оғизларини овозсиз очиб юмағтганга ўхшардилар.

— Тумшуқдаги арқонин бўшигина! — деб команда бер чапдаги ойнаванд будканиди турган малла ранг иккиси ўринбосар. Кейин у ялтироқ мис трубага оғзини тути бир нималар деди-да, яни замжирга боғланган пўкаюй т қиб қўйди.

Палуба, тёмир тўснук ясти титрай бошлади. Костяни шундайгина тагида, настки палубадаги устуничага ўрио қийлган пўлат арқонин бўшигиди; арқон осимло қолди, шу да унинг иккинчи учидаги ҳалқани пристандаги устуничад чиқариб, сувга ташланили. Пароход билан пристан оғози кенгая бошлади. Эҳ! Шунча нарсани кўрини керак бўлкин мумкин эмас ли; оғзи панжара олдила Костяни зни узмай турибди, де, кетишнинг сира ишончи пуз. Ко тянишинг уни хафа қилини келмасди. Ани ким то турибд юзидан эса кўз ёшни оқиб тушяпти, ойнер сарин бармининг учи билан айти.

Кизиғ-а, нега то майди? Нима, у бир инса дунёни айл нийб келгани кетинг? Лекин Костянининида нимадир ши этиб кетди. Ҳарқалини, шу маҳалгача учи афришишмаган эди лар. Костя ашот фақат бир марта, ушанга ҳам ойиси билан поездда юрган, оши унда жуди кичинча эди, ҳозир яхш эслай олмайди.

Костя сир бе бермаслик учун шоноасини қатни ришириб, широ панжарасини ми ҳам маҳкамроқу ва қўлини силкни турган Лельканга тибор бермасди. И Костяни палубада кўрганидан соргинимай қўдини силкни аммо Костя яшот бермасди онглиси ер тенишар ни хифа бўлиб:

— Костя! Коғи дейман! — деб қичқирапти.

Ойиси ҳам қулини кутариш рўмолчасини оқитди.

Пароходнин тумшуғи пристандан улоғибди, пристанъ чап томонига орқага қолди, одамлар боргани сарі

кичрайиб борар, энди у ерда ойиси билан Лелька эмас, биш каттароқ иккинчиси жуда ҳам кичкина иккита қиз турғанга үхшарди. Костя то уларнинг қиёфасини таниб бўлмай ғолгушича, қўл силкиб борди-да, кейин қўлини туширди. Энди улар тепаликкә чиқиб, Костяни олиб кетаётган пародга узоқ қараб туришса керак.

### „АШХОБОД“

Пароход тумшуғини оқимга буриб, негадир яна бир марқичқирди-да, Владимир тепалиги, пляжга ўтиладиган киик Труханов ороли ёнидан физиллаганича сузаб кетди. рол то сув бўйига қадар фанердан қилинган дўконча ва оскалар билан тўлган бўлиб, кўкаlamзор ерлар анча надан бошланар, қирғоқ эса офтоб тигида ёниб ётарди.

Пароходнинг қаршисидан икки томонига мўйловга ўхтиб оппоқ кўпик сачратганича глиссер<sup>1</sup> елдек учиб кеъди. Костя унда ўтирган одамларни ҳавас билан қузас қолди, кейин пароход билан батафсил таниша боши.

Палубанинг лабида, ойнаванд будкачаларнинг олдида да ҳам, чапда ҳам устига брезент ёпилган эшқакли қалар турарди. Икковининг ҳам тумшуғига „Ашхобод“ ёзилган. Лекин битта қайиқда „д“ негадир суркалиб ке.

„Ашхобо“ бўлиб қолибди. Будкачаларнинг девори ёниатор қилиб оппоқ бўш пақирлар териб қўйишибди. Энинг ҳар бирига кўк бўёқ билан фақат биттадан ҳарфган, лекин пақирлар шундай терилганки, ўқисангиз яна ходнинг номи келиб чиқади — „Ашхобод“. Пароход лаги панжарага осиб қўйилган қутқариш чамбаракла ҳам, гилдирак гилофларига ҳам шу сўз ёзиб қўйилган. Баси ростакам — энсиз, узун-узун тахтадан ишланган; ғрига нарса тиқиб, смола қўйилган.

Остя лалубанинг энига қанча тахта кетганини санашга

ез юрадиган парракли кема.

тушди, бироқ шу пайт тўсатдан мачта орқага оға бошида. Бориб-бориб, бутунлай ёнбошлаб қолди: „Ашхобод“ кўприкка яқинлашиб қолгани учун урилиб кетмасин деб, мачтани ёнбошлатиб қўйишар экан.

Пароход салобат билан қаттиқ ўкирди. Костя қараса, гудок, яъни ярим доира шаклидаги иккита тешиги бор мис сурнай трубанинг орқасига ўрнаштирилган экан. Аввал ундан майда сув томчилари ва буғ, ундан кейин эса, гувиллаган йўғон овоз чиқарди.

„Ашхобод“ одамлар юрадиган кўприкнинг икки устуни орасидан, худди чап қирғоқ ёнидан ўтди. Костя пастдан туриб, кўприк устидан физ-ғиз ўтётган автобус, машиналарни кўрмоқчи бўлди, аммо бир-бирига улаштириб қўйилган хода ва тўсинлардан бўлак ҳеч нарса кўринмади. Кўприк устунининг энг юқорисига устма-уст қилиб фонарлар осилган, сувдан фонарлар олдигача тикка темир нарвон кўтарилиган. Костя ўша ерга чиқиши осонмикин деб чамалаб кўрди-да, Федор албатта чиқа олади, жуда баланд, қўрқинчли бўлишига қарамай мен ҳам чиқа оламан, деб қўйди. Ҳеч гап эмас.

Ўнг қирғоқдаги чанглар ўсиб ётган тик жарликлар, Лавранинг осмон билан ўпишган қўнғироқхонаси, темир йўл кўприги орқада қолди. Қирғоқ узоқлашган сари худди чўкиб бораётгандай туюлар, толзорлар бағрида кўринмай кетарди. Палубадаги йўловчиларнинг айримлари шамолга орқаларини ўгириб туришибди, айримлари эса трубанинг нариги ёғига, машина бўлимининг люқидан қизиган мой ҳидини анқитиб, иссиқ ҳаво уриб турган кема тумшуғига жойлашишяпти.

Агар люкдан ичкарига мўралаб қаралса — у ерда вентилларни, худди компресс қилингандай қалин жигар ранг обмотка билан ўраб қўйилган трубаларни, тирсакка ўхшаб у ёқдан-бу ёққа бориб келиб турган ялтироқ ричагларни кўриш мумкин. Трубаларнинг бирига матросларнинг йўл-йўл ич кўйлаги, икинчисига қора шим қуритиш учун ёйиб қўйилган.

Костя машиналарни яхшироқ кўриш учун пастга тушди. Бу ердаги палуба темирдан бўлиб, одамлар сирғаниб кетмасин учун ҳамма ёғи ғўдда-ғўдда қилиб ишланган. Лекин темири, одамлар юравериб шунчалик сийқаланиб кетганки, ҳалиги ғўддаларнинг ҳам фойдаси тегмайди, барибир сирғанчиқ. Костя машина бўлимига олиб тушадиган трапни топди, бироқ эндигина баланд темир остонондан ҳатлаб ўтган ҳам эдики, орқадан бирор:

— Қаёққа кетяпсан? У ёққа кириш мумким эмас! — деб тўхтатиб қолди.

Костя кетига бурилди-да, қўйруқдаги салонга бориб кирди. Бу ерда йўловчилар кам экан, ҳаммаси ўз ҳолича, жим ўтирибди. Фақат корзинка ва қопларини оёқлари орасига қисиб олган учта хотингина бир-бирларига эгилиб олиб, алланималарни ҳикоя қилаётган тўртинчи хотиннинг оғзига тикилиб ўтиришибди. У хотин паст овоз билан астойдил берилиб сўзлар, ҳалиги учтаси эса, худди бураб юргизиладиган машинадай, нуқул унга қараб бошини лиқиллатарди. Костя улар олдидан ўтаркан, гапларига секин қулоқ солди — бирон қизиқ нарсани гаплашаётган бўлишлари мумкин-да!

Ҳикоя қилаётган хотин ваҳимали қилиб:

— Бир маҳал келсам денг, айланайлар, бузоқни ҳеч ким сугормабди-да! — деди.

Ҳа, бўлди. Костяга бузоқнинг ҳеч бир қизиги йўқ.

Нарироқда, дераза тагида ҳоргин юзли бир хотин ўтирибди. Унинг олдига ва тахта диван тагига тугун, қоп, бурнига катта қулф осилган ёғоч чамадонлар уйиб қўйилган. Ҳалиги хотин иссиқ ва чарчашдан ҳолдан тойиб. Яланг ўнг ёнбошига, ўн тўрт ёшлардаги бир қиз мук тушиб ухлаётган каттакон тугун устига оғиб кетарди. Малла ранг, кингалак сочи пешонасига тушиб турган яна бир кичикроқ қиз салон ичида кезиб юрибди, у оғиб билан диванга иқди-да, кўм-кўк қиялама қирғоқларни томоша қила бошади. Афтидан, уни ҳам уйқу босяпти шекилли, оғзини атта очиб, маза қилиб эснади.

— Ҳай, мени ютиб юборма тагин,—деди Костя ва у ҳам қизчанинг ёнига, диванга чиқиб ўтирди.—Тўйиб ухламаб-мидинг дейман-а?

— Ҳа. Қанчадан бери йўл юрамиз, қандай қилиб тўйиб ухлаб бўлади...

— Пароход яқинда йўлга туанди-ку.

— Биз олисдан келямиз. Сахалиндан. Уч ҳафта бўлди йўлга чиққанимизга.

— Сахалиндан?— деб сўради Костя, қизчага ҳавас билан бир оз ишонқирамай кўз югуртириб.

Костя унга зерикканидан гапирди-да, бўлмаса қизлар билан ким гаплашиб ўтиради дейсиз. Лекин энди қизча жуда ғалати кўрйиниб қолди, ҳатто чалакам-чатти ювилган чит кўйлагининг ранги ўчиб кетган майда гулларигача уши қизиқ кўринарди.

— Алдама.

— Нимага алдар эканман?— деб жавоб берди қизча ё парволик билан.— Ишонмасанг, ана ойимлардан сўра.

Костя ҳалиги ҳорғин юзли хотинга ўгирилиб қаради, лекин энди у тугунга бутунлай ёнбошлиб олиб, шунрчи уйқуя кетган эди.

— У ёқда нима қилдинглар?


— Нима қилардик — яшадик. Дадам балиқ заводида ишлардилар, биз ҳам ўша ёрда, посёлкада турардик.

— Улуғ ёки Тинч океанин кўрганмисан?

— Албатта-да, уйимиз шундайгина қирғоқда эди.

— Денгизда пароходда ҳам юрганмисан?

— Бўлмаса-чи! Сахалиндан пароходсиз келиб бўлмайди. Самолётда келса ҳам бўлади-ку, лекин бизнинг юкимиз кўп Қизча хотиржам ва бепарво гапирав, Костянинг бўлса унга ҳаваси келиб, қизиқиши тобора ортиб борарди. У, шундай нарса ҳақида қандай қилиб совуққонлик билан гапириб бўлади-а, деб ҳайрон қолди. Қани энди у ҳам океан қирғогида, Сахалинда бўлган бўлса!. Унинг ҳамма нарсани бирнасда билиб олгиси келар, лекин қизчага ҳамон илгаригидай зерикарли қилиб, истар-истамас жавоб қайтарарди.



— Вой сени қара-ю! — деди Костя таъна қилиб. — Худди бўккан нонга ўхшайсан-а? Шунча нарсани кўрибсан-ку, гапириб бера олмайсан!

— Ўйкум келяпти-да. Етиб борайлик, тўйиб ухлаб оламан-да, ундан кейин...

— Қаёққа кетяпсизлар?

— Ҳозир Черкассдаги бувимниги, кейин Каҳовкага борамиз.

— Каҳовкага? — Костяниң қизиқиши бадтар ошди. — Ни-мага?

— Дадам қурилишга кирмоқчилар.

— Сен-чи?

— Мен нима қиласдим? Ўқийман. Дадам бундан анча илгари келмоқчи эдилар, кейин Соня билан менинг дарсларимиз тамом бўлсин деб кутиб қолдилар. Ўқиш тамом бўлди-ю, йўлга тушдик.

— Даданг ўзи қани?

— Буфетда. Анча бўлди кетганларига. Пиво ичаётган бўлсалар керак.

— Юр, кўрсат.

— У ердан ҳайдаб юборишмасмикан?

— Ҳайдашмайди!

Улар оёқ боссанг тарақ-тарақ қилиб турадиган темир палубадан кема тумшуғидаги буфет ўрнашган хонага боришиди. Буфет стойкасининг қархисидаги тўрт бурчак стол атрофида уч киши — кўзойнак таққан, боши тап-тақир бир киши, қоратўридан келган ёшгина бир йигитча ва ип газламадан тикилган қалин кўйлагининг этагини шимига қистириб олган, юзи офтобда куйиб кетгандай қоп-қора, қотма бир киши ўтиради.

Ҳаммасининг олдида ҳам кружкада пиво турар, кружкаларнинг устида худди шапкага ўхшаб, оппоқ кўпик вижирларди.

— Ҳа, мени қидириб келдингми? Зерикиб қолдингми? — деди қизчани кўриб ҳалиги қалин кўйлакли киши. — Ҳозир кетамиз!

У пивога ўхшаш сарғиши мўйловини кўпикка ботирди, кружкани бўшатиб, мўйловини артила, сухбатдошлиларига қаради.

— Ўзим ҳам асли ўша алёшқалинкини. Ватанимда шундай ишлар бошланганида, мен қандай қилиб тинч ўтирай? Мана энди биз ўз еримизни жуди бошқача қилиб юғорамиз! — У мушти билан столни урган эди, кружкалар шароқшуруқ қилиб кетди. Кейин қолган тинчиши бир хўндашида тамомлаб, ўрнидан турди. Шундайни унин барваста, бақувват киши эканлиги кўзга ташланди. Қини, юр Настя!

Сахалинликлар чиқиб кетиши. Биш йигит инно ишарди, семиз киши эса, ялтироқ бошини артию, Настянинг ладас кетидан қараб қолди:

— Буни қаранг-а — ўн икки минн чиқирим срдан стио келибди!..

— Бўймаса-чи? — деди йигитча. Мана мени ҳам курепи тугатаман-у, ўша ёққа жўнайман.

Улар жим бўлиб қолишиди.

Костя сухбатнинг давомини кутди, лекин бошин ялтироқ киши чиқиб кетди, йигит эса, китобга муқкаташди.

Орадан бирмунча вақт ўтғандан кейин Костя яна сахалинликлар жойлашган қўйруқдаги салонга борди. Лекин янди Настя бошини ойисининг тиззасига қўйниб, ухлаб қолган эди; барваста бўйли отаси ҳам тор диванга узала тушиб, ухлаб ётибди.

Фақат Настянинг опасигина уйғоқ — юкларга қараб ўтирибди. Костя у билан гаплашмоқчи бўлиб кўрди, лекин қиз шишган қовоқларини пирпиратиб, унга хавотирланиб бир ўқрайиб қаради-да, индамади. „Ҳарқалай, ҳаётда ноҳақ ишлар кўп-да: мана шунаقا уйқичи курк товуқларни Каховка га олиб боришса-ю, мен у ёргаборолмасам!..“ — деб хаёлидан ўтказди Костя.

Лекин энди бу ерда қиладиган иш йўқ, Костя яна буфетга қайтди. Буфетнинг деразалари катта-катта, олдиндаги ва икки ёндаги ҳамма нарса кўриниб турди, эшиги эса пароходнинг тумшуқ томонига қараган, унда барабанга ўралган

лангар запжири ва аллақандай ричаглар турибди. Костя шикни очиб, ўша ёқса чиқди, лекин шу ондаёқ орқасидан кимдир:

— Хой бола, тумшуқса борма! Эшикка нима деб ёзиб ўйилганини кўрмаяпсанми? — деб қичқирди.

У ҳеч нарса қилмоқчи эмасди, фақат лангарни ва тўлқин-арнинг пароход тумшуғидан икки ёқса бўлиниб кетишини ўрмоқчи эди, холос. Бўлди, ҳамма нарса ман қилинадиган ўлса, қаютага кириб ўтира қолгани яхши!

Трапдан тушиб кетаётганида кимдир унинг елкасидан шлади-да:

— Ҳа, азамат, пароходимиз ёқдими? — деб сўради.

Костянинг қаршисида ҳов бояги лейтенант, капитаннинг рдамчиси кулиб турарди. Костя ўз муваффақиятсизликлари-ан хуноб бўлиб турган эди, лейтенантнинг кулиб қараши адтар аччиини чиқарди, шунинг учун у бир дақиқа та-аддулланиб турганидан кейин жаҳл билан:

— Йўқ! — деб тўнфиллади.

— Ҳа? Нега?

— На бирон жойига киролмасанг, на тузукроқ кўроласанг, бу қанақа пароход ўзи!

— Тушунарли. Машинани бошқариб, штурвални айлан-ириб кўрсанг, иложи бўлса мегафонга „Чап бортга!“ ёки үнга ўҳшаган бошқа бирор нарса деб қичқирсанг, шунаками?

— Ҳеч-да! Мен фақат кўрмоқчи эдим

— Ҳм. Бўлмаса юр, томоша қиласиз. Бунақа димда тиришдан нима чиқади!.. Хў-ўп,— деди ёрдамчи,— пароход-а машинадан кейинги энг асосий нарса — руль. Руль паста, қўйруқнинг тагида. Унга мана шу штурвалдан штурвослар тушган. Рулевой штурвални айлантирса, руль ҳам урилали...

— Нима гап, ўртоқ ёрдамчи, янги кадрми? — деб сўра-и рулевой кулиб,

— Ҳаммаси ҳам бўлиши мумкин. Хаш-паш дегунингча элиб ўрнимизни босишади.

— Бўлмаса-чи? Тураги гап.

— Нактоуз-чи, у қаерда?— деб сўради Костя

Штурвал деразанинг ёнгигасида эни лекин унинг олдида компас йўқ. Костя китобда ўқиган кемаларнинг ҳаммасида компае бор эди

— Кўрдингми? Билимдон ўргоқ! деди кулиб капитан ёрдамчиси.— Бизга компае керак эмас. Чунки оиз деңгизда эмас, Днепрда юрамиз. Иккى фимиз қиргоқ, тўхтани керак бўладиган ерларнинг ҳаммасига беди шар қўйилиш

— Карта-чи?

— Карта мана оу ерда, деб нешонинга чоргию қўйди рулевой.

Костянинг тушина олмаганини ағидиши ойнишиб тушарди.

— Биз дарёни бошдан охиринача, ҳамма томондан ёл билинимиз керак — део тушунтирили ёрдамчи

— Бунда картага анграйиб ўтиреши, кемани қиргоқка уриб юборининг ҳам ҳеч гап өмас, деди рулевой. Киртасиз ҳам аданимаймиз..

Хуниёр бўл! — деб унинг сўзини **бўлди** капитаннинг ёрдамчиси, лекин рулевоининг ўзи ҳам айлақачон штурвални айлантира бошлаган эди, пароходининг бурилинидаги ҳаракати секинлашди.— Шу саёзлик вақтидан олдинроқ кўтарилиб қолдими дейман, кўнглимга ёқмай турибди-да.

— Йўғ-э, сув жуда тез пасаянти, ўшашга у кўтарилаётгандай қўриняпти,— деди рулевой.

— Хўш, яна сенга нимани кўрсатай? Гаплашадиган трубаними? У орқали биз машина бўлимига кемани қандай тезликда юргизиш ҳақида команда берамиш.

Костя:

— Мен ҳам... — деб гап бошлади-ю, яна тўхтаб қолди.

— Йўқ, бекордан-бекорга гапириш мумкин эмас.

— Фақат қулоқ солиб кўраман.

— Унақа бўлса майли.

Капитаннинг ёрдамчиси пробкани олди, Костя трубанинг өғзига қулоғини қўйди. Ундан бирор худди Костянинг қу-

логи тагида қаттиқ-қаттиқ нафас олаётгандай, тез-тез пишиллаган овоз эштиларди.

— Нимага шунча йўл юрсак ҳам қирғоқда на биронта шаҳар, на биронта қишлоқ кўринмайди?

— Қирғоқда шаҳар, қишлоқлар бор-ку, лекин кам — фақат баланд жойлардагина. Қирғоқ қанчалик пастлигини кўярпсанми? Баҳорда Днепр тошиб, бу қирғоқларни сув босиб кетади. Днепр бир неча километр атрофга тошиб боради, ука. Агар бу ерларда қишлоқ бўлса улар ҳам сув тагида қолиб кетарди. Сув олиб кетмасин учун, қишлоқларни нарироқдаги тепаликларга қуришган. Шунинг учун қирғоқлар бўм-бўш кўринади.

Капитаннинг ёрдамчиси Костя билан бирга бутун палубани айланиб чиқди, ўнг томонда яшил, чап томонда қизил — борт чироқларини, вентилятор трубасини кўрсатди. Вентилятор трубасининг оғзи шунчалик кенг эканки, ичига Костя бемалол кириб кета оларди. Улар усти оқ, ичи қизил бўлгани учун худди очиқ турган каттакон оғизга ўхшарди.

— Пастдаги пол нега темирдан қилинган?

— Эскидан қолган. Аввал пароходимиз шатакка олиб ориладиган кема бўлган, кейинчалик устидаги қават қуришиб ва каюталар қилиниб, пассажир пароходга айлантирилган. Палуба эса, қандай бўлса шундайлигича қолаверган...

Малла ранг ёрдамчини чақириб қолишиди.

— Хозир,— деди у.— Хўп, менга қара, дўстим: отинг нима? Костя? бир ўзинг айланиб юр, Костя, мени чақишияпти. Лекин бортга яқин борма, билдингми? Ростдаң йинингга ваъда берган эканман, бу ёғига мен жавобгарман.

— Есть, бортга яқин бормайман! — деди Костя дона-доа қилиб.

— Ў-ҳў! Худди денгизчиларнинг ўзисан-а! Ҳа-ҳа, сен дам бўласан! — деди кулиб капитан ёрдамчиси ва ғизилла-инича трапдан пастга тушиб кетди.

Умуман олганда у дуруст йигит экан. Доим кулиб тудиган бўлса нима? Ўзи ёш, қувноқ, кўнглигà ҳамма нар-и ёқади, ўшанга шунаقا-да!

Костя борт нарёфида кўпириб оқаётган сувга узоқ қараб турди; фалати-фалати бўлиб гирдоб ураётган сувда кўзига бир-биридан қизиқ манзаралар намоён бўлди. Бошини кўтарганида эса олдинда жуда узоқда, уфқ чизиги олдида пағапаға бўлиб, тонгги булат сингари пушти ранг тутун кўринди.

У катталашиб, юқорига кўтарила борди секин-аста сарғиши тусга кирди. Унда аллақандай кўланкалар пайдо бўлиб, кўкиш тус олди, орадан кўп ўтмай Костя бу тутун ҳам, булат ҳам эмас, яккам-дуқкам ўт-ўлан ўсган баланд, тик қирғоқ эканини пайқаб олди. Аввал пароход ундан узоқлашаётгандай бўлиб кўринди, кейин дарё шартта ўнгга бурилган эди, тик қирғоқ ниҳоятда тез катталашиб бориб, осмоннинг ямини қоплаб олди. Унинг ўнг томонида юқоридан пастга қараб яккам-дуқкам уйлар тизилишиб кетганди. Тик ёнбағирликнинг этагидаги қирғоқда торгина баржа — пристань тиқилиб турарди. Пароход баржага ёни билан тақалиб борди. Баржа панжараси нарёфида қизлар ғуж бўлиб туришибди, уларнинг орқасида эса, худди она товуқдай минут сайин атрофига аланглаб, ўқитувчиларими, пионервожатийларими турибди.

— У нима? — деб сўради Костя, палубада ўтирган жиккакина чолдан.

— Триполье.  
— Ўша Триполье шуми?  
— Ўша деганинг нимаси? Триполье — битта, бошқа ерда Триполье йўқ.

Костя гиз этиб трапдан кўприк ёнига тушди. Пароход билан пристань ўртасига аллақачон кўприк қўйилган бўлиб, ундан бирин-кетин, эҳтиётлик билан шошиб-пишиб ўқувчи қизлар ўтишар, ўқитувчилари эса, панжара олдида турганича шивирлаб, қўли билан уларни санарди.

— Костя, уларни палубага олиб бор! — деб қичқирди таниш ёрдамчи.

— Йўқ-йўқ, каютага! — деди ўқитувчи.  
— Каютага бўлса, каютага! — деди ёрдамчи. — Қуйруқдаги салонга олиб бора қол!

Костя қирғоққа тушмоқчи әди, лекин ёрдамчининг гапиши қайтариб булмайди. Ўқуйруққаги салонга қараб юрди, кетидан, бир-бирлари билан шивирлашиб, бир гала қизлар эргашинши Кетларидан үқитувчилари ҳам етиб келди; қизлар уни ұраб олиб, салонни томоша қила бошлашды, вай анавини қара, вай манавини қара қилиб бирпасда шундай шовкин-сурон күтаришдикি, Костя шу заҳотиәқ қочиб чиқиб кетди.

Лекин қирғоққа тушишнинг иложи бўлмади. Қўнғироқ чалиниб, пароход гудок берли-да, пристандан жилди. Ғилдирак гилофи тагидан ҳуштак чалиб, вишиллаб буғ отилиб чиқди-да, пристанни қоплаб олди. Гүё пароход йўлга тушиш олдидан қаттиқ-қаттиқ нафас олиб, куч йигаётгандай буғ қайта-қайта отилиб чиқарди.

Костя юқори палубага чиқиб олгач, юраги эзилиб, қияликларга сүқланиб қаради. Тик кетган ёнбагириликлар бумбўш, ҳеч ким кўринмайди. Ўрта белдаги яккам-дуккам ўтлар үсиб ётган ерда бир оқ эчки кезиб юрибди. Ердан ўт узиб олади-да, бошини кўтариб, ковшаганича пароходга қарайди, кейин яна ердаги ўтларга бўйини чўзади.

Триполье! Абадий шон-шараф эгаси бўлган киевлик комсомоллар ҳалок бўлган жой! Яқингинада, ўқув йилининг томомланиши олдида, пионервожатийлари Триполье фожиасини, 1919 йили Киевдан комсомоллар отряди „Кўклар“-нинг қулоқлар бандасига қарши курашгани йўлга чиққани, Трипольега етиб келиб, тенгсиз жангда ҳалок бўлишганини гапириб берган әди. Эҳтимол Люба Аронова, Миша Ратманский худди мана шу тепаликдан Днепрга ва чексиз Днепр бўйи далаларига сўнгги марта боқиб, Ватанга видолашув саломини йўллагандирлар ..

Костя қирғоққа кўз югуртириб, уларнинг хотираси учун ҳайкал қўйилганмикан деб излади, лекин қирғоқда ҳайкалга ухшаган ҳеч нарса йўқ әди.

Костя катта, чиройли ҳайкал йўқлигига ачинди, қанинни ҳамма томондан яққол кўзга тацланиб турадиган лайкил булса, уни кўрганда пароходлар чўзиб, мунгли гудок



беришса, йўловчилар жиддий қиёфада жим туришса-да, у томонга қарашиб, ўз ҳаётини жонажон Советлар мамлакати учун, коммунизм учун фидо қилган қаҳрамонларга юракларидан миннатдор бўлишса..

Бу ерда ҳайкал кўринмади, пароход ҳам гудок бермади, балки шошганича, шиддат билан сувни шалоплатиб уриб бораверди. Палубадаги скамейкада ўтирган чол зўр бериб, кичкинагина, дудланган балиқнинг терисини шиларди.

Костя „смирно“ туриб, пионерларча салют берди ва орқада қолиб бораётган Триполье тепаликларига узоқ қараб турди.

Қуёш пастлаб шамол кучайди, Костя камзулини кийиб чиқиши учун каютага қараб кетди. Қайтишда қўйруқдаги салонига қўз ташлади. Ўқувчи қизлар диванлар билан бир бурчакни ўраб олишиб, баъзилари бошлариға тугуналарини қўйишганича ухлаб ётар, қолганлари ўқитувчиларининг гапили тинглаб ўтиришарди. Иккита қиз эшикнинг олдига чиқиб, коридорда у ёқдан бу ёққа аланглаб турибди. Улардан бўйи баландроғи, дадилроғи бўлса керак, Костядан:

— Юқорига чиқсан бўладими? — деб сўради.

— Бўлади, майли, — деб рухсат берди Костя. — Юринглар кўрсатаман.

У трапдан панжарани ушламай, тез юриб чиқди, кетидан узун, ингичка оёқларига кийган катта ботинкаларини тўқиллатиб, қизлар тирмашиб чиқишиди.

— Нечанчи синфда ўқийсизлар? — деб сўради Костя палубада тўхтаб.

— Мен бешинчи синфга ўтдим, — деб жавоб берди қизлардан бўйи баландроғи.

— Мен бўлсан, тўртинчига, — деди кичиги.

Костя менсимагандай қилиб:

— Ҳм-м! — деб қўйди. — Каёққа кетяпсизлар?

Қизларга совуқ ўта бошлади. Улар этлари увишиб, шамолга орқаларини ўгирар, пуфакдай шишиб елпинаётган кўйлакларини қўллари билан босиб тураг, аммо кетиша қолмасдан чуғурлашиб, Каневга, Тарас Шевченко билан Арка-

дий Гайдарнинг қабрига кетаётганликларини гапириб беришди. Ольга Семёновна жуда яхши хотин экан, фақат қизлардан битта-яримтаси йўқолиб қолмасин ёки сувга ийқилиб тушмасин, деб қўрққанидан ҳеч қаёққа чиқармас экан, пароходдага биринчи марта тушишлари бўлгани учун уларга ҳамма нарса қизиқ экан.

Агар биринчи марта тушишинглар бўлса, тўғри,— деди риоя қилиб Костя.— Мана, қаранглар...— У қизчаларга ўзи бундан бир соатгина олдин капитан ёрдамчисидан эшиттиши нарсаларини гўё мана шу рубкалар, штуртрослар, траплар ичидаги туғилиб ўсгандай кўрсатиб, гапириб бера бошлиди.

Қизлар совуқдан кўкариб, пати юлингган ғоздай туклари тикка-тикка бўлиб кетди, лекин улар Костяга жуда қизиқиб ва қойил қолиб қараашарди; Костя эса унга сари очилиб, ўз ўйидаги гапларини айтишга киришиб кетди: дарё пароходида юриш ҳам пароходда юриш бўптими, уй ичилада юргандай, икки қирғоқ ўртасида сузиб юрасан, ҳеч қизиги йўқ, денгизда юриш бўлса — бошқа гап, денгизда комиаэга қараб юришга, қуёшга қараб йўлни аниқлашга тўғри келади. Ундан кейин, бунда ҳеч қандай бўрон бўлмайди, ванида ўтиргандай ҳеч қандай хавф-хатарсиз ўтирасан, денгизда-чи — бир довул туриб берсами, ана унда кўр томошани...

Маҳлиё бўлиб қолган қизлар унга шундай ҳурмат билан қарадиларки, ҳатто уни сансираб гапиришга ҳам тиллари бормай қолди.

— Сиз денгизчимисиз? Отпускадамисиз? — деб сўради каттаси.

— Ҳозирча — йўқ, — деди Костя бир оз уялиб. — Лекин яқинда бўламан... Ҳозир тоғамникига кетяпман. Ана у денгизчи, — деб қўшиб қўйди Костя ўзи ҳам кутмаган ҳолда.

Аммо шу пайт уларнинг олдига хавотирланган, ҳам жаҳли чиққан ўқитувчи чопганича чиқиб келди-да, ростмана кўкариб кетган қизларнинг қўлидан ушлади:

— Кизлар! Бу нимаси? Сўрамасдан кетиш яхшими? Афти-башарангларни қаранглар, аллакимларга ўхшаб кетибсиз... Ҳой бола, уялсанг бўлмайдими? Кап-катта экансан, тушунишинг керак эди...

— Мен чақирганим йўқ уларни, ўзлари чиқишиди, — деб ўзини оқлади Костя, ўнғайсизланиб.

Ўқитувчи унинг важига қулоқ ҳам солмай, совуқдан музлаб кетган, лекин янги таниш орттирганларидан ниҳоятда мамнун қизларни пастга олиб тушиб кетди.

## ҚИРҒОҚДАГИ КИЧИК УЙ

Костя ёлғиз қолиб зерикди, кейин у ҳам совқота бошлиди. Бояги гаплардан кейин ўқувчи қизларнинг олдига киришга ўнғайсизланарди, қизларнинг олдига кириб ҳам нима қилсин?

Малла ранг капитан ёрдамчиси ҳам ҳеч қаерда кўринмади, шунинг учун Костя ўзининг каютасига тушиди. У нуқул алланимасини йўқотган одамдай ўнғайсизланар, лекин нега бунақа бўлаётганини тушуна олмасди, охири у қорним очган бўлса керак, деб ўйлади. Костя гўшт, пиширилган тухум, ичига қулупнай солиб пиширилган сомса олди-да, ўйлаб қолди. У узоқ иккиланиб ўтирумади: олдин еди нима-ю, кейин еди нима? Нега, албатта, олдин гўшт ейиш керак? Аввал сомсалани еб, кейин қолганларини еса ҳам бўлади.

У сомсаларни еб тамомлаб, гўштдан бир бўлагини кесиб олди, аммо бошқа ҳеч нарса егиси келмай, ҳаммасини қайтиб яна сеткага солиб қўя қолди.

Костя стол устига чиқиб, иллюминатордан ташқарига қаради. Қуёш ботяпти, чап соҳилдаги поғона-поғона бўлиб кўтарилган тепалик ва қумлик саёзликлар қизғиши тусга кирган, сув эса қуюлиб, оғирлашаётгандай қорайиб боряпти.

Корни тўйди-ю, лекин ҳалиги ўнғайсизланиш ҳисси йўқолмади. Нима қила қолди у? Қизларни юқорига олиб чиққаними? У судраб олиб чиқибдими, ўзлари эргашиб чиқишиди. Денгиз тўғрисида нотўғри гапирдими?

Ҳаммаси тўғри. Лекин тоғаси тўғрисида ёлғон гапирди! Ни-  
ма қиласарди-я алдаб? Ахир, ҳозир у денгизчи эмас, бакен-  
чи-ку...

У тоғасини бор-йўғи икки марта кўрган. Тоғаси уларни кига  
тез-тез келиб туради-ю, лекин Костя гоҳ пионер лагери-  
да, гоҳ мактабда бўларди, шундай қилиб, улар деярли ҳеч  
кўришмас эдилар. Костя тоғасининг бутун уйни тўлдиргу-  
дай йўғон овозини, буфетдаги рюмкаларни жиринглатиб  
гурс-гурс қадам ташлаб юришини, учи пастга қараган йўғон  
мўйловини, қайрилма қошлари остидан кулиб қаровчи кўз-  
ларини, жуда ҳам аччиқ тамаки чекишини эсдан чиқар-  
майди.

Тоғаси чека бошлиши билан ойиси томоғини ушларди-да,  
ваҳима қилиб:

— Тавба, бу заҳарни қандай қилиб чекасан?— деб сў-  
парди.

— Ҳа, аччиқ эканми? — деб куларди тоғаси, — чивинлар-  
ни яқин йўлатмайди-да, додини беради.

— Ахир, биз чивин эмасмиз-ку? — дерди ойиси ва иккала  
деразани лангиллатиб очиб юборарди.

Ҳатто тоғаси кетгандан бир неча кун кейин ҳам уйда  
қўлбola тамакининг ўткир ҳиди сезилиб туради, Костя  
(у вақтда тўртинчи синфда ўқир эди) тоғасининг бакенчи-  
лигини эшишиб севиниб кетди-да, бакенчи деган, ўзи  
Жюль Вернининг „Дунёning бир бурчидаги маяк“ деган кито-  
бida ўқиганидай, одам боласи яшамайдиган оролдаги маяк  
қоровулинга ўхшаган бўлса керак деб ўйлаб, уни ҳар хил  
саволларга қўмиб ташлади, лекин тоғаси кулиб, унга ҳеч  
бир ўҳинаниги йўқ: маяк бошқа нарса, бакен бошқа нарса  
деди. Бакен солга ўрнаштирилган кичкина учбурчак оддий  
будка экан. Кечкурун унга фонаръ ёқиб, эрталаб ўчирилар  
экан, холос. Ороллар бор экан, ҳаммаси бирдай—одам яша-  
майдиган ороллар экан. Уларда яшаш ҳам мумкин эмас  
экан, чунки тошқин вақтида сув остида қолиб кетаркан,  
қумли туирогида тол ва ўт-ўландан бошқа ҳеч нарса кўкар-  
мас экан.

У ерда Костяни қизиқтирадиган ҳеч нарса йўқ, фақат балиқ тутиши ва роса тўйиб чўмилиши мумкин. Ўшандада ҳам якка ўзи чўмилиб, якка ўзи балиқ тутади, буниси ундан бадтар зерикарли. Тоғасининг ўғли йўқ, Нюра деган бир қизи бор, холос.

Зерикиши турган гап... Костянинг кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кета бошлади, охири у ухлаб қолди...

— Эй, оғайни! Тур, етдик.

Кимдир Костяни елкасидан ушлаб силкитди, у сапчиб турди-да, шифтда чақнаб турган электр чироги ёруғига қарәёлмай, кўзини қисди. Уни малла ранг капитан ёрдамчиси уйғотган эди.

— Ҳали тонг отгани йўқ-ку?

— Ҳечқиси йўқ, камини уйга борганда ухлайсан. Полянскайага келиб қолдик.

Костя саквояжи билан септасини олди-да, капитан ёрдамчиси кетидан пастки палубага кетди. Пароходда ҳеч ким йўқ, жимжит, фақат машиналар пишиллаб тез-тез нафас олар, филдирак парраклари сувга ғувиллаб уриб турарди. Пароходнинг атрофи қоп-қоронғи ва жимжит, қирғоқ кўринмайди, сув ҳам кўринмайди, фақат ёнбошда, пастда борт чирогининг яшил шуъласи ялт-юлт этиб кўриниб қолади.

„Мени қаерга ташлаб кетмоқчи ўзи?“ — деб ўйлади Костя саросима бўлиб.

Пароход битта узун, битта қисқа — иккита гудок берди.

— Бекор гудок беряпти, — деди капитан ёрдамчиси, — ҳўв ана, Ефим Кондратьевич келяпти.

— Қани? Қани? — деб сўради Костя аланглаб қараб.

— Ҳўв ана, олдинда.

Олдинда — ўнг томонда сарик чироқ липилларди. У кўздан йўқолар, кейин яна пайдо бўлиб, тўғри „Ашхобод“ га қараб келарди. Пароход машиналарини тўхтатиб, юришини секинлатди. Ниҳоятда узоқда кўринган чироқ, бирдан жуда яқин жойда пайдо бўлиб қолди. Кейин Костя қайиқнинг тумшуғидаги чироқни, унинг сув бетида югураётган илои

изи аксини кўрди, чироқ орқасида эса, дам эгилиб, дам қаддини ростлаб, аллаким қорайиб кўринарди.

Қайиқ „Ашхобод“га тақалиб келди, ундаги киши қаддини кўтарган эди, боши палубага бараварлашди. Костя хира тушиб турган чироқ ёруғида мўйлови юзининг ярмини тутиб кетгандай кўринганига, кўзи иккита катта-катта қора чуқурчага ўхшашлигига қарамай, энди уни таниб олди.

— Салом, тоға! Бу мен, мен келдим! — деди Костя. — Қандай қилиб тушай?

— Мана бундай қилиб, — деди капитан ёрдамчиси.

У Костянинг қўлтиғидан қўтариб, бортдан пастга узатди, тоғаси пастдан узун қўллари билан қўтариб олиб, қалқиб турган скамейкага ўтқазди.

— Хўш, бўлдими энди?

— Бўлди. Раҳмат, — деди тоғаси.

— Арзимайди. Яхши қолинг, Ефим Кондратьевич, — деб жавоб берди капитан ёрдамчиси.

Тоғаси Костяга:

— Маҳкам ушла! — деди-да, қайиқни пароходдан нариитариб юборди.

Қайиқ шиддат билан қоронғилик қўйнига сузив кириб кетди. „Ашхобод“ худди тунни чўчитиб юбормай дегандай секин ва қисқа гудок берди, парраги аста айлана бошлади, кейин тобора тезлашди, пароход қайиқнинг ёнгинасидан ўтди, сўнг эса, ҳадемай қоронғиликка сингиб кетди, энди фақат қўйруқдаги каюта деразаларигина ёришиб кўринарди. Мана, улар ҳам кўздан ғойиб бўлди, фақат қайиқни чай-қалтириб турган сезилар-сезилмас тўлқинларигина қолди.

— Хўш, уйдагилар қалай? Ойинг яхши юрибдими? — деб сўради тоғаси, фонарни ўчириб, эшкакка тутунар экан.

— Яхши. Ойим командировкага кетяпти.

Тоғаси қайта-қайта савол берар, лекин Костя бўшашиб, пойма-пой жавоб қайтарарди.

— Уйқунг келяптими дейман-а, жиян?

— Йўқ, нега? — деб эътиroz билдириди Костя бўшашиб.

Үйқуси келаётгани-ку рост-а. Тонг салқини ҳатто курткасидан ҳам ўтиб киряпти, юпқа шимини-ку, қўяверасиз. Айниқса, тиззаси ёмон совқотди, шунча қучоқлаб кўрмасин, қўли билан ёпмасин — фойдаси бўлмади.

Кейин Костя, тоғам қандай қилиб компассиз йўлни топаркин, шундай қоронғида қайиқни қаёққа қараб ҳайдашни қаердан биларкин, деб ўйлаб қолди.

Тоғаси эса, ҳеч қаёққа қарамай, эшкакни қаттиқ-қаттиқ силтаб, қайиқни олға ҳайдаб борар, эшкак сувдан кўтарилганида майда тўлқинларниң шоша-пиша қайиқ бортига келиб урилаётгани эшитиларди.

Олдинда қоронғилик тобора қуюқлашиб, катталашиб, улар устига босиб келарди.

— Маҳкам ушла! — деди яна тоғаси.

Қайиқ қўйқисдан тумшуғи билан қирғоққа шундай қаттиқ урилдики, Костя бортни ушлаб ўтирганига қарамай тиззасига энгагини уриб олишига сал қолди.

— Етдик! Кўтар нарсаларингни.

Костя қайиқдан тушди, тоғаси қайиқни тортиб, ярмисига қадар қирғоққа чиқариб қўйди, кейин улар юқорига тирмашиб чиқиб, кичкинагина уйга киришди. Уй қоп-қоронғи, жимжит эди.

Тоғаси чироқ ёқиб, Костяга ётадиган ўрин кўрсатди. У апил-тапил ечиниб, кўрпа тагига кирди, тоғасининг алланималар деб уни ўраб қўйганини ҳам, кейин чироқни қўлига олиб, уйдан чиқиб кетганини ҳам эшитмади...

Костяни қаттиқ чинқирган товуш уйғотиб юборди. Ланг очиқ деразадан ҳозиргина ювилиб, энди қуриётган полга қуёш нури тушиб турарди. Эшик катта очиқ, ундан баланд, тиниқ осмон кўриниб турибди. Ҳалиги ғалати овоз тинмади, унга аллақандай энтикиб хиқиллаганга ўхшаш овоз қўшилди. Костя ўгирилиб қаради, стол олдида унга орқа ўгириб, бир қизча турарди. Сарғиши сочлари икки ўрим қилиб ўгириб, учига қизил лента боғланган. „Сепкилдор қиз экан,— деб қўйди ўзича Костя.— Сариқларнинг ҳаммаси сепкилдор, бўлади“.



Кизчанинг елкалари дам кўтарилиб, дам тушар, у йигламсираганга ўхшаш баланд овоз билан тўхтовсиз ғинғилларди.

— Нега бўкирятсан? — деб сўради Костя, тирсагига таяниб туриб.

Кизча ялт этиб ўгирилиб қаради. У, юзида битта ҳам сепкили йўқ, тицлари оппоқ, майда, кўзлари кўм-кўк қиз экан.

— Мен бўкирётганим йўқ, ашула айтяпман. Ҳамир қоряпман, шунга зерикиб қолмай деб, ашула айтяпман. Бўкирганга ўхшаяптими овозим? Ухлаб бўлдингми? А?

У шундай тез гапирадики, Костя ҳеч нима деб жавоб беришга ҳам улгура олмади, лекин қизча ундан жавоб кутмасди ҳам.

— Биламан, сен бизга қариндош бўласан. Дадамнинг синглиси сенинг ойинг бўлади. Тўғрими? Сен Костя Головановсан. Нега фамилиянг Голованов, а? Бошинг катта бўлганига шунақами? Йўқ, бошинг катта эмас. Фамилиянг ўзи шунақадир-да. Бизнинг бешинчи синфда битта қиз бор, унинг фамилияси-чи Здравствуй. Галя Здравствуй. Қизлар саломлашиб „Здравствуй!“ дейишса, у мени чақиришяпти леб, „Ха!“ дейди. Қизиқ-а? Тўғрими?

Аввал Костянинг жаҳли чиқди, кейин кулгиси қистади, лекин у иккаласига ҳам улгура олмади.

— Менинг отим-чи, Ниора. Сен бизнида турасан, а? Мен сенга ҳамма ёқни кўрсатаман. Бу ер яхши, мана ўзинг кўрасан. Нимага индамайсан? Соқов эмасмисан?

— Оғзинг тинмай гапираверганингдан кейин, мен қандай қилиб гапирай?

— Вой, рост! Ман шундай тез гапираманки, ҳеч ўзими тўхтата олмайман. Баъзида ўқитувчимиз доскага чақиради. Мен бир жавоб беришга бошласамми, қулоқ солиб тўради-туради-да, қўлинин силтаб: „Сен-чи, Кичеева, худди тоғдан югуриб тушгандай гапирасан“, — дейди. Ўшанақага ўҳшайдими, а? Бу жудаям ёмон камчилик! Математика ўқитувчимиз Виктор Петрович, бу энергиянинг кўплигидан, дейдий, мени у Ракета деб атайди. Болалар ҳам шундай деб чақиришади. Жиғимга тегмоқчи бўлишади-да, мен бўлсам парво ҳам қилмайман. Чақирса чақираверсин. Тўғрими? Нега куласан? Ракетага ўҳшайманми, а? Менимча, ҳечам ўҳшамайман. Сенинг қанақа камчилигинг бор? Дадам, ҳаммада ҳам камчилик бўлади, дейди. Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Сен-чи?

Қиз бидирлаганича хамир қорища давом қиласади. Унинг қўллари ҳам худди тилидай тез ҳаракат қиласади, хамир кичкина мўштлари остида уҳ тортиб пиш-пиш овоз чиқаради.

— Мана, бўлди. Энди устини ёпиб қўяман, а? Ошиб туради. Печкага ўт ёқиши биласанми? Йўқми? Нега энди? Ҳозир мен ўт ёқиб юбораман, кейин югуриб бориб чўмилиб келамиз. Сен эрталаб чўмилишни яхши кўрасанми?

— Сув жуда совуқдир?

— Бе-э! Эрталаб жуда яхши бўлади!

Нюра бидирлаб гапирганича хонада худди кичкинагина сариқ алгангадай у ёқдан-бу ёқса лип-лип учади. Нимага кўл урмасин, шитоб билан сурилади, жой-жойини топади. У сочиқ билан хамирнинг устини ёпди, печканинг қопқоғи тарақлаб очилиб, деворга бориб ёпишди, тутантириқ гуриллаб ёнди-да, олов шиддат билан тарашаларни ялай бошлиди.

— Юр, ўтин ёниб бўлмасдан дарров бориб чўмилиб келамиз.

Костя Нюранинг кетидан чиқди, лекин унга етиб юраман деган одам, чопиб юриши керак эди. Костя зинадан тушиб бўлгунча Нюра жарликка етиб борди, сочи лип этиб кўзга ташланди-ю, пастликка тушиб ғойиб бўлди. Костя ҳам югуриб борди, аммо пастга тушиладиган сўқмоқ йўлни топа олмай, товбони билан лой тупроқ жарликдан тўғри қирғоқдаги тор қумлоқ йўлга сирпаниб тушди. У ерда, қум устида кичкинагина бир қайиқ тўнтирилиб ётар, унинг ёнида, сувда яна бир каттароқ қайиқ турарди. Нюра аллақачон катта қайиқнинг қўйруғига чиқиб олиб, уни ёнига чақиради, лекин Костя тонгнинг гўзаллигига ҳанг-манг бўлиб, тўхтаб қолди.

Дарёда қимир этган тўлқин йўқ, сувнинг бети ойна сингари текис ва тиниқ. Дарё устида сийрак туман сузарди, аммо энди у сув юзидан кўтарилиб қолган бўлиб, агар чўққайиб ўтириб қаралса, сув билан туман оралиғидан олтин ранг саёзлик ва бирор оролдагими, нариги қирғоқдагими кўм-кўк ўтлар кўринарди. Эндини чиқсан қуёш мовий осмонда аста-секин кўтарилиб боряпти.

— Нима қилиб турибсан? Тезроқ бўлсанг-чи! — деб қичқирди Нюра. У аллақачон кўйлагини ечиб ташлаб, труси ва майкада турарди.— Шўнғишин биласанми?

У бир сакраб, ойнадай тиниқ сувга ўзини отди. Кетидан шов этиб фонтан кўтарилиди, худди ўша заҳоти сув бетида қизнинг сарғиш соchlари кўринди.

— Оҳ, шундай мазаки, нима қилиб турибсан энди? — деб қичқириди у.

Костя ҳар сафаргидай совуқ әмасмикан деб сувга қўлини тиқиб кўрмоқчй бўлди-ку, лекин анави сариқ бижилдоқ, қўрқоқ экан деб ўйламасин учун қайиқнинг қўйруғига борди. Пастроқ экан, майли ҳеч нарса қилмайди. У қўлларини йигиб туриб, пружинага ўхшаб бир сакради-да, ҳавода ярим доира ясаб, сувни шалоплатмай, сачратмай боши билан тикка шўнгиди. У пишқириб, қайиқ олдига сузиб келганда Нюра аллақачон қўйруққа чиқиб олиб, уни завқ билан кузатиб ўтиради.

— Вой, жуда уста экансан! Мен бунақа сакрашни билмайман. Ўргатасанми? А? Кел, яна бир мартадан ташлаймизда, уйга югурамиз, тезроқ нон ёпиш керак, ана дадам ҳам қайтиб келяпти.

Нюра яна бир шўнгиб чиқди-да, шошиб-пишиб қўйлаганини кийиб, чопганича жўнаб қолди. Костя дарёга узоқ қараб турди, охири дарёнинг этак томонида, олисда бир қора нуқтани кўрди. Аввал нуқта қимирламаётгандай туюлди, кейин секин-аста катталаша борди, унинг икки ёнида алланима ялт-юлт этиб кўринар, бу офтобда ярқираётган ёшкак эди.

Костя қайтиб келганида, Нюра юзида дод қилинган ёғилтираб турган бир даста нон олиб келиб столдаги тарелкага солмоқда эди. У тарақа-туруқ қилиб стол устига терлаб кетган бақалоқ хурмачада сут билан бир неча кружка келтириб қўйди.

— Хўш, бу ерда ишлар қалай? Танишиб, чиқишиб олдингларми? — деб сўради Ефим Кондратьевич уйга кираётби.

— Ҳа, чиқишиб олдик, дада! — деди Нюра. — Тўғрими, Костя? Бўлмаса-чи! Нега энди чиқишимас эканмиз? Юр, қўлингга сув қуйиб юбораман.

Ефим Кондратьевич шошмасдан — ўзи айтгандай: иштиёқ билан пухта қилиб ювинди, кейин улар стол атрофига ўтиришиб, бети сингиб пишган юмшоқ нонларни кусурлатиб

еб, қуюқ сут ича бошлашди. Сут шунчалик совуқ әдикі, тицингиз сирқирайди.

— Раҳмат, Анна Ефимовна,— деди тоғаси ўрнидан туғар әкан.

У трубкасини тутатган әди, шу заҳоти уй ичини нашатир спиртига ўхшаш аччиқ ҳид тутиб кетди.

— Фу, дада! Неча марта айтаманку,— деб Нюра қўлини силкитди-да, очиқ турган деразани яна ҳам каттароқ очмоқчи бўлиб итарди.

— Костя, юр, очиқ ҳавога чиқамиз, бўлмасам менинг бу исириғимга ўзим билан чивинлардан бошқа ҳеч ким дош бера олмайди...

— Биз ана шундай яшаймиз,— деди тоғаси, қирғоққа яқин боришгач, қўли билан кенг ярим доира чизиб кўрсатиб.— Қалай, ёқдими сенга?

— Ҳа.

Костяга ростдан ҳам чап соҳилдаги кенг ўтлоқ, узоқда кўриниб турган кўм-кўк ўрмон, дарёнинг этак томонида, уч километрча нарида қирғоққа тақалиб келган тепаликларнинг тик ёнбағирликлари ёқкан әди.

— Нега бу ер „Гребля“ деб аталади? Ҳеч қанақа тўғон йўқ-ку?

— Ким билади дейсан! Балки бир замонлар бўлғандир. Ҳозир фақат жойнинг номигина шунақа. Ҳов анави тепаликнинг орқасида қишлоқ бор. Аннушка ўша ерда ўқийди, кемалар қатнови тугаганидан кейин, мен ҳам қишлоққа кўчиб бораман.

— Нега доим ўша ерда туравермайсиз?

— Мумкин эмас. Қишлоқ томоннинг иши осон, у ерда ларё тинч оқади, бу ер эса пича қийинроқ. Ҳов анави ерни қара,— деб тоғаси дарёнинг сал юқори томонини кўрсатди,— қирғоқ деб ўйларсан? У ер орол, унинг нарёғи— дарёнинг эски ўзани ва бир тармоғи, сал юқорироқда яна бир орол ва тармоқ бор.

— Бўлса нима? Капитанлар қаёққа қараб сузишни билалику.

— Капитанлар-ку билади-я, лекин дарё қаёққа қараб оқишини билмайди.

— Дарё нуқул бир йўлдан оқади-ку, ахир.

— Йўқ, жиян, — деб кулди Ефим Кондратьевич, — ҳамма гап ана шунда-да! Аввал пароходлар ҳўв анави, юқоридаги чап тармоқдан юрарди, эски ўзандан ҳам ўта оларди — иш сув чуқур қилиб ювиб кетган эди, бу йил юриб кўришган эди — бир кема қумга тиқилиб қолди: тошқин маҳали саёз бўлиб қолган экан. Дарё худди асов отнинг ўзи, қаёққа қараб сапчишини билолмайсан. Ҳозир фарватер<sup>1</sup> — шу ердан ўтади, кейин қарабсанки, қумни ювиб кетиб, нарами қирғоқ томонга сурилиб қолибди.

Костя дарёнинг бир маромда тинч оқишига қараб туриш, тоғасининг гапига унча ишонмади. Дарё ҳеч ҳам ўзини у ёқдан-бу ёққа отадиган, асов отга ўхшамасди. Жиммина оқяпти. Кеча ҳам шундай оққан, бир йил олдин ҳам, шу йил олдин ҳам... У илгарилари, запорожъеликлар даврни ҳам, ундан жуда-жуда авваллари — Доно Ярослав ва шимир даврларида ҳам бўлган. Шунча маҳалдан бери уни шиб, карра жадвалдай ёд қилиб олишмаган бўлишлари шими, ахир? Бу денгиз эмас-ку...

Фим Кондратьевич Костянинг фикрларини фаҳмлади мили, жилмайди.

Бу ер, албатта, унча кенг эмас; дарё бемалол ёйи-оқолмайди. Лекин бу ишни қайтага қийинлаштиради, — Ҳов, ана, кўряпсанми — анави юқори томондаги жойини тириппман, — деб кўрсатди у. — Ҳов, қизил бакен кўнишни гўрибди. Ўша ерда стреженъ<sup>2</sup> ўнг қирғоқ ёқалаб келади, кейин йўли саёzlаниб, орол томонга бурилади, у эса куръер поездидай ана ўша бакенга қараб келаётган лишими? Яхши жойи кам-да. У бакен қатор тизилган шилар устида турибди — биз у тошларни „девор“ деймиз. Ерда бир тош бор — биз уни „Шайтон тиш“ деб атай-

<sup>1</sup> *Фарватер* — кемалар юра оладиган жой.

<sup>2</sup> *Стреженъ* — дарёнинг чуқур жойи.

миз. Шунақанги торки, истаган нарсангни майды-майды қилиб юборади. Оқим түғри ўшанга қараб келади. Ҳов ана, ўша ерда сув йилтираяпти — ўша тош устида ўйнаяпти. Тошқин вақтида-ку — ҳеч гап әмас-а, аммо сув камайған пайтда капитан әхтиёт бўлиши керак: қизил чироқни кўрдингми — дарҳол чапга бур, бўлмаса ишинг чатоқ. Дарё ана шунаقا! Ҳар хил нафмалари бор. Лекин жиловини бўш қўйиб бермай уни кузатиб турилади.

— Қанақа қилиб кузатиб туриш мумкин уни?

— Махсус тайинланган одамлар бор: капитанлар, бизга ўхшаган бакенчилар. Йўловчиларга ҳаммаси бир: бу ёқ ҳам, у ёқ ҳам сув. Тажрибали одам эса ҳаммасини кўриб туради: сув кўринишдан тинч, силлиқ оқаётган бўлса дарё тагини еб бораётган бўлади, қаерда сувнинг бети мавжла-наётган бўлса ўша ернинг таги саёзлашиб, қум йиғиб бораётган бўлади. Бирор ерга сал қум йиғилиб саёзлашгани сезилдими, биз бу ердан юриш хатарли, четлаб ўт, дегандай қилиб ўша ерни нишон қозиқлар ва бакенлар билан белгилаб қўямиз.

— Ўшанақа қилиб белгилаб қўйганингиздан кейин, қўрқинчли әмасми?

— Ўшандами — ҳа, қўрқинч қолмайди. Кундузи нишон қозиқлар, бакенлар, кечаси бўлса бакен ва махсус устунларга ёқиб қўйилган чироқлар йўл кўрсатиб туради. Унда капитан пароходни бемалол олиб ўтиши мумкин. Тўғри олиб ўтса, ҳеч нима бўлмайди.

— Ҳеч қачон ҳеч нарса бўлмайдими?

— Нима ҳам бўлиши мумкин?

— Ҳалиги, бирон ҳалокатми...

Тоғаси ҳайрон бўлиб Костяга қаради, оғзидан трубкасини олиб, шундай хохолаб кулиб юбордики, тўнтариб қўйилган қайиққа қўниб ўтирган зағизғон ҳуркиб ҳавога кўтарилиди ва қаттиқ чағиллаб, нари учиг кетди.

— Ҳалокатми?.. Ҳалокатга ким йўл қўяди?

— Баъзида шундай бўлади-ку. Масалан, темир йўлларда рельс синиб ёки бошқа бирон ҳодиса бўлиб...

— Бизда рельс бўлмайди, дарё эса ҳеч қачон синмайди; — деб кулди тоғаси. — Мунча қонхўр бўлмасанг, баҳтсиз ҳодисалар керакми сенга?

— Йўғ-а... шунчаки... Ахир, сизларда ҳам бирор қизиқ нарса бўлар?

— Ҳамма қизиқ нарса бизда-да.

— Хўп, ҳаммасини белгилаб қўйдинглар, ундан қейин-чи?

— Кейин ҳаммасини кузатиб туриш керак. Дарёning чуқурлигини ўлчаш, кечқурун бакенлардаги чироқни ёқиб, эрталаб ўчириш керак. Асбобларни тартибли тутиш зарур...

— Нега бакенларга керосин чироқ ёқишади? Электр чироқ яхши эмасми?

— Албатта яхши. Днепрда электрлаштирилган жойлар ҳам бор. Вақти келиб, биз ҳам электр чироқ ёқадиган бўламиз, лекин ҳозирча керосин чироқларни тартибли тутиб туриш керак. Иш фақат шугина дейсанми? Етиб ортади... Мана ҳозир икковимиз ўшаларга қараймиз. Қани, анави сузгичларни олиб кел-чи!

Костя, сув қирғоққа чиқариб ташлаган, жазирама июнь офтобида қуриб ётган бир қучоқ новда, илдиз, ҳар хил парча-пурча ёғочларни яқинроққа олиб келди. Ефим Кондратьевич гулхан ёқди, айрига қора мой солинган қозонни осди. Костя иси анқиб турган қора мойни қорар, тоғаси эса чиптадан дастаси калта сербар чўтка ясади.

— Мен-чи? Мен-чи? — деб қичқирди Нюра юқоридан чопиб тушаркан. — Дада, бирга мойлаймиз деган эдинг-ку! Костя икковимиз мойлаймиз! А? Нега куляпсан, дада? Билмайди дейсанми? Шундай қилиб мойлайликки, қойил қолгин!

Ефим Кондратьевич:

— Хўп, хўп, — деди-да, яна битта чўтка ясад берди.

## ЎРГАНИБ ОЛАСАН

Қора мой катта-катта пуфаклар ҳосил қилиб кўпириб чиқди, кейин қайнаётган сутга ўхшаб шишиб кўтарила бошлиди. Костя билан Нюра бурқсиб қайнаб турган қозоннинг

қулоғига йўғон таёқ ўтказиб, кичкина қайиқнинг олдига олиб келишди.

— Мана бу томонини сен мойлайсан. Хўпми? Бу ёғини мен. Қани, ким тез ва яхши мойларкин.

Буни-ку Костя боплади-я! У уйларида бир бўёқчининг зинапоя деворини мойли бўёқ билан бўяганини кўрган. Жуда осон эди.

Костя чипта чўткани қайнаб турган қора мойга ботирди-да, ўша бўёқчига ўхшаб узунасига тортиб сурта бошлади. Суюқ қора мой чўтка остида аста чипиллаб, қайиққа худди лакка ўхшаб йилтираб суркалди. Костя чўткани яна ботириб олди-да, ундан ҳам узун қилиб суркади. Нюра бўлса ҳадеб чўткани бир жойга ишқаларди...

— Бунақада бўлмайди! — деди Ефим Кондратьевич, Костянинг тепасига келиб.

— Нимага? — деди ҳайрон қолган Костя хафа бўлиб.

— Юза суриб кетяпсан, қора мой ҳар бир майда-чуйда тешигигача ёпиб кетиши керак. Буни қарагин.

Костя силлик қилиб суркаган мойнинг ялтирашидан асар ҳам қолмади. Қайиқнинг ҳозиргина қора мой суркалган ери пуфакчалар билан қопланди, кейин бу пуфакчалар чечак касали қолдирган чақага ўхшаш ҳунук доғ қолдириб ёрилди. Костя уларни суркаб юбормоқчи бўлди, аммо энди қора мой текис юқмай, ғўдда-ғўдда бўлиб ёпишиб қолаверди.

Костя Нюранинг суркашига диққат билан қараб турди-да, кейин унга ўхшатиб қора мойни қайиқнинг ҳар бир тешик-тешигига ишқалаб суркай бошлади. Бу, чўтка тортиб кетаверганга қараганда анча қийин эди. Костя бирпастда чарчаб қолди, иши эса аввалгидай яхши чиқмасди. Нюра бўлса парвосига келтирмайди. Юқориги лабини тилининг учи билан қисиб олиб, кўзига тушиб кетаётган соchlарини минут сайин чап қўли билан кўтариб қўйиб, қора мой суртгани суртган.

— Мен олдин бўламан! Мен олдин бўламан! — дея ўйинга туша бошлади у чўткани силкитиб. Аммо, Костянинг авзойи ўзгарганини кўриб, дарҳол гап оҳангини ўзгартириди



ва яна бижирлаб кетди: — Менга қара, кел бирга суртамиз. Хўпми? Мен сенга ёрдамлашаман, сен — менга. Бўптими? Томом қилганимиздан кейинчи, дадамдан шу қайиқни бе-риб туришни сўраймиз. Менинг бир ўзимга бермайди. Ик-каласиз сўрасак беради. Эшкак эшишини биласанми? Йўқ? Жуда осон. Мен ўргатиб қўяман...

Улар қорамой суркаб бўлишди. Ефим Кондратьевич келиб кўрди-да, чала қолган жойларини индамасдан бар-моғи билан кўрсатди. Костя қизариб кетди, чунки чала қол-ган жойларнинг ҳаммаси унинг томонида эди.

— Айбситмагин-да, дада! — деди Нюра. — Вижданан, ста-хановчасига ишладик!

— Ахир, қайиқнинг тешик-тирқишлигини виждан билан беркитиб бўлмайди-да, қорамой суртиш керак.

— Хўп, ҳозир суркаб қўямыз! Узингнинг берган ваъданг эсингдами? Қайиқни берасанми? А?

— Чўкиб кетсанглар нима бўлади?

— Ким, биз чўкиб кетар эканмизми? А? — Нюранинг сарғиш соchlари худди узилиб тушгундай бўлиб, жаҳл билан силкинди. — Ахир, мен қулоч отиб сузиб, Старицанинг у чеккасига ўтганман-а. Эсингдан чиқиб кетдими? А? Костя-ку — ўхў! Биласанми у қанақа шўнғийди? Мен ҳам унақа шўнғиёлмайман.. Қани, Костя, бир кўрсат! Хавотир олиб юрмасин...

— Дарҳақиқат, у бир чўмилиб чиқиши керак, ҳамма ёғи қора мой бўлиб кетибди, — деб кулди Ефим Кондратьевич.

— Вой-бў! — деб чапак чалиб юборди Нюра. — Кел, қотиб қолмасидан илгари қум билан ишқалаб юборайлик.

У Костяни қўлидан ушлаб сув бўйига судраб кетди, Костя қора мой доғларини ҳўл қум билан то териси чида бўлмас даражада ачишиб кетгунча ишқалади, аммо барибир бутунлай кетқиза олмади.

— Ҳеч нарса қилмайди, — деб юпатди уни Нюра. — Бир марта мен билмасдан қорамойга ўтириб олганман, кўйла-гим ёпишиб қолган. Ювгандада ўша ҳам кетди-ю. Одамнинг этидан бўлса, ўзидан-ўзи кетиб қолади.

Тушки овқатдан кейин, қайиқни түнкаришди-да, итариб сувга туширишди, лекин Ефим Кондратьевич унда айланиб келишларига рухсат бермади: шамол дарё бетини тўлқинлата бошлагани учун болаларнинг ёлғиз ўзини юборгиси келмади.

Болалар хафа бўлишган эди:

— Кечқурун участкамни айланганимда бирга борарсизлар, — деб овутди у.

Кеч бўлишига ҳали узоқ. Ниора югуриб уйга бориб, кечки овқатга картошка арта бошлади. Костя қирғоқда бир оз сандироқлаб юрганидан кейин унинг олдига кирдида, ёрдамлашмоқчи бўлиб кўрди, аммо у қўлига олган каттакон картошкадан бор-йўғи пўчоққа чиқиб, ёнғоқдай картошка қолганини кўрган Ниора ҳайрон бўлиб, кўзларини катта очганча қолди:

— Сен ўзинг қанақасан, ҳеч балони билмайсан-а? Сира картошка артмаганмисан? Сизларницида картошкани ким артади, ойингми? Сен унга ёрдамлашмайсанми?

Костя аразлаб ўрнидан туриб кетди. Ола, картошка артиш нима бўпти! У бундан қийинроқ, зарурроқ ишларни билади.

Аммо у билган ишларнинг ҳаммаси Киевдаги уйида қолиб кетган. Костя ўзини қаерга қўйишни билмай юрди-юрди-да, охири тоғасининг олдига борди. Ефим Кондратьевич иккита ёғочни бир-бирига маҳкамлаб, бакен учун тагсинч ясар эди. Аллақанча оқ ва қизил бакенлар қирғоқда қатор тизилиб турар, ундан нарироқда эса, икки устунга қоқилган бағазга йўл-йўл қилиб бўялган нишон қозиқлар суюб қўйилган эди.

— Ҳа, зерикиб қолдингми? Қиладиган иш йўқми? Анови ёғочни олиб қозиқ йўн, бўлмаса.

Мана буни әркакларнинг иши дейдилар! Картошка артиш ҳам ишми!

Костя хурсанд бўлиб ишга киришди. Болта қандай боп-енгил, ўткир, сопи ўқ-ёйдай эгик, худди лаклангандай сипсилик.

— Нега нуқул ерни чопяпсан? — деб сўради тоғаси. — Ерни ҳар қанча чопсанг ҳам, ёролмайсан, болтани ўтмас қиласан, холос. Анови тўнкага қўйиб туриб чоп.

Ҳақиқатда ҳам болта ҳар сафар ёғочга урилганида нуқул ерга бориб тегарди. Костя қозиқнинг тагига кичкинагина ғўлача келтириб қўйди. Аммо энди ёғочнинг учланган томони ҳар урганда сакраб, ғўлача устидан тушиб кетар, ҳар сафар уни яна тўғрилаб қўйиб чопиш керак бўларди.

— Мана бундай қил, — деди-да, тоғаси ғўлачани маҳкам ўрнаштириб, устига ёғочни тикка қилиб қўйди. — Шундай қиласанг қулай бўлади.

Албатта қулай бўлади-да. Костя бир қўли билан қозиқни ушлаб, иккинчиси билан йўна бошлади. Аммо болта Костя аввал ўйлагандай қулай эмас экан. У гоҳ сирғаниб кетар ва юпқа пайраҳа кесиб, ғўлачага урилар, гоҳ йўнаётган ёғочи билан шундай тишлишиб қолардики, Костя зўрга ажратиб оларди. Бунинг устига, унчалик енгил ҳам эмас экан, ҳар сафар кўтариб урган сайин оғирлашиб боряпти. Костянинг билаги толиб, зирқирай бошлади, бироқ у ҳарқалай ёғочни йўниб, учини найза қилди. Қозиқнинг учи болта билан эмас, болға билан йўнилганга ўхшаб, тўмтоқ, калта, ғажилгандай ўйдим-чуқур бўлиб чиқди.

— Зарари йўқ, ўрганиб оласан, — деди тоғаси.

У Костянинг қўлидан болтани олди-да, бир неча уришдаёқ ёғочнинг учини текис қилиб кесди. Қозиқнинг учи узун, ингичка, силлиқ бўлиб чиқди.

— Қойил! — деб тан олди Костя.

— Бу нима бўпти! Мен болтани унча ишлатолмайман. Лекин бобом бунга жуда уста эди! Шунчалик кўп уй қургац эдики, саноғини ўзи ҳам билмасди. Болта билан шундай нақшлар ўярдики, хотинларнинг каштасидан ҳам ошириб юборарди. Ўрни келиб қолса, болтада соқолини оларкан...

Тогаси бобосининг баҳс бойлашиб, фақат болта билан чопиб, жавон ясаганлигини гапириб берди, Костя бўлса, зирқираб оғриётган билагини силаганича ўйлаб ўтиради

— Ҳар ҳолда эскилик қолдиги да, — деди у охири.

— Нима?

— Болта. Орқада қолиб кетган техника. Коммунизмда болта бўлармиди? Коммунизм даврида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасида қарама-қаршилик бўлмаслиги керак-ку? Бунда-чи? Фақат жисмоний куч керак, холос...

Коммунизмда қанақа бўлишини билмайман... Ҳар кимга ҳар хил-у, лекин менга бу эскилик қолдиги ёқади. Жуд-да фойдали нарса! Албатта, ишлата билган одамнинг қўлида фойдали... Жисмоний меҳнатда ҳам бошни ишлатса зиён қилмайди. Ҳа. Ҳамма ишда ҳам шу-да.

Костя тоғаси бу билан унинг шудсизлигига ишора қиласетганини пайқаб, жим бўлиб қолди, лекин бояги фикридан қайтмади.

Ниҳоят, кеч кирди. Ниора билан Костя қайиққа фонарларни келтиришди. Ефим Кондратьевич әшкакларни олди, улар сузуб кетишди.

— Бундай қиласиз, — деди Ниора: — аввал мен эшкак эшаман, сен қараб турасан! Кейин икковимиз биргалашив эшамиз. А? Шундай қилиб, ўрганиб оласан. Қийин жойи йўқ. Мана қара!

У тилининг учи билан юқори лабини қисиб, эшкак дастасини ушлади-да, ўзини орқага ташлаб, қайиқни ҳайдай кетди. Бирпасда чаккаси ва бурнининг учидаги тер митирай бошлади, аммо у ҳамон бидирлагани-бидирлаган эди:

— Кўрдингми: жуда осон. Мана бундай энгашаман-да, эшкакни олдинга ўтказаман. Кейин сувга ботираман-да, ўзимга қараб тортаман. Оппа-онсон, тўгрими?

— Бўпти, қани энди менга бер, — деди Костя. — Йўқ, ўзим, сен менинг жойимга ўтиб ўтиришсан.

Костя илгари ҳам қайиққа тушганди-ю, лекин фақат бир марта, ўшанда ҳам жуда озгина вақт эшкак эшган эди; ўшанла унинг биринчи тажрибаси муваффақиятсиз чиқиб, ойисининг янги кўйлагига сув сачратиб юборган, кейин эшкакни унинг қўлидан олиб қўйишган эди. Энди бўлса у эшкак Ниуранинг қўлида бир текис бориб-келаётганини, қайиқ

илдам сузиб бораётганини кўриб, ҳақиқатда ҳам бу ўйин-чоққа ўхшаш нарса экан, деган қарорга келди.

У эшқакни олиб, оёқларини керди-да, ўрнашиб ўтириб олди. Кейин „Би-ир!“ — деб эшқакни силтаб солган эди, бандигача сувга ботиб кетди, Костя уни зўрға тортиб олди. Бунчалик чуқур ботириш бўлмас экан. Икки! Эшқак майда тўлқинлар юзини ялаб ўтиб, зарб билан қайиқ бортига бориб урилди. Ҳа-ҳа, тушунарли, демак, шошиш керак эмас экан. У эшқакни жудаям орқага олиб бориб, оҳиста сувга тушириди, лекин битта эшқак негадир буралиб ўткир ёни билан сувни осонгина кесиб ўтди-ку, силтов бермади, иккинчиси эса, чуқур ботиб, сувни қаттиқ сурди, натижада қайиқ сал бир ёнбошга бурилиб кетди.

Костя ҳадеб кучана бергани ва уялиб кетганидан қизарib, Ниора билан тоғасига хўмрайиб қараб қўйди. Ефим Кондратьевич парвои фалак трубкасини тутатиб ўтирас, Костя унинг бошидан оёғигача сув сачратиб юбораётган бўлса ҳам ҳатто пешонасини тириштирмасди, Ниора эса зўр бериб эшқакларнинг ҳаракатини кузатар, гўё Костя эмас, у эшқак эшаётгандай, Костянинг ҳар бир чирианиши унинг ҳаракатчан юзида акс этарди. Бирор унга ачинсин деяптими!

Костя яна ҳам қаттиқроқ тиришиб эшқак эшди, аммо қанча қаттиқ тиришса, шунча ёмон чиқаверди. Аввал енгил кўринган эшқаклар энди худди ичига қўроғшин қуйилгандай оғирлашиб, нуқул сувда буралиб қолар, ё қўлидан чиқиб кетаверарди. Сув қуюқлашиб, худди эшқакка елимдай ёпишиб қолаётганга ўхшар, аввал кичкина, енгил кўринган қайиқ энди каттакон оғир баржадай туюлди. Уни эшқак билан эмас, машина билан юргазиш керак. Бунинг устига, шундайгина бошлари тепасидан худди масқара қилгандай чирқирашиб, қалдирғочлар учиб ўтарди.

— Тўхта! — деб команда берди Ефим Кондратьевич. — Энди бир киши эплолмайди: сувнинг тез оқадиган жойи келди. — Икки кишилашиб ҳайданглар.

Костя секин нафасини ростлаб олди, чунки жуда чарчаган эди. Нюра унинг ёнига ўтиб ўтирди, икковлари икки қўллаб биттадан эшкакка тутиндилар.

— Қани, команда билан эшинглар; бир деганда туширасизлар, икки деганда кўтарасизлар? Бўлдингларми? Бир-икки! Бир-икки!

Албатта, икки киши бўлсанг осон. Тўғри, ҳозир ҳам эшкак Костяга унчалик бўйсунмаяпти — гоҳ сувга чуқур ботиб кетади, гоҳ сирғаниб ўтади, шунинг учун қайиқ гоҳ ўнгга бурилиб кетади, гоҳ чапга: лекин Ефим Кондратьевич дамба-дам қўйруқдаги эшкак билан тўғрилаб турганлиги учун, қайиқ шиддат билан олдинга қараб борарди. Костя бундай қараса, оқим ҳеч бир тезлашмабди, шунчаки Ефим Кондратьевич Костянинг чарчаб қолганини кўриб, уялмасин учун шундай деб қўя қолган экан.

Костя секин-аста эшкакни сувга керагича чуқурликда ботириб эшишни ўрганди — шундай қилса эшкак эшиш ҳам-енгил кўчаркан, қайиқ ҳам тезроқ юаркан — лекин Костя энди бунинг ҳадисини олдим деганда, Ефим Кондратьевич бирдан қўлини кўтарди-да:

— Бўлди, болалар! Энди тўсиққа қараб буриш керак, у ёғига сизлар эплай олмайсизлар, ўзинглар ҳам роса чарчагандирсизлар, — деди.

Кейин у эшкакка ўтиб ўтирди, Нюра қўйруқдаги эшкакни қўлига олди, Костя бўлса қайиқ тумшуғига ётиб олиб, сувни томоша қила бошлади. Мана бу ерни тез оқади деса бўлади! Ефим Кондратьевич шитоб билан эшкак эшар, сув борт ёнида қайнаб пишқиради, қайиқ силтаниб-силтапиб олдинга интилар, лекин шу заҳотиёқ юмшоқ, лекин енгиб бўлмайдиган аллақандай деворга дуч келгандай сенинлашарди; сал қўйиб берилса орқага қараб кетиши турган гап.

Шунга қарамай, Шайтон тиш тепасидаги қизил бакен аста-секин яқинлашарди. У оқим келаётган томонга энгашиб, таъзим қилаётгандай, нуқул тебраниб турарди. Гўё ғандайдир бир куч уни пастга, сувнинг остига тортиб ке-

тишга уринар, у бўлса бўш келмай, қаттиқ тирагиб туради. Мана унга жуда яқин бордилар. Костя сув остидаги тошни кўрсам деб шунча тикилиб қаради, лекин қопқоронғи сув остида аллақандай кўланка кўзга чалинди-ю, бошқа ҳеч нарса кўринмади.

Ефим Кондратьевич қайиқни бакен ёнига олиб бордида, фонарни ёқиб, бакеннинг учига илиб қўйди. Кейин сув ўша лаҳзадаёқ қайиқни пастга қараб олиб кетди. Бакеннинг қизил чироги фира-ширада милт-милт қилиб туради.

Улар энди шундайгина қирғоқ ёқалаб юқорига кўтарилишди, яна нарироқда бир неча қизил бакенни ёқишида-да, кейин пастга қараб сузиб, йўл-йўлакай оқ бакенларни ёқиб бориш учун нариги ёққа ўтишди.

— Ана энди биз ҳайдаймиз. А, дада? Энди ўзимиз ҳайдай оламиз. Тўғрими, Костя?

Нюра келиб эшкакни қўлига олди, Ефим Кондратьевич индамай ўрнини бўшатиб берди. Пастга қараб ҳайдаш анча осон. Ҳатто, ҳеч бир ҳайдамай, қайиқни ўз ҳолича қўйиб юборсанг ҳам бўлаверади, ўзи оқимга қараб кетаверади, фақат керакли томонга буриб турилса бўлди. Шунга қарамай, улар ғайрат билан эшкак эшишар, Костянинг эшкак эшиши ҳам борган сари яхши чиқмоқда эди. Дам-бадам у, қойил қилиб ҳайдётганимни тоғам кўраётганимкин, дегандай Ефим Кондратьевичга кўз ташлар, Ефим Кондратьевич ҳам Костянинг нимага қараётганини тушуниб, маъқуллагандай бош иргитиб қўярди. Улар оқимга қарши сузиб, қайтиб келишаётганида қайиқни Ефим Кондратьевичнинг ўзи ҳайдади, чарчаб қолган болалар дам олишди.

Шайтон тишдаги бакен энди кўринмас, фақат сувнинг устида қизил чироқ қалқиб тураг, гўё ҳавода муаллақ туриб тебранаётгана ўхшарди. У ер-бу ерда учиг юрган чайкалар аллақачоноқ гойиб бўлишган, гала-гала қалдирғочлар ҳам тунги уйқуга кетган эди. Атроф жимжит. Сув бетидаги билинар-билинмас мавжланиш йўқолиб, дарё ойнадай ярқираб, яна тинчиди. Фақат эшқақдан томаётган сув томчилари шовиллар, ўқтин-ўқтин биронта балиқ шалоп этиб

қўярди, кейин ўша ердан атрофга бир текисда, секин тўлқинлар тарқаларди.

Костя ҳатто тиниб-тинчимаган Нюра ҳам жим бўлиб қолганидан хурсанд эди. Қиз кўзларини катта очиб, уйкуга кираётган дарёдаги чироқларга қараганича ниманидир ўйларди. Костянинг қўллари зирқирап, у ҳам ўйларди. Нимани? Бирданига ҳамма нарсани. Ойиси ҳозир қаерда экан— аллақачон Каҳовкага етиб боргандир; Лелька шўхлик қилиб қўйиб, энди қўшилари Мария Афанасьевна уни тоза койиётган, Лелька эса кўзларини мўлтиратиб қараб ўтиргандир; Федор қанча балиқ тутди экан, консерва банкасидан ясаган темир балиқчаси ишончини оқлаганмикан; бугун Хрущев номли стадионда Киев „Динамо“си билан „Шахтёр“ ўйнаши керак эди, нечага-нечча бўлди экан? Макаров заб ажойиб дарвозабон-да! Костя унга ишонади, лекин ҳужумчиларга келгандан...

Бу ер қандай жимжит-а! Киевда ҳеч бундай бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳар қанча қизиқ бўлганида ҳам, Костя бу ерда туришга кўнмаган бўларди. Бакенлар кеча қандай бўлса, бугун ҳам ўшандай, бугун қандай бўлса, эртага ҳам ўшандай. Бир айланиб ёқиб келасан, яна бир айланиб, ўчириб келасан. Умуман, бакен ҳам ишми! Маяк бўлса бошқа гап эди! Денгизда бир штурм туриб берсами, ана унда кўрасан!..

— Вой, Костя! Дада, унинг қўлини қара, нима бўлибди? Костянинг кафти оппоқ-оппоқ бўлиб бир неча еридан қавариб чиқкан эди. Улардан иккитаси аллақачон ситилиб, қизғиш жароҳат пайдо бўлган эди. Костя қўллари ловиллаб, шилингган жойи ачишиб кетаётганини энди сезди.

— Зарари йўқ, пишийсан.— Деди Ефим Кондратьевич. Қайиқ қумга бориб тақалди. Нюра энг олдин иргиб тушди, Ефим Кондратьевич билан Костя қайиқни сувдан тортиб чиқаришиди-да, эшкак билан запас фонарларни кўтариб олишди. Қоронғи тушиб бўлди, лекин осмонда юлдузлар зўрға кўринарди.

— Ҳавонинг авзойи бўзиладиган кўринадими?— деб қўйди Ефим Кондратьевич бошини кўтариб.

Фонарларнинг банди Костянинг кўлини ачиштирас, у қачон тогам буласми қўлимдан оларкин деб, типирчиларди. Шайтон тищдаги қизил чироқ Костяга қараб, масхара қилгандай кўзини қисарди...

Кейинги куни ҳеч қандай ёғингарчилик бўлмади, қўёш шундай қаттиқ қиздирдик, ҳатто осмон ҳам иссиқдан оқариб кетди, Нюра билан Костя минут сайн дарёга чопишар, лекин сувдан чиқишилари билан баданлари бир зумда қурирди-да, яна тушиб чўмилғилари келарди.

— Хой, балиқчалар, етар шунча чўмилғанларинг! — деб қичқирди Ефим Кондратьевич. — Кўкариб кетдинглар-ку!

— Вой, ростдан ҳам ҳаво совуқ бўлиб қолибди! — деди Нюра тишиларини тақиrlатиб. Кейин отқулоқнинг япрогидан узиб олди-да: — Пўсти шилиниб тушмасин яна, — деб бурнига ёпиштириб қўйди. — Бўлмаса-чи, бурнинг қип-қизил бўлиб шилиниб кетади. Синфимиизда битта қиз бор, офтоб уриб кетмасин деб, доим кампирлардай рўмолга бурканиб, юзига қаттиқ чапиб юради. Бир куни боғда ухлаб қолган экан, битта мушук келиб, бутун юзини ялаб кетибди. Қизиқ-а? Болалар бўлса ундан кулишиб: „Кейинги гал чўчқа келиб, худди бутерброддай ўзингни ҳам еб қўяди“, — дейишади... Сизларнинг синфдаги қизлар яхшими?

— Бизда қизлар йўқ.

— Нега? Қаёққа кетишган?

— Қизлар алоҳида ўқишиди. Ўғил болаларнинг мактаби бошқа, қизларнинг мактаби бошқа. Тушундингми?

Аммо Нюра тушунмади. Ўғил болалар қизлар билан бирга ўқиши ёмонми? Уришиб юришмасин деб шундай қилишганми? Биз ҳеч уришмаймиз-ку, тўғри анави Сенъка Гузъ деган боланинг бир адабини бериб қўядиган, бирда эмас бирда ўзим боплайман уни... Лекин, умуман олганда, бирга ўқиши яхши-ку, ҳам қизиқроқ! Ўхў, мен ўғил болалардан ҳеч нарсада қолишмайман! Синфимиизда фақат Миша Лўли деган болагина мендақа ўқийди? Бирга ўқиганнинг нимаси ёмон-а?

Костя бунга ҳеч нарса деёлмади, чунки унинг ўзи ҳам нега бундай қилинганигина билмасди.

— Қичқириқ жарга борамизми? — деб сўради Нюра.

— Бўпти. Нега у қичқириқ жар дейилади? — сўради Костя чопиб кетаётib.

Билмайман. Эҳтимол тошқин пайтида жуда қаттиқ шо-виллагани учундир. Баҳор пайтида ёки ёмғир ёққанда у шунақанги ваҳимали бўладики! Пишқириб, қайнаб оқади, ҳечам ўтиб бўлмайди.

— Нимага бунча йўргалайсан! — Ҳеч етиб бўлмайди-я...

— Ўхў! — деб кулди Нюра. — Биласанми мен қанақангги чопаман? Ҳеч ким ета олмайди. Мактабимизда мусобақа бўлганда-чи, нуқул биринчи ўринни оламан! Ҳатто еттинчи синфдагилар ҳам етиша олмайди... Физкультура ўқитувчимиз Семён Семёнич, сенинг оёқларинг жуда талантли, дейди. Оёқда ҳам талант бўлармишми, қизиқ-а? Талант одамда бўлади. Тўгрими? Сенда талант борми? Мен ҳам билмайман. Менда йўқ бўлса керак...

## МАРҲАМАТ, ТАНИШИНГЛАР!

Қичқириқ жар ҳечам бақироқ эмас экан. Ёнбағирлари тик кетган чуқур жарлик жимжит, жазирамада қақраб ётибди. Таги илон изи бўлиб ёрилиб кетган, ёнбағирларида фақат тепа-тепаларидағина сийрак ўт-ўлан ўсган, сув ювиб ўтган паст томонлари эса пиллапоя қаби поғона-поғона бўлиб тушган.

— Мана, қара! — деб қичқирди Нюра, сойниңг тагига чопиб тушиб, қўлини юқори кўтарар экан, — бу ердан сув оққанида-чи, қўлим билан баб-баравар келади!

— Худди оролда яшагандай бўларкансизлар-да. Ҳеч қаёққа боролмайсизлар, сизларникига ҳам ҳеч ким келолмайди.

— Ҳа! Йўқ. Днепрдан қайиқда ўтса бўлади, лекин жуда узоқ. Иннайкейин, саккиз километрча юқорида, тош йўл ўтган жойда кўприк ҳам бор. Юқорига чиқамизми? Мана

ҳозир кўрасан,— деди у, баланд ёнбафирликка тирмashiб чиқаркан.

Костя инқиллай-синқиллай, ҳаллослаб унинг кетидан эрганиди. Юқорига чиқди-ку, таққа қотиб қолди.

Тепаликдан водийга қалин ўсан олчазор чўзилиб тушиған, уларнинг орасидан унда-бунда оқариб уй деворлари ва шамдай тик ўсан мирзатеракларнинг қораси кўзга ташланади. Олисда, пастликда бакенчининг ўйинчоққа ўхшаш кичкина уйи дарёга тақалиб турибди. Орол қалин, сарғиш толзор кокиллари билан дарё қўйнига суқилган. Эски ўзан бўйида мажнунтоллар бошларини қуи солган ҳолда хаёл суриб, кокилларини ҳолсиз ерга осилтириб турибди, ундан нар ёқда эса тўлқинланиб турган кўм-кўк буғдойзор то уфққа қадар чўзилиб бориб, жазирама иссиқдан бир оз оқарган осмон билан туташиб кетади. Қизиган ҳаво жимиirlайди, титрайди, гўё чигирткалар эмас, ҳавонинг ўзи чириллаётгандай туюлади.

Нюра тоқатсизлик билан Костянинг енгидан тортиб:

— Ҳа? Нега жим бўлиб қолдинг? — деди-да, унинг юзига қаради. — Яхшими? А? Гапиргинг келмаяптими? Менинг ҳам... Шу ерга келсам, доим ҳеч нима деб гапирмай, шундай қараб тураверсам — тураверсам дейман...

Лекин у узоқ жим туролмади-да, тик ёнбафирлик тепаликдан кўринган ҳамма нарсани Костяга тушунтириб бера бошлади. У гўё атрофдаги ҳамма гўзалликни ўзи яратиб, инди ўз меҳнатидан фахрланаётган кишидай гапирав эди.

Нарироқдаги пастликдан чўзиқ ҳуштак товуши келди. Нюра ўша томонга ўгирилиб, қулоқ солди:

— Мени чақиришяпти. Болалар. — Бу Миша Лўли. У шунақанги устаки, чаҳ-чаҳлатиб чалишни ҳам билади!

Киз бармоқларини оғзига тиқди-да, қаттиқ ҳуштак чалди.

— Сен ҳам биласанми? Қани чал-чи?.. Тузук! — деб би лимдоңлардай маъқуллади у. — Равон чаларкансан. Биламан, қизларнинг ҳуштак чалиши яхши эмас. Лекин керак бўлиб қолса-чи? Бирон ишда-да! Билиб қўйиш зарур, тўғрими? Менимча, ҳамма нарсани билиш керак! Тўғрими?

Пастликдан иккита бола чиқди-да, тез юриб улар-тomonга кела бошлади, лекин Нюранинг ёнида бегона бола турганини кўриб, иккови ҳам қадамини секинлатди.

— Ҳа, нима бўлди? — деб қичқирди Нюра, қейин одоб билан қўл қовуштириб: — Бу ёқса келинглар! Марҳамат, танишинглар! — деди. — Булар бизнинг болалар. Мана бу, — Нюра сочи қалта қилиб кирқилган, юмалоқ бош, очиқ, кулча юзли, семиз болани кўрсатдй. — Тимка — Тимофей. У семиз, шунинг учун ялқов. Тағин бигта оти — „Хайбара-каллачий”.

Ялқов Тимофей ҳеч ҳам хафа бўлмай, Нюрага яна нима дер экан деб, қизиқиб қараб турар эди. Лекин Нюра паст бўйли, қора кўз ва қора соч иккинч болага ўгирилди. Буниси сусткам ўртоғига сира ўхшамас, доим типиричилаб турарди. Ҳатто тўхтаб турганида ҳам ниҳоятда шошаётгангага ўхшарди.

— Бу — Миша Лўли. Ўзи ҳечам лўли эмас, шунчаки қоп-қора, ўшанга биз уни Лўли деймиз. Бу-чи, болалар, — Костя. Менинг туғишган аммаваччам. Унинг ойиси менинг дадамга...

— Туганинг сингил бўлади, — деди Миша қувлик билан.

— Ҳа, тўгри! — деб содда диллик билан тасдиқлади Нюра. — Нега танишмаяпсизлар?

Нюра уларнинг катталарга ўхшаб қўл беришиб: „Сиз билан танишганимга хурсандман” дебми ёки шунга ўхшаш бирор сўз айтиб танишишларини хоҳларди, лекин болалар қўл беришишини хаёлларига ҳам қелтирмай, қовоқларини солиб бир-бирларига индамасдан, диққат билан қараб турраверишиди.

— Сени қара-ю! Танишинглар эмиш... — Деди Тимофей салмоқланиб. — Қани юр, Мишка.

— Қаёққа кетяпсизлар?

— Чўмилишіга... Нима эди?

— Биз ҳам борамиз! А, Костя?

— Юринглар бўлмаса, — деди Тимофей.



— Ким олдин тушишга! — деб қичқирди Нюра ва пилдирлаганча қияликтан пастга, дарё бўйига тушиб кетди.

Миша билан Костя унинг кетидан югуришди. Костя ўша наҳотиёқ орқада қола бошлади, чунки у ҳали оёқ яланг чопишга одатланмаган бўлиб, оғининг териси ҳаддан ташвари нозик эди. Тимофей бўлса жон койитишини ўйламасди ҳам. У эҳтиётлик билан салмоқдор қадам ташлар, Костяни юнатмоқчи бўлибми, ўзини оқлаш учунми:

— Бу Ракетага етиб бўларми? У доим ўзи шунаقا, ўдди бир нәрса билан ўқлаб отиб юборганта ўхшайди, биз шошмасдан, бемалол борсак ҳам бўлади.. — дерди..

Нюра билан Миша аллақачон қиргоқда жон-жаҳдлари билан ким олдин сув бўйига етиб боргани ҳақида баҳслашардилар, бироқ Нюранинг олдин етиб боргани равшашди. Буни Костя ҳам, Тимофей ҳам тан олишди.

— Майли, — деди Миша жаҳл билан кўзларини олайтириб, — кўрамиз, сузишда ким кимдан ўтаркин!..

— Нима қипти? Сузишда мендан ўтасан, лекин Костя..

— Қайси Костя? Туғишган аммаваччангми? — сўради кулгига олиб Миша. — Майли, биз бунақа аммаваччалар нинг кўпини кўрганмиз...

У чопганича келиб ўзини сувга отди, аччиғланиб кетган Костя ҳам кетма-кет сакради.

Тимофей сув совуқ әмасмикин деб оёғини тиқиб кўриб, кейин тиззасигача тушди-да, ҳовучида сув олиб, устидан қуя бошлади.

Аллақачон кўйлагини ечиб ташлаб, сувга ўнғиб чиқкан Нюра унга фонтандай қилиб сув сачратди.

— Эй-вей, эй-вей... — деб қўлини силкитди Тимофей. — Кўй... Кўйсанг-чи!

Нюра қўлидан бир тортган эди, Тимофей сувга шалолаб ийқилиб тушди.

— Вей, қанақасан ўзинг! — деди у оғзига кирган сувни пуркаб ташлаб. — Нақ боғлаб қўйса ҳам...

— Қани, боғлаб кўр-чи! — деб хохолаб куларди Нюра.

Миша билан Костя ёнма-ён сузиб боришаради. Аввал Костя олдинга ўтиб кетди, лекин сал ўтмай Миша унга етиб олди, кейин баравар суза бошлаши. Йўқ, бунақа сузишда узоққа бориб бўлмайди. Костя ёнбошлаб олди. Миша ҳам шундай қилди. Кейин Костя юзи билан сувга ўгирилиб, қўл-оёқларини шиддат билан ҳаракатлантира бошлади. Бироқ бир лаҳзага бошини кўтариб қараган эди, Миша ҳам ўшанақа қилиб сузиб, ундан бир метрдан кўпроқ олдинга ўтиб кетганини кўрди.

Костя сувдан чиқиб индамай қумга ётди. Нюра ёнига келиб ўтирди. У Костядан баттар хафа бўлган эди.

— Ҳаммаси Семён Семёничнинг иши, — деди у хўрсиниб, — физкультура ўқитувчимиз-чи! Ўша ўргатган буни сузишга!

Миша эса Тимофейнинг олдида ўз ютуғи билан мақтанарди.

— Машқ қилганимдан бу! — деди у гердайиб. — Балки машқ қилиб-қилиб чемпион бўлиб кетарман!

— Бўлмаса-чи! — деб уни қувватлаган бўлди Тимофей. — Ажаб әмас чемпион бўлиб кетсанг. Хўп, энди мен ҳам чўмилиб чиқай.

Аммо у сузишда ҳам бошқача, иложи борича кам куч сарф қилиб сузарди. Қирғоқ ёқасидан оқимга қарши бо-

парди-да, сувнинг ўртароғига ўтиб, ўзини оқим ихтиёрига ташлаб, чалқанчасига ётиб оларди.

— Тимофей, ухлаб қолма! Қисқичбақа тортиб кетади! — деб қичқирди унга Нюра.

— Бе-э, тортиб кетмайди, — деб бамайлихотир жавоб берди Тимофей ва қирғоқ томонга бурилди.

— Вой, шунақаям дангасасанки, Тимка! — деб койиди уни Миша. — Шу ҳам сузиш бўлибдими? Тарашага ўхшаб...

— Ҳеч-да, — деб жавоб берди Тимофей, бир оз ўйлаб олганидан кейин, — тарашага маза — у енгил... — шундай деб у хохолаб кулишаётган ўртоқларига ажабланиб қаради.

Костя кулмади. Орқада қолгани иззат нафсиға тегиб кетгани учун, у энди ўзининг бу бесаранжом Лўлидан устун эканлигини қандай исбот қилишини ўйларди.

— Юринглар, сувга шўнғиш қиласиз, — деди у бепарвонлик билан.

Улардан сал нарида думи ҳам, тумшуғи ҳам баланд, катта бир қайиқ қозиққа боғлиқ турарди. Болалар қайиққа чиқишиди. Ҳаммадан олдин шалоплаб Нюра шўнғиди, кейин қорни билан Тимофей ташлади. У сувга ботмади ҳам; шундай бетгинасида қолди ва дарҳол яна қайиқ олдига сузиб келди. Миша уни масхара қилгандай лабларини бурди-да, оғини олдинга қилиб сакраб, тиккасиға сувга кириб кетди. Костя у сузиб чиққунича кутди, кейин тиззаларини букиб оғилди-да, ҳавода пружина каби ёйилиб учиб, сувни ҳеч ҳам чайқатмасдан шўнғиб кетди. Сўнгра гўё сув ичиди ҳам ўша учишини давом қилдиргандай, шув этиб юзага қалқиб чиқди.

Болалар индамай турардилар, шунга қарамай Мишанинг индамай туриши Костяга Тимофейнинг чеҳрасида очиқдан-очиқ акс этган қувончдан кўра кўпроқ нарсани айтиб турарди. Аммо бу Костяга озлик қилди, у тўла ғалаба қилишиб истарди.

— Келларинг, тебратамиз, — деди у.

Болалар қайиқнинг тумшуғига бориб туришди, Костя юзини улар томонга қилиб қўйруқда турди, қайиқни бе-

акдай тебратা бошлашди. Қуйруқ борган сари баданд  
риларди. Костя қулай пайтни топиб туриб, дарёга орқа  
ган ҳолда осмонга сакради-да, ҳавода катта ярим доира  
и қилиб, сувга шўнғиди ва қуйруқнинг шундай ёнгина-  
н қалқиб чиқди.

Юра қувониб кетиб:

— Энди нима дейсан? Айтмаганмидим, айтмаганмидим! —  
бидирлади-да, гўё Костя эмас, ўзи қойил қилиб сувга  
игандай, ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

— Қойил! — деб хўрсинди Миша Лўли ва қайиққа чи-  
ига ёрдамлашиб юбориш учун, Костяга қўлинин узатди. —  
А ҳам ўргатасанми, а?

— Майли! — деди тантлиик қилиб Костя. — Жуда ўн-  
— У аввал қандай шўнғиш кераклигини гапириб бериб  
и ўзи шўнғиб кўрсатди.

Миша унинг ҳаракатларини қунт билан такрорлади,  
унинг шўнғиши ўхшовсизроқ чиқарди.

— Ўрганиб оламан! — деди у қатъият билан.

— Албатта, ўрганиб оласан! — деб қўшилишиди Костя.  
остянинг устунлиги исбот қилинди, ундан ўтқазиб,  
иш осон гап эмас, шунинг учун у кайфи чоғ бўлиб,  
и кўтарилиб кетди.

лар исиниб, нафасларини ростлаб олиш учун қумга  
ди.

— Сен ҳамма вақт Киевда турасанми? — деб сўради  
фей.

— Ҳамма вақт. Нима қилди?

— Хеч нарса. Биз ҳали бормаганмиз...

— Нима қилиби? — деб унинг гапини бўлди Миша.

— Йи ўйни экскурсия қилиб борамиз.

— Келгуси йили-да! У ер жуда чиройлимни?

— Ҳа.

Костя Киевни, унинг каштанлар ўтқазилган тик кўча-  
ти, нурга гарқ бўлган кенг Крещатикни, Днепр бўйи-  
боғларни, Хрушчев номли стадионни, ўзи бирор марта  
қолдирмай кўрган футбол мусобақаларини, матчдан

кейин Красноармейск ва Саксаганск кўчаларини тум~~қист~~  
өдам босиб кетиши, то улар тарқалгунча ҳамма трамвай  
ва троллейбуслар тўхтаб қолишини таърифлаб берди.

Болалар ундан кўзларини узмай, тикилишиб ётардилар,  
шунинг учун Костя яна ҳам кўпроқ нарсани гапириб беришга  
ҳаракат қилди. Владимир тепалиги, ёзги театр, Шевченко-  
нинг ҳайкали, ўзи сира кирмаган, фақат ташқаридангина  
кўрган, ичи қанақалигини эса, одамлардан эшитган Олий  
Совет биноси, ўзи „Золушка“ балетига тушган опера театри  
ҳақида ҳикоя қилиб берди. Балет унга унча ёқмади: музика  
остида оёқ учida юришаверади-юришаверади, ёки сакраша-  
веради-сакрашаверади (лекин жуда қойил қилиб сакраша-  
ди!), қўлларини у ёққа-бу ёққа қилишади-ю, лекин чурқ  
этib оғиз очишмайди. Ҳар ҳолда, умуман олганда, ёмон  
эмас: жуда ғалати нарсалар ўйлаб топишган, чиройли де-  
корациялар қилишган. Аммо „Иван Сусанин“ операси бу-  
туnlай бошқа гап! Уни эшитганида Костянинг аъзойи ба-  
дани титраб кетган... Агар улар боришса Костя ҳар қанақа  
экскурсиядагидан кўпроқ нарсани кўрсатади, бутун Киевни  
айлантириб чиқади...

Юқоридан аҳён-аҳёнда қуйруқ томондағи ингичка тру-  
басидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқиб, оғир юқ ортилган кема  
кёла бошлади.

— Бу қанақа пароход? — деб сўради Костя.

— Бу пароход эмас, ўзи юрар баржа. Дизель, — деб жа-  
воб берди Миша.

— Ҳа. Бу „Кирғизистон“ деган баржа, — деб унинг га-  
пини қувватлади Нюра. — Юринглар тушамиз!

Болалар ўзларини сувга ташлашиди-да, дарёнинг баржа  
ўтадиган ерига қараб сузишиди. Костя уларга эргашди.  
Миисидан: „Хозир ойим кўриб қолсами“ — деган хаёл ялт  
этib ўтди-ю, бироқ у буни эсидан чиқариш учун, ўша за-  
хотиёқ кўзларини юмиб, ҳатто бошини силкитиб қўйди:  
ойиси кўрсами, Костя роса эшитарди эшитадиганини...

Сув йўли деярли қирғоқ ёқалаб ўтарди, шунинг учун  
баржанинг ўзи болалар томонга бурилиб кела бошлади.

— Қаёққа тиқиляпсизлар, шайтонваччалар? — деб қичқиришди уларга „Қирғизистон“дан. — Мушук болага ўхшаб чўкиб кетасизлар!

— Йўқ! — деб қичқирди Нюра. — „Сувда ҳам чўкмаймиз...“

— „Ўтда ҳам ёнмаймиз!“ — деб илиб кетди унинг га пини, ёнгинасида сузиг бораётган Миша.

„Қирғизистон“нинг тумшуғидан қирғоқ сари юргурган тўлқин болаларни оҳиста тебратди. Тимофей аллақачоноқ қорнини офтобга бериб, чалқанчасига ётиб олган эди. Қолғанлар ҳам чалқанчасига ётиб олишида, тўлқинда бир текис чайқалишиб, пастга қараб оқиб кетишиди.

— Каҳовкага кетди, — деди Миша, улар яна қумга ётиб, узоқлашиб бораётган „Қирғизистон“ кетидан қараб қолишаркан.

— Сен қаёқдан биласан? Балки, Каҳовкага эмас, бутунлай бошиқа ёққадир! — деб гап талашди Нюра.

— Каҳовкага! — деб такрорлади Миша қатъий қилиб.

Юқори томондан кўкимтири кул ранг, катта бускир секин-аста сузиг келаверди. У нақ палубасига қадар сувга ботган икки баржани чираниб тортиб келарди. Болалар бускир ўз қаршиларига келганида, сиртига қизил ҳарфлар билан ёзиг қўйилган „Кремль“ номини ўқишиди.

— Ҳозир ҳамма кемалар Каҳовкага боради, — деди ишонч билан Миша. — Биласанми, у ерга қанча нарса керак!..

— Қани энди ҳозир ўша ёқларга борсак, а, болалар? — деди Нюра орзиқиб.

— Бизни нима қилишади у ердагилар! — деди Миша лабини буриб... — Уларга мутахассислар керак.

— Мен-чи, мутахассис бўлолмайманми? А? Шартта ўқийманда, мутахассис бўлиб чиқаман. Ким бўлишини хоҳласам, ўша бўламан!

— Албатта, бўласан. Лекин қачон? Сен мутахассис бўлиб чиқкунингча коммунизмни қуриб бўлишади. Тайёрга айёр бўлишнинг нима қизиги бор!

— Бе-э, гапингни қара-ю... — деб унга ўгирилди шу пайтгача жим ётган Тимофей. — Коммунизмни қуриб бў-

лишса нима қилибди, кейин қилгани иш қолмайдими? Бизга ҳам иш топилади...

— Ундан кейин борилади-да... Ҳозир борсанг у ерга!..

— Менинг ойим Каҳовкага кетган, — деди Костя.

— Ростми? Нимага? — деб бошларини күтаришди болалар.

— Текширгани. Ойим санитария врачи, ишчилар яхши яшасин учун текшириб келади.

— Ҳа-а... — деди, ҳафсаласи пир бўлган Миша чўзиб.— Ўша ҳам ишми! Қурилишда қатнашмайди-ку. Энг муҳими— қуриш-да...

— Эҳтимол ойим ҳам бир нарсани қуришар... — деб таҳмин қилди Костя дудмол қилиб.

— Яқинда менинг дадамлар Каҳовкага жўнайдилар, — деди Тимофей. — Улар тракторчилар. Энди экскаваторчи деган қоғоз оладилар. Ўргандилар дегунча жўнайдилар.

— Сени ҳам олиб кетадими?

— Бунисини билмайман. Мен ўзим ҳам бормайман. Тажрибамни томомлаганим йўқ-ку.

— Ана кўрдингми? — деб кулди Миша Костяга ўғирилиб. — Бировлар буюк қурилишлар ғамида бўлса, бировлар тарвузининг ғамида.

— Қанақа тарвуз?

— Мана бу мичуринчи тарвуз эккан. Ўша тарвузи билан оламни қойил қолдирмоқчи!

Тимофей ўжарлик билан бошини эгиб, буқачага ўхшаб ўқрайиб қаради-да:

— Айтаверасан-да, тарвуз коммунизмда ҳам керак, — деб уқидирди.

— Бўлмаса-чи! Сенинг тарвузингиз коммунизм қуриб бўлармиди?

— Қуриб бўлади-ю, тарвуз бўлса яна ҳам яхши-да! Масалан онзда жанубда ўсадиган тарвуз сортлари ўсмайди, менинг амал қилиб, ўстириш йўлини топаман. Топмагувинча қўймайман ҳам. Сен ўзинг радионгдан кечасанми?

— Таққослаганини қаранглар! Ахир у техника-ку!

— Кўриниб турибдики, бу баҳснинг бошланганига анча бўлған, лекин охири йўқ. Миша қуёшга қаради-дâ, ўрнидан турди.

— Мен кетдим, салдан кейин навбатчиликка туришим керак, — деди у жиддий қилиб, — эй тарвузчи, кетасанми, қоласанми?

— Қолиб нима қиласман? Мен ҳам кетаман... Сен уни қўявер, — деди у Костяга. — Менинг олдимга боргин, ўзинг кўрасан...

— Бўпти! — деб қўшилишди Нюра. — Бирга борамиз! А, Костя? Албатта, борамиз!

Тимофей билан Миша бир неча қадам юриб, яна тўхташди.

— Нюрка, эй Нюрка! — деб чақирди Миша. — Даданғдан қайиқни сўраб кўргин, хўпми? Кечасига... Роза балиқ тутар әдик!

— Бермайди, — деб бошини тебратди Нюра. — Биласизларми нима? Келинглар бирга сўраймиз! Мен олдиндан унга гапнинг учини чиқариб қўяман, хўпми? Кейин келсанглар сўраймиз. Ҳаммамиз бирга сўрасак, бериши мумкин...

— Хўп.

Болалар қишлоққа жўнашди, Костя билан Нюра уйга қараб югуришди.

## ОРОЛДА

Тушдан кейин қирғоқда пақир, аллақанақа тугунчा ва қармоқлар кўтарган Тимофей билан Миша пайдо бўлишди. Лекин улар бакёнчининг уйи олдига келмай, бирмунча вақт қирғоқдаги дўнглик ортида яшириниб туришди, кейин яна пайдо бўлишиди, бироқ энди қўллари бўш, худди ўйнаб юришгандай, дарё бўйлаб келишарди. Бу маневрларни кўриб турган Нюра дадасига „гапнинг учини чиқара бошлади“.

Дада, ҳалиги биз мойлаган қайиққа сув кирмайдими? Сен нима дейсан, борди-ю Костя билан иккаламиз бўлсак, уни ҳайдаёлармикинмиз? Масалан, Днепрдан сузиб ўтолар-

микинмиз. Энди у яхши эшкак эшади. А? Икки киши бўл-  
маса учовлашибми, тўртовлашибми... Қайиқ енгил-ку! Ўзинг  
уни чақалоқ бола ҳам ҳайдаёлади, деган эдинг-ку.

— Намунча айлантириб қолдинг, Аннушка? — деб кўз-  
ларини қисди Ефим Кондратьевич. — Кел, тўпна-тўғрисини  
айтиб қўя қол. Ҳов анови ўртоқларинг ҳам нима учундир  
қирғоқла сандироқлаб юришибди... Нима деб битишиб қўй-  
ган эдиларинг?

Нюра гапнинг учини чиқараман деб ҳамма ишни бузиб  
қўйдимми деб қўрқиб кетди.

— Ҳеч нарса деб битишиб қўйганимиз йўқ! — деб ўзини  
оқламоқчи бўлди у. — Ишонмасанг ановидардан ҳам сўра...  
Болалар, бу ёққа келларинг!

Миша билан Тимофей нимацидир гаплашиб олишди, ке-  
йин Миша улар томонга қараб чопди. Тимофей эса ўша ерда  
қолди.

— Салом, Ефим амаки! — деб қувноқлик билан қичқирди  
Миша узоқданоқ. — Майлими, а? — Унинг бутун бесаранжом  
гавдасида қувонч сезилар, ўзи ҳовлиқиб кетган эди.

— Нима майлими?

Миша нафаси ичига тушиб, ҳайрон бўлиб гинаомуз  
Нюрага қаради: шу ҳам ишни пишиқлаб қўйиш бўйтими?

— Биз... Оролга бормоқчи эдик. Балиқ тутгани.

— Шу ерда тутаверсанглар бўлмайдими?

— Бу ерда балиқ илинармиди? — Унинг юзи ва бутун  
вужудида нафрат акс этди. — Бу ерда битта ҳам балиқ  
идинмайди-ку, қармоққа. Эски ўзанда эса, асти қўяверасиз!  
Ўшанга биз кечаси...

— Кечаси? — Ефим Кондратьевич ҳатто хуштақ чалиб  
юборди. Хўш, ким-кимлар боради?

— Биз-да, — деб қўрсатди Миша.

— Йўқ, бунақаси кетмайди. Хўш, Тимофей-чи, у бор-  
майдими? Нима қилиб турибди у ерда?

— Боради. Факат у: мён гапдон эмасман, бормайман,  
ҳамма ишни расво қилиб қўяман, деб келмаяпти...

— Демак, сен гапдон экансан-да?

Миша нима дейишини билмай хижолат бўлиб кулди-да, бу ёққа кел деб ўртоғига қўл силкитди.

— Гап бундай,— деди Ефим Кондратьевич:— Қайиқни бераман, лекин битта шартим бор... агар мени ҳам бирга олиб борсанглар.

— Вой!.. Ахир, биз!.. Албатта-да!— деб баравар чугуллашди болалар.

— Эҳ, дадажон, жудаям муғомбир ҳам жудаям қойилсан-да! Қачон жўнаймиз? Ҳозирми? Болалар, нарсаларингни олиб келинглар!

— Хўпам режали чиқдинглар-ку!— деб кулди Ефим Кондратьевич.— Нарсаларингни олиб келаверинглар, лекин ҳозир эмас, ҳали мен бакенларни айланиш учун чиққанимда жўнаймиз. Аннушка, сен бутун командага етадиган қилиб нон ғамлаб ол, балиқ тутсак ҳам, тутолмасак ҳам барибир қорнимиз очади.

Нюра бижирлаб:

— Мана ҳозир! Кartoшка ҳам оламан, бошқасини ҳам!..— деди-да, физиллаганича уйга югурди.

Кеч кирмасидан аллақачон олдиноқ ҳамма ашқол-дашқолларни қайиққа жойлаб қўйишиди. Ефим Кондратьевич унга катта дағал мато билан ўзининг брезент плашчини ҳам кўшди. Қаттиқ плашч худди тунуқдан қилинганга ўхшаб қалдиради.

Қўёш осмонда ҳар қанча имирслиб юрса ҳам, охири қишлоқни тўсиб турган тепа орқасига бекинди, Ефим Кондратьевич қайиққа тушишга команда берди. Миша билан Тимофей эшкакка ўтиришиди, Нюра қўйруқдаги эшкакни олди, Костя билан Ефим Кондратьевич йўловчи бўлиб кетишиди.

— Қани, ашқол-дашқолингларни қўтаринглар!— деди Ефим Кондратьевич қайиқ шипиллаб бориб тумшуғи билан орол ёнидаги саёз қумликка кирганида.— „Илинавер катта-кичик балиқлар...“ Лекин сувга тушиш йўқ! Алдагундай бўлсанглар бундан кейин гапингларга ишонмайман, қайиқни ҳам бермайман.

— Вой, Ефим амаки, биз алдаймизми! — деди адиша қилиб Тимофей.

— Алдаган вақтинглар бўлган...

— У қачонлар эди-ку... — деди хижолат тортиб Тимофей, Миша бўлса ўзини ҳаддан ташқари ишга берилиб кетиб, ҳеч нарса эшитмаётганга солди.

Ефим Кондратьевич:

— Ундан бери мўйловинглар чиқиб қолгани йўқ-ку! — деб кулди-да, қайиқни ҳайдаб кетди.

— Бултур ёзда биз қайиқни билдирамасдан олиб кетган эдик, Ефим амаким сезиб қолиб уришувдилар. Биз, қайиқ ўзи оқиб кетган экан, ушлаб олдик, девдик. Ефим амаким бўлса ишонмадилар...

— Бўлди-да энди! — деб ўртоғининг сўзини бўлди Мишá.

— Қўйиб берса эрталабгача чўзарсан... Халтани кўтар!

Тимофей, Ниора ва Миша эпчиллик билан толзордан ўтиб боришиди. Улар фақат бир нарсани — яхшироқ жой танлашни ўйлашар, атрофидаги нарсаларга эътибор беришмасди.

Костяни бўлса ҳаяжон чўлғаб олганди. Ўзича узоқ умр-кўрдим деб юрган Костя шу пайтгача фақат биттагина Труханов оролида бўлган эди, холос. Ўша ҳам орол бўптими! Ҳамма ёғига сув станциялари, будкалар, дўкончалар қуриб ташланган, „Сувда юриш тартиб-қоидалари“ деб ёзилган тахтачалар билан тўлиб кетган. У ерда доим одам Крешчатикдагидан ҳам кўп бўлади.

Бу ерда дўкончалар ҳам, қоидалар ҳам, сув станцияси ҳам, қўзиқоринга ўхшаган будкалар ҳам йўқ. На бирорта одам бор. Росмана одам оёфи тегмаган орол. Ҳатто, қалдирғочлар ҳам ўз уяларига кириб яширинишган, фақат буталар устида, ботиб бораётган қуёшнинг пушти ранг шуъласида гала-гала чивинлар ўйин тушмоқда.

Костя ўртоқларидан кейинда қолиб, чапга бурилди. Эшитилар-эшитилмас шувиллаб, оёфи остига оппоқ қуруқ қум қўйилиди, Костяга эса гўё угоҳ бир-бирига чирмашиб кетган липалар орасидан, гоҳ анбаҳ бутазорларидан ўтиб бораётгандек туюлар, оёқлари остида вулқон лаваларининг

парчалари гумбурлаётгандай ёки кўчма қумлар шовиллаб қуЙилаётгандай бўларди. Костянинг кифти жимирлашиб, ҳатто гардонидаги калта қилиб қирқтирилган соchlар қимирлаб кетди.

Костя ердан йўғон эгри шохни топиб олди, бир оз энгашди. Оёқларини авайлаб боса бошлади. У ҳамма нарсага тайёр. Бу ерда бўри билан айиқ йўқ, лекин илон бўлиши мумкин... Костянинг назарида гўё кулча бўлиб ётган илон вишиллаб, бор кучи билан унга сапчигандай, у эса зарб билан уриб, калласини мажақ-мажақ қилиб, сўнгра жон талвасасида биланглаётган илон гавдасини четга улоқтиргандай бўлди. Ёки бўлмаса...

Кичкинагина қўлтиқ қирғоғига келганда толзор тугади. Тўлқин чиқариб ташлаган хас-чўплар устида каттакон қурбақа турарди, у қўрқанидан Костяга кўзларини бақрайтириб қаради-да, кейин бир сакраб ҳавода думалоқ ошиб, чўлп этиб сувга тушиб кетди.

— Костя! Костя! Қаёқдасан? Ау-у! — деб Нюранинг қичқирган овози келди.

Костя қўлидаги таёқни ташлаб, қалдини ростлади. Толзэр орасини шатир-шутир ёриб ўтиб, қўлтиқ олдига Нюра чопиб чиқиб келди. Унинг юзида ташвиш акс этарди.

— Нимага кетиб қолдинг? Мен... биз шунақаям қўрқидики! — деди жаҳл қилиб у, бироқ Костянинг юзига қаради-ю, дарҳол гап оҳангини ўзгартириди. — Хаёл сураётганидинг? А? Мен ҳам ёлғиз қолсан, бир хаёлга чўмиб кетаманки!.. Тимка аллақачон битта олабуга балиқ тутди. Мана бундай! Йўқ, бунчалик эмас-ку, мана бундай... Юр.

Балиқ ови қизиб кетган. Тимофей қармоқ ташлаганича, жам ўтириб, сувга термулади. Миша Лўлида биратўла икки кишининг ташвиши. У минут сайн қармоққа ёпишар, сакраб ўрнидан турар, яна ўтирап, қимирламай ўтирган Тимофейга унинг қармоғидаги пўкак қимирлагани сари жаҳл билан пичирлаб, ҳадеб қармоғининг ўрнини ўзгартирип,чувалчангни алмаштириб, унга қайта-қайта туфлар, шунчалик кўп типирчилар эдики, агар балиқнинг илиниши унинг

шу ҳаракатларига бөглиқ бўлганида пақирчаси аллақачон тўлиб кетган бўларди. Аммо унинг пақирчасида фақат иккита гина танга балиқ бўлиб, Тимофейни кида унақадан бештаси ва тузуккина бир олабуға балиқ бор эди.

— Нима қилиб ўтирибсан, тўнка? Қимиirlаяпти... Қимирлаяпти! Эшитдингми? — деди жаҳли чиқиб Миша.

— Йўқ, шунчаки ўйнашяпти, — деди шошилмай Тимофей. — Ютсин... Сен кўп ҳовлиқаверма, унақада ҳеч бало тута олмайсан. — У бирдан эпчиллик билан шартта қармоқни тортди, ҳавода жонли кумушдай бўлиб балиқ йилтираб кетди.

— Шу ҳам балиқ тутиш бўлибдими? — деди Миша менсимай ижирғаниб. — Қани энди шу ерга тўр ташласа — жуда қойил бўларди-да!

У, Тимофейнинг қармоғига балиқ илиниб, уникига илинмаётгани учун алам қилганидан шундай деяётганини ҳамма тушуниб турарди. Охири у Тимофейнинг муваффақиятларини кўриб куймаслик учун, қармоқларини йиғиштириб, бошқа жойга кўчди.

Костя билан Нюра бир қучоқ қуриган тол новда тўплашди. Нюра шу маҳалдан ўтириб, картошка арта бошлади, Костя бўлса Миша ва Тимофейдан нарироққа бориб ўтириб, сувга қармоқ ташлади. Лекин тоғасининг қармоғи унга тўғри келмадими, ё жойни ноқулай ердан танладими, ишқилиб, овивинг мазаси бўлмади, у учта танга балиқ тутди-ю, бошқа ҳеч нима тутолмади. Костя ўзининг арзимаган учта балигини йиғиштириди-да, оролнинг нариги ёғига, дарёнинг асосий оқими ўтадиган томонга кетди. У ерда кучли оқим қирғоқни ювиб кетган бўлиб, шундай чеккагинада гирдоб уриб, сув қайнаб ётарди. Костя қармоққа кичкина бир танга балиқни ўтказди-да, сувга ташлади. Ярим минутча муддат пўкак қимир этмай турди, кейин бирданига кўринмай кетди. Костя қармоқни юқорига тортди, аммо қармоқ или узилиб чиққанини кўриб, „вой“ деганча қолди.

Костя иккинчи танга балиқни энг катта қармоққа ўтказиб, энди сувга ташлаган эдики, қармоқ ёғочи қўлидан юлиниб чиқиб кетишига сал қолди, Костя ипни торта бош-

лади, бироқ ўлжа бўш келмас, қармоқни қаттиқ тортқиларди. Костя терга ботиб, қўрқув ва ҳаяжондан эти жимирлашиб, ипни сал бўшатганича қирғоқ бўйлаб кетди, чунки тагидан кўтариб олишга тўри йўқ, балиқни шундай олиб бўлмайди, тик қирғоққа тортиб чиқариш мумкин эмас — ипни узиб кетади. Мана оҳири торгина қўмлоқ жой келди. Костя пастга сакраб тушди-да, ўлжасини қирғоққа яқин тортди. Ана унинг қорамтири гардани, ўтқир тишли каттакон оғзи, дарғазаб шиша кўзлари. Ёнверида на бирорта ёғоч бор, на тош. Костя шартта унинг ойқулоғи тагидан тутди ва зўр бериб типирчилаётган чўртон балиқ билан қўшилишиб қирғоққа йиқилди.

Костя қармоқнинг ипини узиб, таёқчасини ўша ерда қолдирди-да, икки қўли билан чўртон балиқнинг ойқулоғи тагидан ушлаб, уни худди қайнаб турган самоварни кўтаргандай кўтариб кетди. Балиқ унинг қорни ва яланғоч оёғига думи билан урар ва ипнинг бир учи чиқиб турган оғзи ни каппа-каппа очарди.

Нюранинг севинч ва қўрқувдан чинқириб юборгани, Мишанинг индамай ҳавас билан боқиши Костя учун ҳар қандай мақтovдан афзал эди.

— Қойилман! — деди етиб келган Тимофей. — Қармоқ билан тутдингми?

— Қармоқ билан!.. — деб жавоб берди Костя севинганидан ҳарсиллаб.

— Қармоқка балиқча ўтказиб-а?

— Балиқча ўтказиб.

— Қойил!

Тимофей балиқнинг салқиб турган оппоқ қорнига ‘бармоғи билан туртган эди, у жон талвасасида қўлига тарс этдириб урди.

— Вой аплаҳ-эй! — деди Тимофей ҳайрат билан чўзиб, қўлинни тортиб оларкан. У чўртоннинг оғзига тол новдаси тиққан эди, балиқ хап этдириб жагини юмди. Тимофей бўлса гажилган новданинг учини кўрсатиб: — Кўрдингларми? Бармоқни шунақа тишласа нима бўларди? — деди.

Қумга ташланган балиқ бир неча марта иргишләди-ку, жим бўлди. Костя қармоғига қараб чопди. Охирги таига балиғи ўтказиб қўйилган тол хивич оқиб кетибди, бироқ Костя унга ачинмади. Тимофей билан Миша шўрва қилиши учун чеълакларидан тутган майда балиқларини олишди. Қуёш ботди, балиқ ҳам илинмай қўйди. Костя билан Миша қармоқларига майда балиқ ўтказиб, сувга ташлашди-да, маҳкамлаб боғлаб қўйишиди. Бу шунчаки, лаққа балиқ илиниб қолса деб қилинган эҳтиёт-да.

Нюра ерга бир парча латта ёйиб, чўртон балиқни тозалай бошлади. Костя битта танга балиқни тозалашга тушди, бироқ тангалари ботиб бутун қўлларини оғритиб юборди-ю. йўзи тоза бўлай демади, кейин Костя қизариб-бўзариб уни Тимофейга берди. Тимофей ишонч билан шошмасдан балиқнинг ўткир қанотларини кесиб ташлаб, қорнини ёриб тозалади, кейин бошқасини қўлига олди, шундай қилиб, то Нюра чўртон балиқни майдалаб бўлгунча у ҳамма танга-балиқларни тозалаб тугатди.

Бу вақтда Миша гулхан ёқди. Майда, қуруқ шохчалар гугуртга ўхшаб ловиллаб ёниб, кейин йўғон, ҳўл шохлар пишиллаб, чарсиллаб ёна бошлади. Қорайиб қолған тол новдалари устида аланга ўйнар, унинг акси бутун эски ўзан оша нариги қирғоқ сари югуради. Ундаги кўм-кўк толлар қорамтил тус олиб, гўё сув бўйига биқиниб олган каттакатта жониворлардай туюларди.

Шақиллаб сув қайнай бошлаган чеълакдан дафна япроғи билан қалампир ҳиди келарди. Очиқиб кетган болалар тупукларини ютиб, унга туз, картошка, балиқ солаётган Нюрачи кузатишарди.

Костя бир чеккада дарёга тикилиб ўтиради. Гулхан шуъласи, қоп-қора толлар, эски ўзаннинг совуқ сатҳи ғирашира, аммо кишини ҳаяжонга солувчи манзара касб этди. Бутун атроф аста-секин хиралашар, улар ўрнига мудраб бораётган Костянинг тасаввурида хира, аммо қўрқинчли ва ғавқали номаълум дунё—ҳайвонлар, девлар пайдо бўлар, Костя улар орасида юради. Ҳар бир қадамида бошига даҳшатли

қавф-хатарлар тушиши мумкин бўлса ҳам у тап тортмай уларга қарши борарди. Мана, узоқдан шитирлаган овоз, оёқ говуши, шохларнинг қисирлагани эшитилди. Қандайдир баҳайбат қора нарса уларга қараб келяпти... Костяning юраги шув этиб кетди...

Кулоғига Ефим Кондратьевичнинг овози эшитилди:

— Хўш, балиқчилар, овлар қалай? Шўрвага яраша тутдиларингми? Ёки кунимиз фақат картошкага қолдими?

— Тутдик! Тутдик! — деб қичқирди Нюра.— Вуй, дада, Костя шундай катта чўртон балиқ тутдики! Шундай каттаки!.. Кўрсанг қўрқиб кетасан!

Нюра билан Миша балиқ ови, Костя тутған чўртон балиқ ҳақида бараварига чуғурлашиб гапириб бера бошлиди. Костя ҳам уларга қўшилишди. Фақат Тимофей индамасди. У жиддий қиёфада шўрвани ковлади, кейин тотиб кўрди-да:

— Тайёр,— деди.

Костя бунақангги мазали шўрвани ҳеч ичмаган эди. У энтикиб қолгунича, терга тушиб, қорни дўмбирага ўхшаб шишиб кетгунча ичди, ўзига қолса тағин ичсам дерди-ю, бироқ бошқа жой қолмаган эди.

Ефим Кондратьевич совиб қолган қумга плашчи билан ҳалиги дағал матони солди, улар оёқларини гулханга қилиб ётинди, бироқ, ҳеч кимнинг ухлагиси келмасди.

— Ҳа, чумчуқчалар, нимага жим бўлиб қолдинглар?— деб сўради Ефим Кондратьевич.

Гулханда нимадир қаттиқ қарсиллаб, лаққа чўғ бўлиб кетган кўмир бир ёнга учеб тушди, учқунлар сачради. Нюра чўчиб кетди.

— Худди милтиқ отгандай бўлди...— деди у уялиб кетиб.

— Сени қара-ю!— деди лабини буриб Миша.— Ростакамига милтиқ отса нима қиласдинг? Юрагинг чиқиб ўларкансан-да?

— Менми? Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман! Тўгрими, дада? Бу тўсатдан бўлди, шунга чўчиб тушдим. Бўлмаса сира ҳам — пиш-ш!

— Кореяда яшаганингда нима қиласдинг? — деди Тимофей.

— Эҳ, мен у фашистларними!.. — деб муштини дўлайтирди Нюра.

— Улар бутун Кореяни ёндириб юбориши, — деди жиддий тусда Костя. — Бомба, напалмлар билан. Напалм дегани қуюқ бензин бўлади. На шаҳар қолди, на қишлоқ. Вожатийиз ўқиб берган эди, бир американлик журналист, у ерда қишлоқлар ўринда кўкимтири кулгина қолган, деб ёзибди.

Болалар жим бўлишди. Кўз олдиларида улар ҳеч қачон кўрмаган мамлакат намоён бўлди. Ўкириб, гувиллаб самолётлар изғияти, кети узилмай бомба ёғиб турибди, бутун мамлакат, ҳамма тоғ, водийларни аланга қопламоқда, мана кўкимтири қора кулдан бошқа ҳеч нарса қолмади...

Костя ўзининг уйдирмаларидан ўзи уялиб кетди. Ҳар қандай ваҳимали маҳлуқлардан ҳам қўрқинчли одамлар бор бўлатуриб, ҳар хил даҳшатли нарсаларни ўйлаб чиқариб ваҳима қилишнинг нима кераги бор? У, ростки денгизчи бўлар эканми, албатта ҳарбий денгизчи бўламан, иложи бўлмай қолса, биронта ҳарбий мактабга кириб ўқийман, деб аҳд қилди.

Афтидан, бошқалар ҳам шу ҳақда ўйлашаётган экан шекилли, бирдан Тимофей бирор билан қилаётган суҳбатини давом эттиргандай, гапни чўрт кесиб:

— Мен эса танкист бўламан. Дадам танкистлар-ку. Мен ҳам ўшанақа бўламан, — деди-да, яна жим қолди.

— Бўлмаса ким бўлар эдинг? — деди мазақ қилгандай жилмайиб Миша. — Сени танк кўтармаса бошқа нарса кўтаролмайди! Қарабсизки, ҳамма томони темир, ичида эса — тўнка.

— Бўпти... „Тўнка“ эмиш.. Бу сенинг золдир-у винтчаларингни бурашмиди?

— Ахир, ўша золдир-у винтчалар бўлмаса танкингнинг кўзсиз, қулоқсиз қутидан фарқи бўлмай қолади-да!

— Қўйинглар, болалар! — деди Нюра. — Мен-чи, мен.. Ким бўлишимни ҳали ўзим ҳам билмайман. Геолог ҳам

бўлгим келади, инженер ҳам, олим ҳам... Лекин ҳаммасидан учувчи бўлган яхши бўлса керак! Тўғрими? Ҳозир ҳам баъзида кўзимни юмсан, худди учиб кетаётганга ўхшайман...

— Каравотданми?— деди мазақ қилиб Миша.

Нюра унга ижирғаниб қараб қўйди.

— Нима, қизларни олишмайди, демокчимисан? Олмаганларига қўймайман. Тўппа-тўғри Москвага бораман, барибир қўймайман, мана кўрасизлар!— Унинг катта-катта кўзлари жаҳли чиққанлигидан шундай чақнаб кетдики, унинг кирмай қўймаслигига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Қиз отасига ўгирилди:— Тўғрими, дада?

— Тўғри, Аннушка. Албатта киши кўнглига ёққан ишни танлагани яхши. Лекин ҳақиқий солдат жой танлаб ўтирамайди,— унга бирор ишни топширилдими, ўша ерда туради... Жасурлик билан уқув ҳар қандай ишда ҳам зарур, акс ҳолда ўзингни ҳам, бошқани ҳам хароб қиласан. Бизнинг миноносесизда мана шундай бир воқиа бўлган эдий...

— Ефим амаки, сиз флотда хизмат қилганмисиз?— деб сўради қизиқиб Миша.

— Ҳа. Урушнинг бошидан охиригача Болтиқда... Бу воқиа уруш янги бошланганда, немислар Болтиқ бўйларига энлигина суқулиб кирганда бўлган эди... Бизнинг миноносең дозорда юрарди. Ҳавони сийрак туман қоплаган, самолётдан қўрқишининг ҳожати йўқ, бироқ сувдан эҳтиёт бўлиш керақ, чунки немис сув ости кемалари изғишиб юрар, ҳамма ёқни сон-саноқсиз минага тўлдириб юборишган эди. Ҳар қанақа минадан бор. Қандай миналари бўлса ташлайверишган: янгиси борми, турли-туман эскиси борми... Кетаётсан бирдан сигналчи: „Бортнинг ўнг томонида мина!“— деб қичқириб қолди. Ҳақиқатан ҳам жуда эски, гальван зарбли бир мина сув бетида қалқиб турибди. Шохли мина. Гап шундоқ. Оралиқ талайгина, лекин навбатчи начальник командирга хабар қилди-да, йўлни ўзгартирди — миноносең отиб ташланаш учун ундан анча четланди. Бироқ навбатчи команда бермай, ҳадеб дурбиндан қарайверди. Кейин: „Қандайдир талати мина-я“— деди Шунда ҳамма — бири дурбиндан,

бири қўлини мушт қилиб, бири шундайича унга қарай бошлиди. Қарашди, қарашди, кўришса — бу минада аллақандай сир бор, лекин нималигини ҳеч ким тушуна олмади. Шунда бир матрос — унинг кўзлари ҳар қандай дурбиндан ҳам яхши кўрарди — келди-да: „Айтишга рухсат этинг, ўртоқ старший лейтенант. У минага одам осилиб олган“, — деди. Қандай қилиб? Минага қандай қилиб одам осилиб олсин? Бу болалар боғчасидаги аргимчоқ эмас-ку, нақ осмонга учириб юборар. Командир эҳтимол бу фашистлар ўйлаб чиқарган инкор қабиҳ ишдир деб, қайиқни тушуришни буюрди, агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса бошқаларни ҳалок қилмаслиги учун сирини билиш керак; балки ростдан ҳам ўт юракли битта-яримтаси осилиб олгандир. Бироқ лейтенантга, минага яқинлашмасликни, одамларни хавф-хатарга қўймасликни, шароитга қараб иш тутишни буюрди. Қайиқ кемадан узоклашиб мина томонга қараб кетди. Унча яқин ҳам эмас, аммо ҳамма нарса яққол кўринадиган масофага сўзиб борди. Қарашса ҳақиқатан ҳам бир одам шохчасидан ушлаб, минага осилиб олибди. Туриш-турмушидан кўринадики, бизнинг одам: эгнида йўл-йўл матросча кўйлак, афти башараси русларнинг ўзгинаси. Чакириб қарашса — тирик, бошини ўгиради-ю, аммо овоз бермайди. Шунда матрослардан биттаси: „Эй, биродар, қаллиғинг минг яхши бўлса ҳам тўйга ошиқма, улгуарсан! Олдин бу ёққа кел!“ — деб қичқирди. — „Ўринсиз ҳазил тўхтатилсин! — деди лейтенант. — Бу куладиган нарса эмас. Одам ўлимни қучоғлаб сузяпти. Старшина унга: „Шайтон аравангни ташла, бу ёққа қараб суз!“ — деб қичқирди. У бўлса, фақат бошини ўгирив қаради-ку, „оғи“ ҳам дея олмади, минани қўйиб ҳам юбормади. Чамаси, қўли мина шохини маҳкам ушлаган-у, қотиб қолган. Кўрқувданми ёки совуқданми унда овоз ҳам, қувват ҳам қолмаган. Нима қилиш керак? Қайиқда яқин бориб бўлмайди, арқон ташлаш ҳам мумкин эмас — у ушлаб ололмаслиги мумкин, минанинг шохидан илиб тортилса, унинг ҳам кули кўкка совурилади, қайиқдан ҳам асар қолмайди. Шу найт бир матрос: „Рухсат этинг, ўртоқ лейтенант, бу денигиз

ъёхини қутқарив олишга уриниб кўраман", — деди. „Май-  
, бор, лекин эҳтиёт бўл!" — деди лейтенант. Матрос ечи-  
б, арқоннинг учини белига боғлаб олди-да, сузив кетди.  
қонни унинг орқасидан секин-аста бўшатиб туришди. У  
ж бориб қараса, ҳалиги одамнинг сира ҳоли қолмаган,  
ига тушунади-ку, қўлини қўмирлатолмайди — қотиб қо-  
бди. Гапиролмайди ҳам. Яқинига сузив келишга келинди-  
лекин уни қандай қилиб ажратив олиш керак? Унча  
чли бўлмаса ҳам, тўлқин уриб турар, жин ургур мина  
тқиб ўйинга тушарди — яқинлашишга илож йўқ. Бизнинг  
грос ҳалиги одамнинг орқа томонидан бориб, соchlаридан  
ҳкам чангллади, яхши ҳамки соchlари узун, жингалак-  
нгалак экан денг, — кейин матрос иккинчи қўли билан  
инг бармоқларини ёзишга киришди. Шундай қийналдики,  
ти қўяверасиз! Сув совуқ бўлишига қарамай, қизиб кет-

Ҳалиги одамнинг бармоқлари чангак бўлиб, бутунлай  
тиб қолган эди. Матрос охири унинг бир қўлини, кейин  
кинчисини ажратив олди-да, кучи борича оёғи билан сил-  
тиб сузив кетди, қайиқдагилар кузатиб туришарди —  
сонни торта бошлашди. Мана, қайиқдагилар уни тортиш-  
ти, у бир қўли билан сувда қулоч отар, иккинчиси билан  
тиги одамни ушлаб олган эди. У одамнинг қўллари санам-  
ода тасвирланган авлиёларнинг қўлидай юқорига чўзил-  
ича таёқдай қотган қолган. Баттол мина бўлса секин-се-  
н улар орқасидан сузив келарди — оқим билан-да. Қайиқ-  
илар эса, ишқилиб тезроқ чиқарив олайлик деб сув  
идан тортиб олаётгандай тортишади. Охири тортиб чи-  
қиб олишди. Кейин, албатта, минани портлатиб ташланди.  
лиги одам ўзига келди. Спирт билан артишди, бошқа  
тишди. Ишқилиб, ўзига келди...

Ефим Кондратьевич ўчиб қолган трубасини ёндириди.

— Ўша матрос қаёқда? Тирикми? — деб сўради Миша.

— Тирик. Ҳозир Днепрда сузив юрибди.

— У, минадан қутқарив олгани-чи?

— У ҳам ҳаёт... Қани, энди ухланглар, мен бир хўжалигим-  
айланиб чиқай. Херсонга тез юрар пароход ўтиши керак.

Ефим Кондратьевич кетди, болалар бўлса узоқ жим қолишиди, учови ҳам бир нарсани: ўша жасур матрос қилган ишни мен ҳам қила олармидим, деб ўйларди. Уларнинг: ҳа, биз ҳам қила олардик, дегилари келарди-ку, лекин буни овоз чиқариб айтишга ботинолмасдилар, чунки бу қуруқ мақтандоқлик бўларди, холос: оғизда ҳамма ҳам қиласверади, амалда қилиб кўринг-чи...

Бу масалани еча олишмай, Тимофей билан Миша ухлаб қолишиди. Костя бўлса, ҳеч ухлай олмасди. Унинг кўз олдига тўлқин уриб турган, гира-шира туманга бурканган булатли денгиз тўлқинлари устида қалқиб ўйнаётган шоҳли мудҳиш металл шар ва ҳалокатга маҳкум этилган, қўллари чангак бўлиб қотиб қолган кишини ўлим чангалидан тортиб олган матрос келди...

— Костя! Вей Костя! — Нюоранинг шивирлаган товушини эшитди у.— Ҳали-чи, дадам ўзини гапириб берди. Ўшанда матросни минадан дадам ажратиб олган. Фақат у буни гапиришни ёқтирмайди. Бир куни-чи, унинг олдига ўша минага осилиб олган киши келган эди, мени ухлаб қолди деб ўйлашди-да, ҳаммасини бир-бир эслаб чиқишиди, мен бўлсан ухламасдан эшитиб ётган эдим...

Костя ҳанг-манг бўлиб, кўзлари билан оғзини катта очди.

— Ҳа-да! — деб давом этди Нюора.— Нима бўлган бўлса ҳаммасини эшитганман! Лекин сен ундан сўраб юрма, жаҳли чиқиб кетади. Ўшанда мен эрталаб сўраган эдим, у менга, тушингда кўрибсан, бунақа гапларни гапирма, деган.

— У шунақа одам дегин?! — деди завқ билан Костя.

— Эҳе! У қанақалигини ҳали сен билмайсан.. У шундай одамки!.. — Нюора сўз топа олмай, мужмал, лекин ҳаяжонли ишора қилди.— Биласанми, у мени топиб олган.

— Топиб олган?

— Ҳа-да. У флотдаги хизматидан қайтди. Билдингми? Уйда на мен бор, на ойим. У ёққа югурди, бу ёққа югурди — йўқмиз, вассалом. Ойим эвакуация қилинган, қаёққалигини ҳеч ким билмайди. Эшелон шарққа кетган дейишади, холос. Шарққа кетган эшелон озмунчами!

Балки биз бомбардимонда қолгандирмиз, балки аллақачон үлиб кетгандирмиз, ким билади? Тўғрими? Аммо у бунга ишонмай, излай бошлаган. Шунча вақт қидирганки — асти қўявер! Охири топган. Яъни биз аввал кўчиб борган ер — Кустанайни топган. Аммо ойим аллақачон ўлган эди...— Нюоранинг овози титраб кетди.— Мен ҳам йўқман. Мени болалар уйига топширишганди; болалар уйи бўлса бошқа жойга кўчган, кейин яна бошқа ёқса кўчган. Дадам яна қидиришга тушган. Ҳарқалай, охири топди. Бутун Ўрта Осиёни кезиб чиқди-ю, лекин топди. Буниси менинг эсимда бор, қирқ олтинчи йил эди. Шунда у: „Қизим, энди етар. Уйга борамиз-да, бирга яшаймиз“—деди. Мана шу ерга келиб яшаяпмиз. Шунинг учун ҳам у бакенчиликка кирган. У матрос-ку, пароходдами, денгиздами ишласа бўларди, лекин мени ташлаб кетгиси келмади. „Тагин йўқолиб қолишинг мумкин!..“— дейди.

— Хўп даданг бор-да!

— Ҳа. Қани энди ойим ҳам тирик бўлса!. Ойинг бор бўлгани яхши-да...

Нюоранинг овозида чуқур қайфу акс этарди. Костя уни юпатиш учун сўз топа олмай, жим ўтиради.

— Сенга яхши — ойинг бор! У қанақа, айтиб бергин?

— Қанақанг нимаси?— ҳайрон бўлиб сўради Костя.— Ҳамма ойиларга ўхшаган ойи-да...

Костя беихтиёр қимирлаб қўйгандай қилиб гулхандан юзини ўгириб олди, чунки юзлари ва ҳатто қулоқларигача қизий бошлаган эди. Ў ўз онаси ҳақида ҳеч нарса айта олмагани, унинг тўғрисида ҳеч нарса билмагани учун ажабланар ҳам уяларди.

Дадаси ҳақида сўраса бошқа гап эди. Дадаси Костя ҳали жуда кичкина чоғида урушда ҳалок бўлган, бироқ у капитан Голованов қаерда хизмат қилганлигини, қандай мукофотлар олганини, улар нима учун берилганлигини яхши билади.

Ойиси тўғрисида эса у ҳеч ўйлаб кўрмаган экан. Ўз ишлари билан ниҳоятда банд бўлиб, уни ўйлашга вақти

бўлган эмас. Ойиси тўғрисида нима ҳам ўйлаши мумкин? Костя уйқудан турганида столда нонуштаси тайёр турган бўларди — ана шу ойиси. Мактабидан қайтса, тушлиги тайёр турарди. Тоза кўйлакми, янги бошмоқми ёки пальтоми керак бўлиб қолса — дарҳол муҳайё, бу ҳам албатта ойисининг иши эди. Ойиси Костяга нима керак бўлса, ҳаммасини қилиб берар, Костя бошқа ҳеч нарсани ўйламасди. Агар у шўхлик қиласа, Лелькага озор берса, ойисининг жаҳли чиқар, уни қаттиқ койирди. Яна нима бўлиши мумкин?

Нюра букилиб ётиб олганича аллақачон уйқуга кетганди, Костя бўлса нуқул бурнини тортиб, типирчилаб ўй сурар ва ўтганларни эслашга тиришарди. Ўйлаб қараса кўп нарсани эсласа бўларкан.

У жуда ҳам кичкиналик чоғларини фира-шира эслади. Улар Киевда эмас, ҳар томондан бўрон уриб турадиган Барнаулда яшашарди. Қишда бўрон кишини оёқдан йиқита олар, кейин у музлаб қоларди, ёзда бўлса шамол чийиллаб шаҳар тепасида қум-тўзон учирарди. Ҳар қанча ўраниб-чирмансанг ҳам нарсаларинг, кийимларинг — ҳаммаси қум бўлиб кетар, тишларинг орасида фижирларди.

Қишда кийишга кийими йўқлиги учун Костяни кўчага чиқаришмасди. У одеялга ўраниб олганича деразанинг олдида гувиллаган оппоқ қор уюрмаларига термулиб ўтириб, ойисини кутарди. Ойиси оёғида каттакон пийма, қўғирчоққа ўхшаб латта-путталарга ўралган ҳолда жуда кеч қайтарди. У семиз бўлиб кўринар, аммо ечинганида нозиккина, озгин бўлиб қоларди. Ойиси печкага ўт қалар, Костяни овқатлантирас, агар яна госпиталга қайтиб кетмайдиган бўлса, улар иссиқ печка ёнига ўтиришиб олиб, бир оз гаплашишарди.

Ойиси медицина ҳамшираси бўлиб ишларди. У навбатчиликка кетаётганида Костяга қайнатилган картошка ёки, онда-сонда, каша билан нон қолдириб кетарди. Нон оз бўларди, шунинг учун ойиси уни бирданига еб қўймай, оз-оздан егин деб тайинларди. Костя хўп деб қоларди. Аммо кун узун, кутавериб зерикасан, айниқса шунақа пайтларда кўпроқ‘овқат егингелади. Костя нонни оз-оздан чимдиб ўтириб,

ҳаммасини еб қўйганини билмай қоларди. Ойиси келганда эса, Костя уй әгасининг ити Шарикдай оч бўларди. У ўзи ерди, ерди-да, қорни тўйгандан кейингина эсига келиб: „Оий, сенинг нонинг йўқми? Нега картошкани қуруқ еяпсан? — дерди.

„Еявер, еавер, — деб жилмаярди ойиси. — Кўнглим тусамаяпти. Ундан кейин, сен ўсишинг керак, мен каттаман, ўсиб бўлганман...“

Костя баъзан кечасилари уйғониб, ойисининг жинчироқ олдида ўтирганини, унинг елкалари жимгина учиб-учиб қўяётганини кўрарди. Дадасидан кўпдан бери ҳат келмаганилиги учун, ойиси унинг эски хатлари устига мук тушиб олиб, йиғлаётган бўларди. Шунда Костя жўрттага у ёнбошидан-бу ёнбошига ағанай бошлар, ойиси жинчироқни ўчириб, унинг ёнига келиб ётарди, кейин Костя унинг пинжидা иссиққина ухлаб қоларди.

Дадаси фронтдан келганида Костянинг ойиси билан иши бўлмай қоларди. У дадасининг медалларини, погонларини тақиб кўрар, уруш тўғрисида саволлар берар ва ҳамма вақт унинг кетидан эргашиб юрарди. Ўша кунларда ойиси яна ҳам чиройли, ҳаммадан хушчақчақ бўлиб кетганлиги унинг эсида. Ойиси кичкина қизларга ўхшаб чопиб-чопиб юрар, кулар, Костяни елкаларидан ушлаб силкитар ва доимо ашула айтарди. Дадаси уни шодланиб кузатар, у ҳам куларди...

Дадаси ҳалок бўлганидан кейин ойиси яна Барнаулдагидай бўлди қўйди. Ранги ундан бадтар синиқиб, ўзи ғамгин бўлиб қолди. Костя ўшандада олти ёшда эди, Лелька бўлса ҳали аравачада ётарди. Қўшнилари Марья Афанасьевна уларникига кириб, остоңада тўхтарди-да, Лелька билан Костяга ачиниб қарапарди. Куюниб: „Бечора етимчалар! Энди кунларинг нима кечади?“ — дерди.

Бир куни ойисининг жаҳли чиқиб кетди-да, унга:

— Марья Афанасьевна, сиздан ўтиниб сўрайман, болаларимга ачинмай қўя қолинг — уларнинг онаси бор! — деди.

Ўшандада у институтни томомлаётган эди, ҳар куни лекцияга қатнарди. Дадасининг ҳалок бўлгани тўғрисида хабар

келганидан кейин у яна ҳамшира бўлиб ишлай бошлади, лекин ўшанда ҳам бир амал қилиб институтга қатнади. У кеч қайтар, баъзан Костя мактабдан келиб, тушлик овқати тайёрлаб қўйилмаганини кўрар, ойиси бўлса кўзини юмганича, қўлини осилтириб стол ёнида ўтиради. Костя жаҳл билан папкасини улоқтириб: „Ўқийсан, ўқийсан-ку, овқатингни вақтида беришмайди!“ — деб пўнгилларди.

„Жаҳлинг чиқмасин, Костяжон, — дерди ойиси ҳорғинлик билан. — Мен ҳозир...“

Костя қорнини тўйдириб олгандан кейин, ўртоқлари олдига чопар, қайтиб кирганида эса ойиси бир нимани тикаётган ёки юваётган бўларди. Костя: нега ойим ҳамиша бир нарса тикиб, ё ювиб ўтиради, бошقا қизиқроқ иш қуриб қолганмикан, деб ҳайрон бўларди.

Баъзан ойиси Костядан, Лельканни ўйнат ёки уйни йиғишириб қўй деб илтимос қиласди. Костя жигибийрон бўларди-да, заҳарханда қилиб сўрарди:

— „Мен учун дарсни ким тайёрлайди? Лельками?“

Ойиси ҳеч нарса демасди-да, ўзи йиғишира бошларди...

Костя қалдирлайдиган плашч устида анча вақтгача у ёқдан-бу ёққа ағанаб ётди, бироқ қанақасига ўгирилмасин, таги қаттиқлик қилиб, ҳеч ўрнашолмасди. У ўзига ўзи кўплаб ваъдалар берди ва охири ўзи ўзидан уялиб, вақти ўтганда афсуслар қилиб, уйқуга кетди.

## СЕНИНГ НИМАГА ЛАЁҚАТИНГ БОР?

— Костя! — Турсанг-чи, вей Костя! — деб уни уйғотди Нюра. Болалар аллақачон туриб балиқ тутишяпти. Нуқул шунақа кўп ухлайсанми? А?

Костя дарров кечаги гапни эслади-ю, туриб балиқ тутишга ҳам ҳафсаласи қолмади. Ҳеч нима деб жавоб ҳам қайтармай, иккинчи ёнбошига ағдарилиб олди.

— Хоҳламасанг — таъбинг, — деди охири Нюра. — Ундей бўлса, ўзим тутаман.

Костя унинг қармоқларни йиғиштириб, нари кетганини ҳам эшитиб ётди. Кейин ўрнидан турди. Кетса кета қолсин! Бўлмаса тағин кечаги гапларни гапиришга тушади... Қуёш ҳали чиқмаган бўлса ҳам, кун анча ёришиб қолган эди. Яна дарё устидаги фира-шира туман аста тарқалмоқда. Костя дарёдан ураётган салқиндан жунжикканича оролнинг орқа томонига ўтди. Эски ўзан қирғоғида балиқчилар: сусткаш Тимофей, ҳатто ўтирган жойида ҳам типирчилайверадиган Миша ва Ниора ўтиришарди.

Паст томондан, ҳали қоп-қорайиб, қимир этмай оқаётган дарёдан қайиқ сузиб келарди. Бу — эрта билан бакенларини айланиб юрган Ефим Кондратьевич эди.

— Ефим тоға! — деб қичқирди Костя. — Мени ҳам бирга олиб кетинг!

Ефим Кондратьевич қайиқни қирғоққа келтириб тўхтади. Костя сакраб чиқиб олганидан кейин, яна нарига қараб сузиб кетишиди. Тоғаси Костяни эшкакка қўймади, чунки ҳали қўлининг қаварган жойлари тузалгани йўқ эди, Костя қўйруқдаги эшкакни бошқара бошлади, баъзи-баъзида зарур бўлиб қолган жойларда эшиб ҳам турди. Улар индашмай ишлашарди.

Костя эркакларга хос вазмин жимликдан ҳузур қилас, қорамтири сувга эшкак уриш, сувнинг эшкак остида қулқилашини тинглаш, қарши томондан оқиб келаётган кенг сув сатҳини томоша қилиш унга жуда ёқарди.

Шайтон тишдаги энкайиб турадиган қизил бакен кейинда қолди — уни қайтишда ўчириб кетадилар — орол орқага ўтиб кетди. Улар оқ бакенлардаги чироқларни ўчиришиди, кейин ўнг қирғоққа ўтиб, қайиқни оқимга қараб қўйишидида, бирма-бир қизил бакенларни ўчириб чиқа бошлашди.

Балиқчилар уларни қирғоқда кутиб турадилар. Ниора сабри чидамай, турган ерида иргишилаб ўйин тушар ва қўлидаги ярқираб турган тирик ўлжасини силкитарди. Миша хивчинга ўтказган балиқларини шошмасдан пақирга олиб ташлаётган Тимофей билан нима тўғридадир баҳсланиарди.

Тимофей билан Миша яна эшкакка ўтиришди. Нюра бўлса, гапи бўғзига тиқилиб, энтика-энтика қармоғига катта-катта балиқлар илиниб, яна чиқиб кетганлигини гапириб берди. Тимофей содда диллик билан жилмайди, Миша эса, Нюранинг жигига тегиб, балиқни итбалиқдан ажратиб ололмайди-ку, тагин балиқ тутаман деганига ҳайронман, дерди.

Қайиқ қирғоққа келиб қадалди, Тимофей билан Миша балиқ солинган челакларини кўтариб олишди.

— Боргин-а, Костя! — деди Миша. — Радиоузелни кўрсатаман.

— Албатта боргин, — деб тайинлади Тимофей, — ҳамма нарсани кўрсатамиз.

Улар кетишиди, аммо бир неча қадам юргач, бирдан эсларига келиб қолиб:

— Раҳмат, Ефим амаки! Яна келсак майлим, Ефим амаки?.. — деб қичқиришди.

Ефим Кондратьевич қайиқни юқорироққа тортиб чиқарди. Костя унга ёрдамлашди. Тунги сухбатдан кейин Костя ҳамма ишни тоғасига ёқадиган қилиб қилишга тиришарди. У буни лаганбардорликдан ёки, мақтов эшитсан деб қиласди — ҳеч қандай мақтовсиз ҳам унинг тоғасига ёрдамлашгиси, унинг ёнида бўлгиси келарди.

Тоғаси асбобларини йиғиштириб, дам олишга кетди, чунки кечаси ухламаган эди. Нюра яна пол ювишга тушди, кейин нимадир пиширишга тараддуд кўра бошлади, Костя ёлғиз қолди. У чўмилди, сувда шўнғиди; бироқ ёлғиз ўзинг чўмилсанг, зерикар экансан одам; калла ташлашнинг эса, бирор кўрмаганидан кейин ҳечам қизиги бўлмас экан.

Костя қирғоқда турган қайиқнинг қуйруқ томонига ўтириб олди-да, сувга оёғини осилтириб, дарёга тикилди. Ҳар ҳолда анча катта-а! Киевда, айниқса юқоридан, Владимир тепалигидан ёки Первомайск боғидан қарасанг анча кичкина ва тор кўринади. Труханов оролидаги қумлоқ ёзнинг ўрталари ва охирида ўнг қирғоққа бориб туташгундай бўлади. ундаги кема боғлаб қўйиладиган жой эса ҳали қуриб битказилмаган узун кўприкка ўхшаб қолади—дарё ана шун-

дай торайиб, саёзлашиб қолади. Собиқ Цепной кўприги-нинг устунлари орасида шимларини шимариб олган балиқчилар изғиб юришади. Агар Костя ойим билиб қолиб, уришиб беради, деб қўрқмаганида у қирғоқдан-бу қирғоққа бемалол сузиб ўта олган бўларди. Албатта, битта ўзи эмас, мисол учун, Федор биланми.

Бу ердан сузиб ўта олмайди. Сувга бошингни эгиб қарасанг, чаң қирғоқ ниҳоятда паст ва жуда олисга ўхшайди. Ҳақиқатда ҳам жуда олис, ҳатто эшкак эшиб ҳам чарчайсан. Оқим ҳам тез. Шидираган оқим нуқул Костянинг оёғини майнин ва беозоргина юқорига итари; сувнинг энг тагида ип сингари узун-узун кўм-кўк сув ўтлари чўзилиб ётар ва топ симидай дирилларди.

Костя дарё бетидаги милтираётган мавждан тортиб, то дарёning лаққа балиқлар мўйловларини қимирлатиб ва ҳаллослаб ётган чуқур, қоронги қаърига қадар, мана бу ҳамма ёғини илдиз босган, тепалик қирғоқдан тортиб, то чапки паст қирғоққа қадар лим-лим тўлиб сув оқишини тасаввурига келтиришга уриниб кўрди. Ҳар минутда, ҳар соатда, йил бўйи, ёзда ҳам, қишида ҳам бир дақиқа бўлсин тўхтамай, кети узилмай оқиб туради.

Костяга авваллари дарё вишкадан калла ташлаб чўмиладиган, офтобда қораядиган, қайиқ ва катерларда сайд қилиб юрадиган жой эди. Ўқитувчиси география дарсида дарё — „сув йўли“ ва „оқ кўмир“ деган эди, аммо бу болаларнинг қулогида турмас, дарё деганда уларнинг кўз олдига пляждаги иссиқ қум, сув бетида ялтираб кўзни оладиган шульлалар, типирчилаб қармоққа илиниб чиқсан балиқлар келарди.

Энди дарё бошқача кўринади. Сув бир текисда, тинч оқиб келади, тўлқинлар ҳар қанча жўяқ тортмасин, пароходларнинг винт ва парраклари ҳар қанча кесиб ўтмасин у ўшандай тинч, салобат билан оқаверади.

Пароходлар эса, бири кетидан иккинчиси ўтиб турибди. Катталари ҳам, қичиклари ҳам. Оппоқ, чиройли пассажир кемалар ҳам, кул ранг шатакчи кемалар ҳам. Бир хиллари

ёлғиз ўзи енгил сузиб ўтади, яна бир хиллари кетма-кет тиркалган баржа ва солларни чираниб тортиб келади. Улар ҳар гал юқоридан оролга яқинлашаётгандаридан огохлантиргандай қаттиқ гудок берадилар: „Четга тур, кетяни ма-а-ан!“ Ўша ондаёқ тош тизмалар орқасидаги қирғоқлар „Мана, хаёлламай ўтиб кета бер“ дегандай уларга кенг йўл очади.

Нюра овқат ҳозирлаб, дадасини уйғотди-да, Костяни нонуштага чақирди.

— Дада, биз қишлоққа бувимниги бориб келамиз, — деди Нюра. — Майлими? А? Қачондан бери борганим йўқ. Ўзи бизниги кела олмаса. Хўпми? Ундан кейин, бувим тепаликка чиңа олмайди. Биз бўлсак, чопқиллаб бориб келамиз. Болаларнинг олдига ҳам кирамиз. Тушлик овқатни тайёрлаб қўйдим, иситиб ейсан. Хўпми?

Мана улар ўтлоқдан Кичқириқ жарга қараб кетишмоқда. Оёқлари остидан чигирткалар патирлашиб қочади, бошлиари устида гала-гала чивинлар ғувиллаб учади. Эски ўзаннинг ўт-ўланлар ўсиб ётган аллақаерида қурбақалар қуриллайди. Нюра ҳадеб энгашиб ранги оқаринқираб қолган бўтакўзларни, кўкиш бинафша ранг ёввойи нўхот гулларини, оқ-сарғиш гулли ёввойи ўтларни узиб оларди. Гуллардан дарёнинг салқини ва пичаннинг ёқимли, майин ҳиди гуркирарди.

Ўт-ўланлар ўсиб ётган кенг кўча бўм-бўш эди. Фақат аравалар фидираги, от туёқлари ўйиб кетган ўрталиқда тупроқ худди пардай тўзғиб ётарди. У ерда товуқлар тупроққа ағанашар, туриб силкинишар, атрофга олазарак бўлиб қарашар, қақиллашар ва яна тупроққа ағанашарди. Четан девор ва олча дараҳтларининг салқинида жазирама иссиқдан лоҳас бўлган итлар қий-қизил тилларини осилтириб, ҳаллослашиб ётишарди. Улар Нюра билан Костяга қараб қўйишишар ва яна кўзларини юмиб олишарди. Фақат битта каттакон кўппакгина ўрнидан туриб, гўё аччиғланиб чинакамига вовиллашини ҳам, ёки аксинча, уларни яхши қарши олишини ҳам билмай қолгандай, хирйллаган йўғон овоз би-

лан эринибгина вовиллаб, ўтган йилги қуриб қолган тиканлар ёпишган бароқ думини ликиллатди. Аммо кун жуда иссиқ бўлгани учун аччиқланишга ҳам, яхши қаршилашга ҳам эринди. Нюра билан Костя унга эътибор беришмади, кейин у турган ерида бир айланиб, яна ётиб олди.

Бувисининг уйи ҳовлиниңг ичкарисида бўлиб, атиргуллар, баланд ўсган қизил, гунафша ранг гулхайрилар, ит-օғизлар панасида бутунлай кўринмасди.

Бувисини полиздан топишди, у жиккаккина, афтлари буришган, кўзлари хиралашиб қолган кампир экан, эҳтимол бир вақтлар унинг ҳам кўзлари Нюраники сингари кўм-кўк бўлгандир.

— Набиражоним келдими? — деди у, севинч табассумида юзларидаги ажинлари ёйилиб. — Жуда яхши қилибсан. Бу ким? Юхимнинг жиянами? Яхшигина болага ўхшайди. Салом, салом!. Қани, уйга юринглар.

Жазирама иссиқ кўчадан келганларига, деразалариңинг олдини олча дараҳтлари қоплаб турган уй анча салқин ва қоронғи кўринди.

— Қани, ўтиргинглар, сут ичинглар... Хўш, отанг иккавинглар қийналишмай турибсизларми?

Нюра гўё гапи оғзидан тошиб чиқаётгандай бидирлаб сўзлар экан, бувиси столга сут билан нон келтириб қўйди.

Костя аввал одоб юзасидангина ичди, кейин ичи шўлқиллаб кетгунча роса шимирди. Унга кичкинагина салқин уй ҳам, ширин сўз, ювош кампир ҳам жуда ёқди.

— Бувижон, энди биз кетамиз! — деди Нюра сакраб туриб. — Биз ҳали Мишканинг олдига, кейин Тимканинг олдига боришимиз керак...

— Ўгурганинг-югурган экан-да, — деди бувиси бош иргиб, — бўлмаса қайтишда киринглар-а, мен сизларга қаймоқ ҳозирлаб қўйган эдим...

Жазирама кўча шунақанги узун кўриниб кетдики, охири Костянинг ҳам четан девор тагига ағанаб, лоҳас бўлиб ётган итлардай тилини осилтириб, ҳаллослаганича сулайиб ётгиси келиб кетди.

— Яқин қолди... Мана, етдик ҳам, — деди Нюра.

Деразалари ланг очиқ, томига черепица ёпилган чоққина уй ҳам бу ердаги бошқа нарса сингари дараҳтлар соясига яширинганды. Эшикда: „Бегоналарнинг кириши ман қилинади“, — деб ёзилган таҳтача осилиб турарди.

— Биз нима қылдик энди? — деди ҳайрон бўлиб Костя.

— Қўявер... Ҳозир, — деди Нюра ва қаттиқ ҳуштак чалди.

Деразада бир оз оқсоқланиб офтобда оқариб кетган поғонсиз кителли, пешона сочи ҳам офтобда оқариб кетган бир йигит пайдо бўлди:

— Бу қанақа ҳуштаквозлик яна? — деди у ёлғондакам қовоғини солиб.

— Федор Павлович, бу мен, — деди Нюра, уялганидан жилмайиб. — Мишани чақиряпман. Шу ердами? Узелингларни кириб кўрсак майлим? Мен кўрганман-ку, бу кўрмаган. Бу менинг аммамнинг ўғли... Дадамнинг синглиси — унинг ойиси бўлади.

— У ҳам радиствми?

— Йўқ, у радиствмас. Кўрамиз холос, ҳеч нарсага тегмаймиз. Чин пионерлик сўзимиз!

— Тегмайсизларми? — деди қўзини қисиб Федор Павлович. — Михайло! — деб чақирди у, — ўртоқларинг келишди.

Миша зинапояга чиқиб, уларни уйга бошлади. У Федор Павловичга тақлид қилиб, вазмин ҳаракат қилишга, ўзини ўлуғвор тутиб, щошмасдан гапиришга тиришар, аммо удилай олмаётгани билиниб турарди.

— Мана қаранглар, — деди у: — бу қабул қилиш жиҳозлири, мана бу усильтель. Антенна орқали қабул қилинган радиотўлқинлар шу ерга келади, улар бу ерда кучайиб, кесинни... Нюра, қўлингни ол!.. радиоточкаларга тарқалади. Биз оқни ўзимизнинг колхоз электростанциямиздан оламиз...

Хонага оч кул рангга бўялган шкаф ва шкафчалар қўлинигани. Уларда жуда ҳам кўп даста ва тутмалар бор. Косинини ҳам Нюрага ўхшаб ўша даста ва тутмаларни ушлаб ўртишни келди-ю, лекин у ўзини тийди. Мишанинг ёлғиз ўзи



булса ҳам бошқа гап эди, лекин анави ерда Федор Павлович ўтирибди. У чап сёғини бир ёнга узатиб юборганича ҳамма ёғидан ҳар хил рангдаги калта-култа симлар чиқиб ётгани алланимани отвертка билан титкиларди. Унинг олдида столда турган репродуктор қутичасидан секин-секин шивирлаган ҳар хил овозлар эшитилар, музика финифларди.

— Авваллари фақат Москва билан Киев программалирини олиб эшитирилардик. Энди бўлса студияни ускуналаб олганмиз, ўзимиз докладларни ҳам, ҳаваскорлар концертини ҳам — ҳамма нарсани эшитирилар оламиз. Раис ҳам, бригадирлар ҳам тўғридан-тўғри радио орқали топшириқ бера олишади. Йилгари сал нарса бўлса уйма-уй чоп-чоп эди. Хозир бўлса микрофонни олинади-ку, гапирилаверади: „Яков Лукич, баҳорикор ерлардаги ишлар қалай? Тезлаштилинг, тезлаштилинг, ҳа! Нима? Ўрим машинаси синиб қолди? Хозир... Темирчиликми? Кузьма Степанович! Ғизиллаб бориб, Лукичнинг ўрим машинасини бир кўринг, нима бўлди экан...“ Қойилми?

— Қойил! — деб қўшилишди Костя. — Сен бу ерда нима иш қиласан?

— Навбатчилик қиласан. Федор Павловичга ёрдамлана ман. Бирон нарсани тўғрилаш керак бўлиб қолса, тўгрилан ман. Ҳаммасини биламан!

— Кўп мақтанима, Михайло! — деди бошини кўтармай Федор Павлович.

— Хўп бўлади, Федор Павлович!.. Сен бу ерда қанча турасан? Кам тураркансан... Бўлмаса ўргатиб қўярдим. Бизда радио тўгараги бор, ўн бешта бола қатнашади. Ҳар нарсаларни ўрганишади-да, энг яхши билганлар-чи...

— Михайло... — деб огоҳлантирган товуш келди яна стол томондан.

— Хўп бўлади, Федор Павлович... Шундай қилиб, энг яхши билганлар радиоузелда навбатчилик қиласди. Шунақалардан бунда тўрт кишимиз. Галма-галдан мана шундай навбатчилик қиласми. Сен тўгаракка қатнашасанми?

— Йўқ. Бизнида приёмник бор. „Рекорд“.

— Ва-а. „Рекорд“ми! Ўша ҳам приёмник бўлибдими... „Радиотехника“ бўлса бошқа гап эди!.. Радиостанцияга борганимисан?

— Радиостанцияга киритадимики?

— Ёлғиз киритишмайди, экскурсия қилиб борсанглар киртишади. Тўғрими, Федор Павлович? Оҳ, мен сенинг ўрнингда бўлганимдами!.. — Унинг юзи ва тиниб-тинчимаган гавдасида шундай бир кескин ҳаяжон акс этдики, агарда у Костянинг ўринида бўлганида қанчадан-қанча ишларни қилиб юборган бўлиши ҳеч қандай изоҳсиз ҳам аён бўлиб қолди.

— Киевдан берилаётган эшиттириш тамом бўлди, Москвадан ол, — деди Федор Павлович.

— Хўп бўлади!

Миша биринчи темир шкафнинг тахтаси олдига югуриб борди-да, қандайдир ласталарни бошқа ўринга туташтириб, четлари кунгирадор кичкина-кичкина қора дискачаларни айлантириди. Столдаги репродуктордан қулоқни кар қилгундай йўғон овоз эштилди, кейин қалқиб кетгандай пасайди-да, унинг ўринига оркестр овози янгради, оркестр тақа-туқлаб ва гумбурлаб тез-тез ёғоч арралаганларини ифода қиласди.

— Америка джази, — деб қулди Миша уларга ўгирилиб. Аппа товуши аста тиниб, Москва дикторининг вазмин товуши эшитилди.

— Кетдик, — деди Нюра.

Костяга бу ер ёқиб қолган эди, шунинг учун ҳам унинг ҳамма ричаг, дастача ва лампочкаларнинг нима иш бажаришини билиб олмасдан кетгиси келмасди, аммо ҳамма ёғидан калта-калта симлар чиқиб ётган нарсани ковлаштираётган йндамас Федор Павловичдан тортиндиги. Нюра ва Костя у билан хайрлашди. Миша уларни кўчага кузатиб чиқди.

— Келиб тургин, — деди у Костяга. — Ҳаммасини ўргатиб қўяман! Хоҳлайсанми? Физикадан қанақасан?. Ундаи бўлса, жуда ҳам ўнфай... Хаш-паш дегунча ўргатиб қўяман!

— Мақтанма, Михайло! — деди Нюра овозини Федор Павловичнинг овозига ўхшатиб ва пиқирлаб кулиб юборди.

— Ҳеч ҳам мақтанаётганим йўқ, шунчаки... Ўзинг қилиб кўр-чи! Федор Павловичдан-чи, Костя, қўрқма, у яхши киши...

— Ҳа, мақтанчоқларни ёмон кўради! — деб гап қистирди Нюра, бироқ Миша унга ўгирилиб ҳам қарамади.

— Кўрдингми, унинг чап оёғи протез. Ўзи ясаб олган. Ҳар қандай фабриқада ясалганидан ҳам яхши. Биласанми унинг орденлари қанча!.. Қаёққа кетяпсизлар? Тимканинг олдигами? Тарвуз билан шолғомларини кўрганими?..

Улар Тимофейни мактабнинг икки қаватли гиштин биноси орқасидаги каттакон салқин боғдан топишиди. Тимофей шошмасдан у дарахт олдидан-бу дарахт олдига борар, сеқингина новдаларини эгиб, худди тук билан қопланганга ўхшаш майда, думалоқ меваларини кўздан кечирарди.

— Салом, Тимка! — деб қичқирди Нюра. — Биз келдик! Салом!..

— Салом!.. — деб жилмайди Тимофей, кейин шу заҳотиёқ юзи жиддий тус олди. — Лекин дарахтларга осилманглар, ҳеч нарсани узиб ҳам олманглар!

— Зор эканмизми! — деди жаҳли чиқиб Нюра.

— Зор бўлсанглар, бўлмасанглар — айтиб қўянимаш-да.  
Бўлмаса кейин қадам бостирумайман.

— Тарвузларинг қаёқда? — деб сўради Костя.

— Мен фақат тарвуз билан эмас, нок билан ҳам шугулланаман. Нок бўйича уч йилликни мўлжаллаганман.

— Қанақа уч йилликни?

— Уч йиллик план-да. Биласанми? Уруш пайтида боғларни қанақа парвариш қилишган дейсан? Ҳеч қанақа парвариш қилишолмаган. Немислар қанчадан-қанча боғларимизни кесиб юборишган? Кейин қишилар, биласанми қанақа келган! Дараҳтларгина эмас, одамлар ҳам музлаб қолишган! Нок бўлса нозик, иссиқ талаб дараҳт. Шундай қилиб ҳар хил нашвати-ю, тошнокларни совуқ уриб кетди. Қайта ўстириш керакми? Керак. Яна ўшанақа нашвати, тошнокларданми? Қишиларни тағин совуқ уради кетади. Қишлоқларда, колхозларда, колхозчиларникида шу ерда этиширилган баъзи навларини совуқ урмай қолган, чидаш берди. Демак, ўшаларни излаб топиш, кўпайтириб ёйиш керак...

— Нима, ҳали бутун Украинани кезиб чиқмоқчимисан?

— Нега энди? Мен якканидим? Менга ўхшаган ёш мичуринчилар биласанми қанча? Вой-бу! Мана, хатларини кўрсатаман — деярли ҳамма областларда танишларим бор. Хаторқали танишган танишлар-да. Бир-биримизга уруғлар юборишамиз, тажриба алмашамиз... Юргин, кўрсатаман. Биттаси Кировограддан уруг юборган, ўшандан кўкариб чиққан дараҳт ҳозир мана бундоқ бўлиб қолди...

Тимофеј Костяга аллақанча кўчкатларни кўрсатиб, уларнинг навларини, уруғи қаердан юборилганлигини, ўзи уларни қандай кўкартириб, парвариш қилаётганини гапириб берди. Аммо бу Костяни ҳеч бир қизиқтирмасди: унинг фикрича ҳамма дараҳтлар бир хил бўлиб, фарқи биттаси катта-ю биттаси кичкиналигида эди, холос. Шунга қарамай, у қулоқ солиб туриб Тимофејга ҳайрон қолди. Ҳозир Тимофеј дарё лабидаги Тимофејга сира ўхшамасди. У ҳозир ҳам ўша-ӯша оғир карвонлигича-ху, лекин энди уни уйқувчи деб ҳам,



ялқов деб ҳам бўлмасди. Тимофей ўз ишини пухта билган кишилардай кўчатлар орасида салмоқ билан қадам ташлар, ишонч билан, вазмин гапирав, сал бўлса-да гапидан адашмасди.

— Шошма! — деди Тимофей, бирдан алланима эсига келиб — Нюра қаёқда қолли? Кўради ҳозир кўрадиганини!..

Бироқ Нюра дарахтларнинг учичими, улар устида сузуб юрган садафдай оппоқ булатларними диққат билан томоша қилиб, аллақачон улар томон келарди.

— Қаердайдинг? — деб сўради шубҳаланиб Тимофей.

— Айланиб юрган эдим, — деб елкасини қисиб қўйди Нюра. — Айланиб юргани ҳам қўймайсанми энди? Юр, Костя, кетамиз!

- Йўқ, тўхта?! Тилингни кўрсат!
- Мана энди! Нега тилимни кўрсатар эканман?
- Кўрсат! Қани?
- Мана! — деди Нюра, олча сувидан қизариб кетгани тилини кўрсатиб. — Икки дона олчангни еганимга алам қилиб кетдими? Бекорга қанчасини чумчуқ чўқиб ташлабди-ку...
- У чумчуқ. Сен чумчуқ эмассан-ку, пионерсан.
- Сен-чи — қизғончиқсан!
- Нима гап ўзи, болалар? — деган жарангдор овоз эшилди. Ёнгинаридаги йўлкада гулдор кўйлакли бир аёл кулимсираган қўй кўзларини уларга тикиб туарди.
- Ўзи айтсин, — деб тўнғиллади Тимофей.
- Айтавераман, — деди Нюра бир оз шахтидан тушиб. — Елена Ивановна, жуда ҳам мазасини кўргим келиб қолди... Кейин фақат икки донагинасини узиб олдим. Шунга Тимка дарров бақирияпти. Чумчуқлар қанчасини чўқиб ташлабди-ку, у бўлса икки донагинасини қизғанади.
- У қизғанмайди, албатта. Пишмасдан олдин узиш мумкин эмас-да. Бундан кейин бунаقا қилмайсан, тўғрими? Жуда соз. — Елена Ивановна Костяга ўгирилди: — Сен кимсан?
- Костяман.
- Сен ҳам ёш мичуринчимисан?
- Й-йўқ.
- Бўлмаса кимсан? Ёш табиатшуносмисан? Ёш техникми?
- Йўқ. Ўзим, шундай...
- Ҳа-а... — деб кулди-да, Елена Ивановна Тимофеяга ўгирилди.

Улар бир оз сарғайиб қолган ранет олма ниҳоли устига эгилиб, уни нима қилиш кераклигини маслаҳатлаша бошлишиди. Елена Ивановна унинг ўрнига бошқа кўчат экиш керак деб таклиф қилди, Тимофей эса ўжарлик қилиб, уни олиб ташлани керак эмас, мен ўзим парвариш қиласман, қараб туринг, бу ҳали шунақсанги олма бўладики, деб туриб олди.

— Жуда соз, — деди Елена Ивановна, сенинг зимманига юклаймиз.

— Хўп. — деб хотиржамлик ва ишонч билан рози бўлди Тимофей.

Елена Ивановна яна қулимсираб:

— Хайр, болалар! Хайр, ўзим шундай — Костя! — дедида, нари кетди.

— Юр, — деди Тимофей, — энди тарвузларимни кўрсатман.

— Бормайман! Уйга кетаман! — деб жавоб берди Костя, кўккисдан жаҳли чиқиб.

— Майли, бошқа сафар айланармиз.

— Бошқа сафар ҳам бормайман. Ранет билан тарвузларингиз зарурмиди менга!..

У шартта бурилди-да, йўлка билан эмас, тўппа-тўғри боғни кесиб жўнаб қолди. Ниора унинг кетидан чопди. Тимофей улар кетидан ҳайрон бўлиб қараб турди-да, кейин яна сарғайиб қолган кўчати устига энгашди.

Костя аламини нимадан олишини билмай, кўчанинг билқиллаб ётган иссиқ тупроғини оёғи билан титкилаб борар, лекин итга қараб отишга биронта тош ҳам топилмасди. Ниора орқасидан келар, лекин у ҳам индамасди. Фақат қишлоқ орқада қолиб кетганидагина, Костя Қичқириқ жарнинг ўмарилган жойи ёнида бир уюм кесак ётганини кўрди ва жаҳл билан жарликка улоқтира бошлади. Секин-аста ҳовуридан тушди, аммо табиати хира бўлганича қолди.

— Нима қилай! — деб тўнғиллади у, охирги кесакни итқита туриб. — Гапини қаранг-у!..

— Нима бўлди, Костя? А? — деб сўради ҳайрон бўлиб Ниора. — Кимдан жаҳлинг чиқди? Тимкаданми, а?

— Ҳеч кимдан!. . . Юр уйга.

Улар жарликка чопиб тушишди, кейин ўтлоққа чиқишиди. Яна оёқлари тагида чигирткалар сакрашиб, бошлари тепасида гала-гала чивинлар ғувиллаб уча бошлади, лекин хушчақчақ кайфиятлари қайтиб келмади. Чигирткалар ҳам, чивинлар ҳам Костянинг жигига тегар, иложи бўлса ҳозир хамма қурбақаларни вақирламайдиган қилиб тепкилаб ташларди.

— Нега энди мен биронта тўгаракнинг аъзоси бўлишим керак экан? — деди у бирдан Нюрага ўгирилиб. — Хоҳласам — аъзо бўламан, хоҳламасам — йўқ!

— Ахир мен сенга бир нарса дедимми? — деди тушуна олмай Нюра.

Лекин Костя унга қулоқ солмади.

Рост-да, нега энди у албатта мичуринчи бўлиши керак? У мичуринчи эмас, денгизчи бўлмоқчи!

— Сени ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ-ку.

— Бўлмаса нега кулади у?

— Ким?

— Э, анави... ўқитувчинглар-да.

— У ҳам ўқитувчимиз, ҳам бош пионервожатиймиз бўлади.

— Бўлса бўлар! Миша билар! Тимка-чи... Нимага ҳадеб керилаверишади?

— Ахир, улар ҳеч нарса дейишмади-ку!

— Ҳа, гапиришмади-ку, лекин ҳадеб биз биламиз, сен билмайсан дегандай керилишаверади... Гапни қаранг-у! Мен улардан кўп нарсанӣ биламан ҳам, қила оламан ҳам...

Костя ҳақиқатда кўп нарсаларни билар ва қила олар, бу билан ўзича фаҳрланарди ҳам. Ў ҳамма машҳур киноактёрларни билар, деярли ҳамма спорт мастерларини номманим айтиб бера олар, кўпларини кўрса танирди ҳам; Киев „Динамо“сининг футбалистларини юришларидан, орқадан таний оларди; чап ёнбошдаги ўйинчи нима учун „бўшанглик“ қилгани ва команда капитани рақибини қандай чалритинини ҳеч ким унчалик анголламасди; у ҳоҳ совет машинаси бўлсин, ҳоҳ чет эл машинаси бўлсин — ҳамма автомашиналарнинг маркаларини ёд биларди; у ўз қўли билан аквариум ясаган, ичидаги балиқлар ўлиб қолган бўлса, у йибдор эмас — айб хлорланган водопровод сувида; бир маҳаллар у марка йиққанида, шунақанги маркалари бор эдик, ҳатто тўққизинчи синфдагилар ҳам алмаштиришга келишарди.

Бешинчи „Б“ синфида ҳеч ким кроль стилида су-

зишда Костяга етолмасди; сувга калла ташлашда эса фақат ўртоғи Федоргина ундан яхши ташларди.

Албатта Костя шунча күп нарсани билар ва қила олардикі, Мишка ва Тимкага ўхшаганларнинг ҳаммасини бирга қўшиб ҳисоблагандა ҳам ўшанча нарсани билишмасди, лекин нима учундир Костянинг кўнгли ҳеч ўрнига тушмади. Охири у нима учунлигини топиб олди: ўйлаб кўрса, Миша билан Тимка катталар қиласидиган ишни қилишар экан, Костя эса ундаи әмас. Албатта худди катталарга ўхшаб әмас-ку, лекин улар қиласидиган иш катталарнинг иши билан бир-да...

— Уларни шунга мажбур қилишади-да! — деб юборди у овозини чиқарис.

— Кимни, Тимка билан Лўлиними? — деди Нюра, дарров тушуниб. — Мажбур қилиб кўр-чи! Уларни ҳеч ким мажбур қиласидиган йўқ: ўзлари қизиқишиди, шунинг учун ёрдам беришияни... Нега жаҳлинг чиқяпти? Ахир, сени ҳеч ким мажбур қиласидиган йўқ-ку.

Йўқ, албатта, ҳеч ким мажбур қиласидиган йўқ... Унга кўп марта ҳали у, ҳали бу тўғаракка киришни таклиф қилишган, аммо Костя тўғаракка киришни истамасди, чунки у тўғарэз ҳам дарсга ўхшаган нарса-да: унинг ҳам жадвали, уйға вазифаси бўлади, деб ўйларди. Оқибатда шундай бўлдики, деярли ҳамма болалар бирор иш билан шуғулланади-ю, Костя эса бекор саланглаб юради. У ҳайвонот боғида улар тенги бир боланинг айиқ боласини боқасидиганни кўрди, ёш табиатшунос бўлса керак-да. Сергей Кузнецов бўлса, ёш техниклар уйига қатнаб, буг машина ясаяпти. Йигирма бешинчи мактабда ёш тарихчилар жамияти бор, улар ҳар йили ёзда бирор ёққа экспедицияга боришади. Костя ҳам экспедицияга бориш учун шу жамиятга кирмоқчи бўлди, лекин бунинг учун тарихдан бирор нарса ёзиш керак экан, Костянинг эса ёзгиси келмади.

Биронта бола бирор янги иш билан шуғулланадиганни эшишиб қолса, Костя ҳам ўшанга қизиқиб кетар, лекин оралан сал фурсат ўтмай, ундан кўнгли совур эди-да, бошқа бир янги ишга қизиқиб кетарди, бироқ, ҳадемай бунисини

ҳам ҳеч бир кўнгли ачимай ташлаб кетарди. Уни ҳамма шарса қизиқтиар, аммо бу қизиқиши узоққа бормай, изсиз йўқоларди. „Бунга менинг лаёқатим йўқ“ — дерди у ўзига ўзи ва шу билан кўнгли тинчирди.

Унинг нимага лаёқати бор ўзи? „Лаёқат“ деганинг ўзи нима? Қанақа бўлади у?

Костя кечгача дарё бўйида қовоғини солиб ётди ва Нюра гапирса қўлини силкитиб, ўзининг нимага лаёқати борлигиши ўйлади. Охири тополмай, бориб овқатини еб, ётиб ухлашга мажбур бўлди.

Эрталаб эса муздай, тиниқ сув, кўзни қамаштирувчи офтоб кўнгил ғашлигини ювиб кетди. Костя яна ўз аслига қайтди: офтобда ётди, чўмилди, ҳатто тик ёнбағрикдаги қалдирғоч уясига ҳам чиқмоқчи бўлиб кўрди, лекин бекорга тиззасини шилиб олгани қолди. Кейин Миша билан Тимофеј келишди ва улар дарёнинг саёз қумлоқ ерида сол ясаша бошлишди. Сувда бўкиб шишган тўнкалар, парчапурча ёғоч синиқлари ўзи сувда чўкмайди-ю, аммо улардан биронтасини ҳам одам кўтара олмай, жасур денгизчилар билан бирга чўкади.

Кунлар ўтиб борарди. Костя болалар билан қайиқда сайр қиласар, баъзан шу яқин ўртада якка ўзи айланиб келарди. У энди яхши эшкак эша оларди, бир куни кафтидаги юмшоқ мускуллари ўрнида майда-майда, қаттиқ қадоқлар пайдо бўлганини кўриб ўзи ҳайрон қолди. У гоҳ-гоҳ Нюра шинг ойнасига қараб, пўст ташлаган бурни, қовжираб ётган бултурги хащакка ўхшаш қошини кўрар ва хаёлида Федор яхшироқ қораярмикин, менми деб олдиндан ўйлаб қўйорди.

Улар тўртталаси шундай дўстлашиб қолишган эдик, Костя нима қилса ҳам бир кунмас-бир кун бу янги ўртоқларидан билан ажрашиш кераклигини ўйласа, хафа бўлиб кетарди. Тўртталаси ҳам Киевда яшашганида қандай яхши бўларди-я! Агар буларга ишончли, жасур дўсти Федор ҳам куншилса, шунақсанги компания бўлишардики, бундан яхшигина ҳеч қаердан топа олмасдингиз.

Ҳамма ишлар яхши әди-ку, лекин батыр-батызда Миша ўйин энг қизиб турган вақтида радиоузелда навбатчилик қилгани, Тимофей ўз күчтегирига қарагани кетиб қоларди, ҳали мен овқат қилишим, уйни йиғиштиришим, умуман рўзгор ишларига қарашим керак деб Нюра ҳам жўнарди. Костя ёлғиз қоларди-да, феъли айнаб кетарди. Ҳамманинг ўзиға яраша иши бор, ҳамма нима биландир банд, ёлғиз Костягина бекор лақиллаб юради, фақат чўмилади-ю, офтобда ётади: У яна ўзининг „Ўзим шундай... Костя“ эканига ва шу маҳалгача нимага лаёқати борлигини тополмагани учун ноқулай аҳволга тушди, чунки унинг денгизчи бўлишига ҳали анча вақт бор әди, ҳозир бўлса нима қиласини ўзи билмасди.

### МАХСУС ТОПШИРИҚ

Болалар Костяга боргин деб шунча тайинлашса ҳам, у анчагача кўнмади, чунки ҳамма иш билан банд бўлган пайтда, у ўз ҳолица юрганинидан ноқулай ҳолга тушиб қолганини ҳали ҳам эсида әди. Бу нарса секин-аста унинг ёдидан кўтарила бошлади ва охири бир куни Костя кечга яқин Нюра билан унинг бувисиникига боришга кўнди. Лекин улар тўғри бувисиникига боришолмади.

Нюра билан Костя қишлоққа киришлари биланоқ, ёнларидан малла ранг бола ўқдай учиб ўтди. У анча нарига борганидан кейин бирдан тўхтаб орқасига ўгирилди-да, жонжаҳди билан уларга қўл силкиб:

— Намунча судраласизлар? Тезроқ юринглар! — деб қичқирди-да, яна чопиб кетди.

— Нима бўпти? — деб сўради Костя.

— Билмадим. У-чи, Сенка Журило. Бир нарса бўлдимикин, нимайкин? Чопамизми-а?

— Бўпти.

Иккаловлари кўчани чангитиб, товуқларни қақолатиб қувиб, чопа кетишди. Уларни ўйдан чиқиб қолган Мишагина тўхтатди:

— Тўхтанглар! Ҳали вақтли...  
— Нимага вақтли?  
— Мактабга боришга вақтли. Ўша ёққа кетяпсизларми ахир?

— Ўзимиз ҳам билмаймиз. Сенка „тезроқ“ деб қичқириган эди, шунга чопиб келяпмиз.

— Оббо сизлар-эй! Ҳеч нарсадан хабарларинг йўғ-у, чопиб юрибсизларми? — деди Миша мазақ қилиб кулиб. — Ўйингларга радио қуриб бермасам бўлмас экан-да.

— Михайло мақтанима!.. — деди Нюра, овозини Федор Павловичнинг овозига ўхшатиб.

— Мақтанаётганим йўқ, радио эшишиб туриш ҳам керак-да. Мен ўзим радиодан эълон қилдим.

— Нима?

Миша тўхтаб, юзига жиддий тус берди-да, Нюра билан Костядан бир оз ён томонроққа қараганича, тантанали ра-вишда сал қироат билан эълон қила бошлади:

— „Дикқат, дикқат! Қишлоқ радиоузелидан гапирамиз. Саша Чекалин номли отряд пионерлари маҳсус топшириқни бажариш учун бугун соат ўн саккиз-у ноън-нолда мактабга йиғилишлари керак“. Ана! Тушундингларми?

— Йўқ, тушунмадик, — деди Костя. — Қанақа топшириқ?

— Вой муғомбир-эй! Ким маҳсус топшириқни бирорларга айтиб юради? Ахир, бу ҳарбий сирдай гап-ку!

Ўсал бўлган Костя жим бўлиб қолди. Нюра унинг ёнига тушди:

— Вой Мишка-ей, тағин кериляпсанми! Ўзинг ҳам ҳеч балони билмасанг керак, ахир сен ҳам ўша ёққа... Билмайсан-ку, а?

— Биламиزم, билмаймизми — бу бизнинг ишимиз, — деди маънодор қилиб Миша, лекин бошқа тортишиб ўтирмади.

Улар мактабга соат олтидан анча илгари келишган бўлса ҳам, у ерда аллақачон кўпгина бола йиғилган эди. Миша ўша заҳотиёқ қаёққадир йўқолди, Нюра „бирпасга“ ўртоқларнинг олдига кетиб, қайтиб келмади, Костя ёлғиз қолди. Нотаниш болалар ва қўзлар Костяга қизиқишиб яши-

ринча қарашар, лекин у қайрилиб қарashi билан, Костя уларни ҳеч бир қизиқтирмаётгандай, тескари ўгирилиб олишарди. Мана шунақа қарашаверганидан у ўзини жуда ноқулай ҳис этди, назарида орқа кифти тахта бўлиб қотиб кетгандай, оёқ-қўллари ўзиники эмасдай туюлди, шунинг учун ҳам у Тимофей келганида шунчалик хурсанд бўлиб унинг қаршисига югурдикни, кўрган одам, улар кечагина эмас, бир неча йил аввал кўришган эканлар-да, дерди.

Тимофейнинг кетидан беш ёшлардаги семиз бир бола—яна битта кичкинтой Тимофей, теварагига аланглаб қараб, каловланиб келарди. Унинг калта шимини кўйлагининг устидан икки елкаси оша ўтказилган ингичка латта тасмаси ушлаб турар, тасманинг учи катта садаф тугмага тақилган эди. Тасмаси шимини ушлаб туришига ишонмайми, ё ажойиб тугмасини йўқотиб қўйишдан қўрқибми, бола уни икки қўллаб ушлаб келарди.

— Укангми? — деб сўради Костя.

— Ҳа. Бошимни қотириб илашди-олди-да! Эшитяпсанми, вей хира! Кейинда қолиб кетмасдан бирга юргин, бўлмаса ҳозир уйга ҳайдаб юбораман!

Бола ўшомасдан уларга яқинлашиб келди-да, кўзларини бақрайтириб Костяга тикила бошлади.

— Отинг нима? — деб сўради Костя.

Бола ҳамон унга тикилганича узоқ жим турди, кейин луйжини шишириб, кўзларини чақчайтириди-да:

— Горка... — деди зўрга.

Нюра чопиб келиб, унга ёпиша кетди:

— Салом, Горка-Егорка! Сен нимага келдинг? Пионер бўлмоқчимисан? А?

Егорка қитиғи келганидан қиқирлаб кулиб, шартта отишга тушди.

— Ҳа! Қўйвор! Қитиқлама...

— Отряд, сафлан! — деб команда берди ёнгига қизил белги тақсан, пешонаси кенг, ўрта бўйли бора.

Нюра билан Тимофей чопиб кетишли, Костя билан Егорка ёлғиз қолишли. Отряд қумлоқ йўлкада сафланди.

— Смир-ро!..

Мактабдан Елена Ивановна билан бир-бирига яқин ўрнашган кўзлари қошлирининг остига яширган, узун бўйли, қотма киши чиқиб, болаларга қараб юрди. Шопдай мўйлови уни қартайтириб кўрсатар, аммо ўзи ёш эди. У болаларга берилган командани эшитиши билан қоматини ростлаб, ҳарбийчасига шахдам қадам ташлаб кела бошлади. Кенг пешонали бола улар томонга бир неча қадам юриб, қўлини салютга кўтарди:

— Саша Чекалин номли отряд тўла составда сафланди! Номаълум сабаб билан уч киши келмади! Рапорт топширилди!

— Рапорт қабул қилинди! — деб жавоб салютини берди Елена Ивановна. — Бўл тайёр!

— Доим тайёр! — дея гуриллади саф.

— Вольно! — дея команда берди Елена Ивановна паст товуш билан. — Ўз вақтида йифилганингиз жуда яхши бўлди. Колхоз биздан ёрдам сўраб мурожаат қилибди. Бу — биз учун шарафли вазифа, бизнинг бурчимиз! Биз ҳам, албатта уларнинг илтимосини қайтармаймиз, тўғрими?

— Доим тайёrmиз! Албатта! Тушунарли! — деб қичқиришди сафдагилар.

— Ҳозир бригадир Иван Кузьмич сизларга бу илтимос нимадан иборат эканлигини айтиб бералилар.

Иван Кузьмич офтобда оқариб кетган гимнастёркасини тортиб қўйиб, сафга кўз югуртириди:

— Гап бундай, болалар... Ўзинглар биласизлар, ҳозир иш жуда қизғин вақт, ҳар бир киши ҳисобда, шунинг учун даладаги ишдан ҳеч кимни ололмаймиз. Чўчқалар билан бошқа жониворлар эса, — у мўйлови остидан кулимсираб қўйди, — мазали нарса қидириб ҳар теникка тумшуқларини суқиб юришибди. Колхозчи ўртоқлар, четан деворининг тешилиб қолган жойларини тузатиб қўйиш керак эди, деб хафа бўлишяпти. Албатта, хафа бўлишгани тўғри: тузатиб қўйиш керак. Бундан ташқари, қўранинг деворини ҳам тузатиш зарур. Бунинг учун нима керак? Энг зарур нарса,

асосан, новда. Эски ўзанда, оролда новда тўлиб ётибди, одам юборайлик десак, ҳеч ким йўқ, чунки бу икки-уч кишини куни бўйи овора қиласди. Новда қирқиш — оғир иш эмас, сизларнинг қўлинглардан келади. Колхозга ташиб келиш томонини эса, биз ўзимиз таъмин қиласми. Мана шунаقا гап. Тушунарлими?

Сафдагилар шодлик билан қичқиришиб жавоб қайта-риши:

— Тушунарли! Ура! Оролга борамиз! Ҳозир бўлса ҳам кетаверамиз!

Костянинг сафда турганларга жуда ҳаваси келиб кетди.

Кенг пешонали бола қовоғини солиб:

— Жим! — деб команда берди.

— Демак, гап шундай болалар, — деди Елена Ивановна, сафдагилар тинчланишгандан кейин: — Эртага соат ўн иккода шу ерга йифиламиз. Отряд совети қолсин, ким нима қилишини белгилаб чиқамиз. Саволларингиз борми?

— Елена Ивановна! — дея Нюранинг овози жаранглади. — Бизнинг Костя ҳам бирга борса майлими? Бизнинг отряддан бўлмаса ҳам, пионер-ку.

Елена Ивановна ўгирилиб қараб, Костяни таниди-да, жилмайиб унга бош ирритди:

— Албатта, мумкин! Ким хоҳласа бориши мумкин.

Костя севинганидан терисига сифмай кетди. Яша, Нюрка! Елена Ивановналари ҳам, ҳар ҳолда, чакки эмасга ўхшайди... Ёнида турган Егорка қовоқ-лунжини осилтириб, пишиллай бошлади.

— Ҳа, нима бўлди? — деб унга энгашди Костя, лекин Егорка кўзларини чақчайтириб қаради-ку, индамади:

Саф тарқалиб, Миша билан Тимофей Костянинг олдига келишиди, Елена Ивановна билан ниманидир гаплашиб олиб, бир неча дақиқадан кейин Нюра ҳам югуриб етиб келди. Костя билан Нюра бувисиникига боришиди, кейин уйга кетишиди.

Нюра Елена Ивановнадан қишлоққа келмасликка жавоб олди, чунки барибир отряд оролга бориш учун аввал бақенчининг кичик уйи ёнига келиши керак эди.

Нюра эрталаб овқат пишириди, Костя бўлса бўш эди. У ўтлоқда тентираб юриб, чигиртка ва ниначи тутди: энг яхшиларини мактабига коллекция учун топширади, қолганларини ҳар қанақа қўнғизчаларни яхши кўрадиган Лелькага сонга қиласди.

Костя узоқдан Қичқириқ жарнинг нариги ёнбағрида кичкиниагина гавда пайдо бўлганини, кейин сирғаниб, ғизиллаганича пастига тушиб кетганини кўрди. У анча вақтгача ҳалиги гавданинг жардан чиқиб келишини кутиб турди, аммо ҳеч ким кўринмади — ким уларникига шунчалик эрта келиши мумкин экан? Кейин Костя чопиб бориб, жар ёқасидан пастига қаради.

Чуқурликда Егорка типирчилаб юрарди. Сув ювиб, ўпирлиб кетган қирғоқ жар остигача поғона-поғона бўлиб тушинб борарди. Ҳар бир поғона Егорканинг бўйидай келар, у поғонадан бу поғонага чиқиш учун Егорка катта-катта кесакларни бир ерга уйиб устига чиқар, юқори поғонага қорин билан ётиб, оёғи билан тирмашарди, чиқиб олгач эса ташватдагисига чиқиш учун, яна катта-катта кесакларни бир ерга йиға бошларди. У терга ботиб, ҳамма ёғи тупроқ бўлиб кетганига қарамай, ҳамон юқорига қараб тирмашарди.

Йўл бўлсин, Егорка? Кел, мен ёрдамлашиб юборай! — деб қичқирди Костя.

Егорка бошини кўтарди-да, ҳаллослаб нафас олганича Костяга қаради, бироқ анчагача жавоб бермай турди.

Ўзим чиқаман! — деди у охири ва яна ишга киришди.

Костя ерга ётиб, бошини осилтириб қараганича, уни кузата бошлиди.

Егорка чарчади, оёғи остидаги палахса-палахса кесаклар тумаланиб, уқаланиб кетар, яна бошқа олиб келиш керак бўларди. Бу қийналгани етмагандай, ялтироқ садаф тугмаси ташнишиб пастига қараб думалади. Ушлаб турадиган биттаю битта тиргагидан маҳрум бўлган калта шими тушиб кетди.

— Эй полвон! Иштонингни кўтар! — деб хохолаб кулди Костя.

Егорка индамади. Шимиининг тасмасини маҳкам чангалиб олию, тугмасини олгани пастига тушиб кетди. Чўнтағи

бўлмагани учун тугмани қўядиган жой йўқ, қўлида ушлаб олса халақит беради. Егорка бир оз ўйлаб турди-да, тугмани луңжига тиқиб, яна тепага қараб тирмаша бошлади.

Бушақада кечгача ҳам чиқа олмайсан. Шошмай тур,— деди Костя.

У настга югуриб тушди-да, Егоркани у погонадан бу ногонага кўтариб олиб қўя бошлади.

Юқорига чиқишгач, Егорка лунжидағи тугмани олди-да:

— Тугма бўлмагандада ўзим ҳам чиқардим... Нима бўлибди! — деди.

— Қаёққа кетяпсан ўзи?

Егорка қисқа қилиб:

— Ишим бор,— деди-да, бакенчиникига қараб жўнади.

Нюра уни кўриб, чапак чалиб юборди.

— Горка-Егорка! Нимага келдинг? Вой-бу, роса тупроққа беланибсан-ку! Тугманг қани?

— Мана,— деди Егорка тушиб кетаётган шимини бир қўли билан ушлаганича кафтини очиб.

— Қани еч дарров!—деб буюорди Нюра. — Бориб ювииб кел, мен унгача чатиб қўяман.

Костядан кўра Нюрага кўпроқ ишонганидан Егорка индамай ечинди-да, ювингани кетди. Нюра шимининг чангини қоқиб ташлаб, тугмасини чатиб қўйди.

— Бу бизга эркалигини қилади. Ҳали Тимка кўрса роса адабини беради!.. Нима қилиб юрибсан, биз билан бирга бормоқчимисан? — деб сўради Нюра.

— Ҳа,— деб жавоб берди Егорка қайрилиб қарамай.

— Сен кичкинасан, олиб боришмайди.

— Барибир боравераман! — деди Егорка ўжарлик қилиб ва лаб-луңжини осилтирди.

— Хўп, майли, лаб-луңжинг осилмай қўя қолсин! Юр, овқатланиб олайлик, салдан кейин кетишимиз керак.

Егорка ҳеч нима демай унинг кетидан борди-да, Нюра олдига нима қўйган бўлса ҳаммасини еди. У атрофидаги нарсаларни диққат билан шошмасдан кўздан кечирап ва гапга қулоқ солар, лекин айни вақтда мияси тўхтовсиз ишлар-

ди. У диққатини тортган нарсани тушуниб, тагига стиб олиш учун гүёө хаёлига келган фикрни чўчитиб юборинидаң қўрққандай, баъзан ҳатто овқат чайнашини ҳам тўхтатиб, нафасини ичига ютиб ўйларди. Агар шундай пайтда бирор нарсани сўраб қолсангиз, у тушуна олмай кўзларини чақчайтириб:

— Кимни? — деб қайта сўрарди.

Костя билан Нюрма кулишарди. Уларнинг иккалови ҳам Егоркани яхши кўрадилар. уни Ефим Кондратьевич ҳам яхши кўради.

— Егорка ақлли бола, — дерди у кулиб.

Қичқириқ жар бўйида горн овози янграб, барабан тарақлагани эшитилди. Нюра билан Костя отряд қаршисига югуришди.

Отряднинг олдида кенг пешонали бола келарди. Олдинга чўзилган қўлларида байроқ ушлаб олган.

— Бу бола отряд советимизнинг раиси, Митя Димко. Шунақа ақллики; қўяверасан! Бир гапира бошласа, ҳамманнинг оғзини очириб қўяди — деди Нюра. — Салом, Елена Ивановна! Биз ҳам турайликми, Елена Ивановна?

Улар колоннанинг кетига ўтиб, сафга туришди.

Уй олдида колоннани Ефим Кондратьевич кутиб олди. Костя билан Нюра унга маҳсус топшириқ тўғрисида гапириб беришди, лекин Ефим Кондратьевичнинг ўзи ҳам буни билар экан: аввал куни қишлоққа борганида колхоз раиси повда кесишга қараб туриш, болалар билан новдаларни дарёдан ўтказиб қўйиш тўғрисида у билан келишиб олган экан.

— Салом, Ефим Кондратьевич! Дарёдан ўтишимизга ёрдамлашиб юборасизми? — деб сўради Елена Ивановна.

— Бош устига-да! Албатта ёрдамлашаман. Бу команда билан дарёдан ўтиш ёлғиз ўзингизга оғирлик қиласди.

Саф ёйилиб кетди. Нюра Тимофейнинг олдига югуриб борди:

— Бизникига ким келганини биласанми? Сенинг уканиг Егорка.

— Йўғ-е! — деди Тимофей хавотирланиб.

- Ҳа. Сизлар билан бирга бораман, дейди...
- Мен унга „бораман“ ини кўрсатиб қўяман!
- Дада, Егорка қани?
- Шу ерда ўралашиб юрган эди-ку.

Тимофей, Нюра, кейин деярли бутун отряд қидиришга тушди-ку, лекин топиша олмади — Егорка ғойиб бўлиб қолган эди.

— Вақтимизни кетказиб, бекорга ҳадеб қидираверамиزمий? — деди Митя Димко. — Калтак еб қолишидан қўрқиб, қочиб кетгандир.

— Бе-э, калтакдан қўрқадиган бола эмас у! — деди Тимофей ишонқирамай, чўзиб.

Лекин Егорка йўқ эди, Елена Ивановна болаларга, қайиққа чиқаверинглар, деди. Қайиқ иккита эди. Кичкина қайиқнинг эшкагига катта болалар ўтиришди, улар билан Елена Ивановна кетадиган бўлди. Каита қайиқни Ефим Кондратьевич ҳайдайди, унга қий-чув қилишиб, бидирлашиб қизлар чиқиб олишди. Улардан биттаси қайиқнинг тумшуғига бориб, энди, узун, энлик курсига ўтириб, оёғини курси тагидаги бир боғ сўлиган шоҳ устига узатди-ю, шу заҳотиёқ қаттиқ чинқириб, яна тортиб олди.

— Оёқ! Оёқ! — деб қичқиради қиз.

Нима бўлганини ҳеч ким тушуна олмади-ю, лекин Тимофей дарҳол пайқади. У қизларни итариб-суриб, қайиқнинг учига югуриб борди-да, Егоркани оёғидан судраб, курсининг остидан тортиб чиқарди. Егорка тихирлик қилиб, гоҳ эшкакка, гоҳ тахтага ёпишарди, лекин Тимофей индамасдан, жаҳл билан унинг бармоқларини ажратиб, қирғоққа судраб чиқди.

Авал ҳамма кулиб юборди, лекин Егорканинг хафа бўлиб, ёлвораётгандай ҳаммага бир-бир термулиб қараб, хўнграб йиғлаб юборай деб турганини кўриб, ҳамманинг раҳми келиб кетди.

— Олиб кета қолсак нима қиласди, Елена Ивановна? — деб сўради Нюра иккиланиб. — Биз қараб юрармиз. А, қизлар?

— Ҳа-ҳа! Биз қараб юрамиз унга! — деб қўшилишди қизлар. — Елена Ивановна, олиб кета қолинг!

Елена Ивановна Тимофей билан Ефим Кондратьевичга савол назари билан қаради.

— Майли, олиб кетаверинг! — деб кулиб қўйди Ефим Кондратьевич. — Иштиёқи зўр бола-да, қизиқади.

— Мен унга ҳозир „қизиқиш“ни кўрсатиб қўяман-да, уйга ҳайдаб юбораман! — деди жаҳл билан Тимофей.

Егорканинг лаблари қийшайди, у йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деб Елена Ивановнага ўгирилди-да, зўрға-зўрға деди:

— Ўзингиз айтувдингиз-ку — „ким хоҳласа бораверади“ деб... Мен ҳам хоҳлайман-да...

— Менга қара, бўлмаса, — деди охири Елена Ивановна: — кел, менинг ёнимга ўтири оролда ҳам менинг ёнимдан ҳеч қаёққа жилмайсан! Ҳўпми?

Егорка энтикиб:

— Ҳў-п... — деди-да, шошиб-пишиб қайиққа тушди.

У ўша заҳотиёқ тинчид, бошини гоҳ у ёққа-гоҳ бу ёққа бурганича пионерларнинг қайиққа қандай жойлашганларини, Ефим Кондратьевичнинг қайиғи қандай сузиг кетаётганини, Костянинг эшкак эшишини кузата бошлади, Костянинг ёнида иккинчи эшкакни эшиб бораётган акасига эса ҳеч қарамасди.

Қайиқ қирғоқдан узоқлашди, энди тўрт атроф офтоб нурида жилваланиб турган сув, холос. Егоркани ваҳм боса бошлади. У секингина курси устидан тушиб, қайиқнинг тагига ўтириб олди — бу ер сувдан нарироқ, уичалик қўрқинчли эмас эди.

— Қўрқдингми? — деб сўради Елена Ивановна.

Егорка пишиллаб, қайиқнинг тагидаги панжарага тикилганча жавоб қайтармай, тимискиланиб ўтиради. Кейин у ҳеч нарса бўлмаганини, ҳамма тинчгина ўтирганини кўриб, яна банкага ўтиб ўтиреди, аммо ҳар эҳтимолга қарши иложи борича Елена Ивановнага яқинроқ ўтиришга тиришарди. Бу унинг Днепрдан биринчи марта ўтиши эди, ҳарқа-

лай қизиқиши қўрқувдан зўр чиқди. Атроф шундай ажойиб үлдик!

Дарёдан майда-чуйда шохчалар, ўт-ўлан оқиб келарди. Улар қаёқдан оқиб келиб қаёқса кетаётганикан? Сув ҳеч тинчгина оқмас, худди қайнотгандай буралиб-буралиб оқар, тагидан аллақандай сарғиш нарса кўтарилади.

— У нима? — деб сўради Егорка.

— Кум, — деб жавоб беришди унга.

Егорка узоқ ўйлаб қолди. Кум сув остида бўлади, қандай қилиб, нимага сувнинг юзасига кўтариларкин? Балки уни алдаб, кулги қилишаётгандир? Бироқ ҳеч ким қулаётгани йўқ, Егорканинг ёнида Елена Ивановна ўтирибди; у катта, унинг олдида ёлғон гапиришдан қўрқишишади. Рост-а, қумнинг жони йўқ-ку, сувга ташласанг ҳамма вақт чўкиб кетади, Егорка буни жуда яхши билади — унинг ўзи дарёга неча марта қисимлаб-қисимлаб қум ташлаган, ҳар сафар ҳам ташлаган қуми ўша заҳотиёқ чўкиб кетар эди. Егорка бу чигал жумбоқ устида шунчалик ўйланиб қолдики, нафаси ичига тушиб, зўр келганидан қизариб кетди.

— Ҳа, нима бўлди? — деб сўради Костя.

Егорка дарров тушуниб ола олмай, бақрайиб қаради:

— Кимни?

Ҳамма кулиб юборди, лекин Егорка эътибор бермади. У қум билан лойқаланиб оқаётган сувни кўрсатди:

— Нимага бунақа?

— Кумми? Уни сув оқизиб, юзага олиб чиқади.

Егорка ишонмагандай кўз қири билан қараб қўйди, кейин Елена Ивановнага қаради — у индамасди. Демак, тўғри экан. Энди Егорканинг нега чўкиб кетавериши ҳам маълум бўлди. У нуқул қишлоқдаги ғозлар сузиб юрадиган кўлмак сувда чўмиларди, у ерда сув ҳеч оқмайди, шунинг учун ҳам Егорка нуқул чўкиб кетаверади. Демак, таги чуқур, ўзи тез оқадиган сувда чўмилиш керак экан. У аввал ига чўқади, кейин сувнинг ўзи уни юзага олиб чиқади. Борди-ю олиб чиқмай қолса-чи? Ҳамма уни семиз, ҳам оғир дейди. Ундан кейин бошқа болалар ўша кўлмак сувда ҳам с узиша-

ди-ку... Йўқ, бунда бир гап бор, балки уни алдашаётгандир? Егорка яна узоқ хаёлга чўмиб кетди.

— Қораилон! Қораилон сузиг келяпти! — деб қичқиришид катта қайиқдаги қизлар.

Ҳамма бирдан ўша томонга ўгирилган эди, қайиқ бир ёнга қийшайиб кетди.

— Тинч ўтиринглар! — деди қатъий қилиб Елена Ивановна.

Болалар илгаригидай ўтириб олиб, бор кучлари билан бўйинларини чўзиб, сувга қарай бошлишди. Катта қайиқ томондан буларга қараб, сувда жилваланиб турган офтоб шуълаларини кесиб, кичкинагина бош сузиг келар, ундан иккى томонга мўйловга ўхшаб майдада тўлқинлар ёйларди.

— Оббо сиз-эй! — деб қичқирди сергак Тимофей. — Бу қораилон эмас, сувилон-ку!

У эшкакни ҳалқасидан сугуриб олди-да, илон яқинлашиб келганда эшкак билан илиб, осмонга кўтарди. Офтобда ярқираган илон жон ҳолатда жилпанглаб, эшкакдан сирғалиб тушди-да, қайиқнинг остига шўнғиб кетди. Болалар овни давом эттиришмоқчи эди-ку, лекин Елена Ивановна рухсат бермади. Костя билан Тимофей узоқлашиб кетаётган илонга ачиниб қараб, яна эшкак эша бошлишди.

Мана оролга ҳам етишди. Ҳаммалари сакраб тушишди-да, қизиган кум устида чопишиб, шўхлик қила бошлишди. **Фақат** Митя Димкогина жиддий эди.

У отряд байроғини тантана билан олиб чиқиб, дастасини **Кумга** санчиб қўйди-да:

— Жим, болалар! — деб қичқирди.

— Вақтни бекор кетказмайлик, — деди Елена Ивановна: — иш кўп. Кеча қандай келишган бўлсак, шундай қиласиз: ўғил болалар қирқади, қизлар новдаларни мана бу ерга қайиқ олдига олиб келади. Ким қайиқни яхши ҳайдай олса, новдаларни ташиш учун Ефим Кондратьевичга ёрдамшади.

— Шоҳ кесувчилар болталарини олиб, менинг олдимга лсин! — деб команда берди Митя.

— Ташувчилар, менинг олдимга! — деб жаранглаган овоз билан қичқириди малла соч, катта-катта кўзлари худди ҳайрон бўлаётганга ўхшаб боқадиган қиз.

Костя, Галя Здравствуй деган қиз шу эканлигини билиб олди. Қизлар Гаянинг атрофига тўпланишди. Костя ва бошқа болалар қайиқдан болталарни олиб, Митяning олдига боришиди. Тимофей, Миша ва новча, камгап Борис қайиқнинг олдидা қолишиди, улар новдаларни дарёдан олиб ўтишади.

— Шоҳ кесувчилар, шуни билиб қўйинглар, — деб огоҳлантириди Ефим Кондратьевич. — Сидирға кесиб кетаверманглар: буталарни илдизигача кесиб олишнинг ҳожати йўқ. Ингичка, узун новдаларни танлаб олинглар. Болтага эҳтиёт бўлинглар, тағин оёғингларни чопиб ўтируманглар.

— Хўп, сидирға қирқмай ингичка, узунларини танлаб қирқамиз! — деди Митя дона-дона қилиб. — Қани кетдик, болалар!

Болалар, ростакам дараҳт кесувчилардай, болталарини елкага қўйганларича толзорга қараб чопдилар, оролдан ҳўл новдаларга урилиб, астагина дўқиллаётган болта овози эшитила бошлади. Қизлар ўғил болалар кетидан бориб, кесилган новдаларни йифиб олишарди. Елена Ивановна қандай қилиб ингичка хивич билан новдаларни боғ-боғ қилиб боғлаш кераклигини кўрсатди. Егорка Елена Ивановнанинг кетидан қолмас, у ҳам тиришиб новда йифиб, болта билан тол қирқаётган болаларга ҳавас билан қараб қўярди.

Костя бутазорда шиддат билан болта урар ва сал нарироқда ишлаётган Митяга мендан ўзиб кетмадимикин деб, қараб-қараб қўярди. Митя шошмасдан, вазмин болта урар, аммо жуда тез илгарилаб борарди — унга етиб олиш осон эмасди. Костянинг чап томонида малла ранг Сеня Журило ишларди. У отряд горнисти бўлгани учун, орқасида кўзни қамаштиргундай ярқиратилган горн лапанглаб борарди.

— Худди чангалзорда юрганга ўхшаймиз-а, тўғрими? — деди Костя Митяга. — Лианлар чирмашиб ётган ўрмонни ёриб ўтиб кетяпмиз.

— Шу толзорни чангалзор деяпсанми? — деб сўради

истеҳзо билан Митя. -- Ўйлаб топганингни қара! Ундан кура, тез-тез кесиб, етиб ол!..

Костянинг Митяга бўлган ихлоси дарров сўнди. Ҳеч қандай фантазияси йўқ одам экан-ку! Ақлли бўлса борлирку, аммо қуруқ бола экан... У бундан кейин Митяга қайрилиб ҳам қарамади, ха, ёлғиз ўзи ҳам зерикмайди. У йўлга чиқиши олдидан ўқиган „Дерсу Узала“ китобини эслаб, хаёлида ўзини гоҳ Сихоте-Алиннинг одам оёғи тегмаган қалин ўрмонларини кесиб ўтган довюрак Арсеньевга, гоҳ унинг йўл бошловчисига ўхшарди. Костя уларнинг қайси биридақа бўлгани яхши эканлигини ҳалигача ҳал қила олмас — униси ҳам, буниси ҳам унга баравар ёқарди...

— Қайиқ тўлиб, жўнаб ҳам кетди! — деб қичқирди, қирғоқдан қайтаётган Нюра.

— Сеня, танаффусга чал, — деди Елена Ивановна.

Сеня горнни олиб, мундштугини лабига босди-да, карнайнинг оғзини осмонга кўтарди.

Дарё бетида горннинг: „Тара-та-та-та...“ — деган жаранглаган овози янграб кетди.

Костя ҳали ҳеч чарчагани йўқ, у энди ишга чинакамига қизишиб киришган эди, лекин чақириққа бўйсуниб, ҳамма қатори ўтлоққа, Елена Ивановнанинг олдига чиқиб борди. Болалар яна қанча новда қирқиш кераклигини ҳисоблашиб, муҳокама қилишарди, Костя ёнбошлаб олиб, Егоркани кузатади бошлади.

Егорка ўтлоқни айланиб юриб, бута остидаги битта кавакни кўриб қолди-да, қорни билан ерга ётиб, ичига қарай бошлади. Кавакнинг ичи қоронғи бўлгани учун, Егорка ҳеч нарсани кўра олмай, ичига қўлини тиқди, кейин новда билан ковлай бошлади.

Костя Егоркани кузатиб ётаркан, у кимга ўхшайди-а, деб эслашга тиришди. Бунинг нимасини эслаб ўтирибди? Албатта Лелькага ўхшайди! Улар мутлақо бошқа-бониқа бўлишларига қарамай, бир-бирларига жуда ўхшашар эди. Егоркага ўхшаб, Лелька ҳам нуқул жонига тегиб, Костяга эргашар, у шима қиласа шуни қилмоқчи бўлар, Костя бўл-

са, уни ҳайдаб юборар, уришарди. Лелька хафа бўлар, баъзан ҳатто йиғлар, лекин сал ўтмай эсидан чиқариб, яна уига хира бўларди. Албатта, у ҳам Егоркага ўхшаб, ҳамма нарсага қизиқади, катталар нима қилса ўнуни қилгиси келади, ҳали кичкина-да, деб такаббурлик билан хаёлидан ўтказди Костя. У бўлса, Тимофеј Егоркага эътибор бермагандай, Лелькага ҳеч бир эътибор бермасди. Бундай ўйлаб қаралса, албатта, бу одобдан эмас!..

Лелька узоқда, Костяни эса худди ҳозир виждон азоби қийнарди. Костя ўрнидан турди:

— Елена Ивановна Егоркага оролни кўрсатиб келсан майлими?

— Хўп. Лекин сувга яқинлаша кўрманглар!

— Кичкина бола эмасман-ку, биламан... Егорка, юр мен билан бирга!

Егорка бажону дил иргиб туриб, Костянинг олдига югурди. Кесилган буталар олдидан ўтиб, улар оролнинг ичқарисига қараб юришди. Жудасекин юрдилар, чунки Егорка минут сайин тўхтаб, гоҳ шоҳда ўрмалаб юрган қуртни, гоҳ қанотини елканга ўхшатиб ёзиб турган қичитқи ўт қапалагини, гоҳ оролга аллақаёқдан келиб қолган йиртиқ чориқни диккат билан томоша қиласди.

Офтоб нурига гарқ бўлган чоққина ўтлоқда аллақандай кўкимтириж жигар ранг нарса ўрмалаб бораради. Костя олдинга қараб отилди. Тошбақа! Кичкинагина, аммо ростакам, тирик тошбақа. Киевга тирик тошбақа олиб борса роса қойил бўларди-да! Тошбақа қочиб кетмоқчи бўлди, лекин Костя уни косасидан ушлаб олди; тошбақа боши ва оёқларини ичига тортиб жим бўлди. Костянинг ёнида севинганидан ҳарсиллаб, Егорка аллақачон чўққайиб ўтиради;

— Нима тутдинг?

— Тошбақа! Тирик! Мана ҳозир мен уни тўнтариб қўяман, кейин ҳеч қаёққа қочиб кета олмайди.

Костя уни тўнтариб қўйди. Тошбақа бирмунча вақт қимир этмай ётди, кейин секин-аста боши ва оёқларини чиқариб, яна айланиб олишга ҳаракат қила бошлади.



— Жим ёт! — деб, Костя унинг косасига чертган эди, тошбақа яна боши билан оёқларини тортиб олди. — Тез чо-пинглар! Бу ёққа! — деб қичқирди Костя.

Болалар толзор орасидан шатира-шутур қилиб ўтиб, юргурганча етиб келишди-да, Костянинг ўлжасини ўраб олишди. Қизлар маҳлиё бўлиб қарашар, ваҳма қилишар, ўғил болалар эса индамай қараб туришарди — бундан катталари-ни ҳам кўришган-да. Егорка тошбақанинг тепасида қимир этмай ўтиради, кейин у бирдан бошини кўтариб, шартта:

— Ундақа эмас! — деди.

— Нима унақа эмас? — дейишди болалар хохолаб кулиб.

— Менга Сашка: „Мен сени худонинг қарғишига қолган тошбақадай расвойингни чиқараман“, деган эди. Бу ҳеч ҳам расво эмас. Туппа-тузук-ку. Оёғи ҳам, қўли ҳам бор...

У болаларнинг хохолашганига эътибор ҳам бермай, узундан-узоқ гапини тугатди-да, яна тошбақанинг устига энгашиб, маҳлиё бўлиб қолди.

— Қани, болалар! Иш вақти бўлди, — деди Митя, — биз бу тошбақа билан овора бўлиб ўтирибмиз-ку, у ёқда қайиқлар қайтиб келяпти.

Сеня Журило яна ёқимли шўх куй таратди, яна болталар енгилгина тўқиллашга тушди, қизлар новда боғламларини кўтариб қирғоққа югуриша бошлади. Кесувчилар тобора бутазорнинг ичкарисига кириб боришар, лекин Егорканинг ўрнидан қимирлагиси келмасди, Костя тошбақани янги жойга кўчирибгина уни қўзғата олди. Костя пайт пойлаб туриб, тўнтариб қўйилган тошбақа боши ва оёқларини чиқарганда унинг бир оёғини каноп билан боғлаб олди. Егорка канопни маҳкам ушлаб турар, энди тошбақа қочиб кетади деб қўрқмасди.

Сеня яна уч марта гори чалди, қайиқлар уч марта бориб келди, охири Ефим Кондратьевич Нюрадан: кесишини тўхтатишишин, бир ярим тоннали машинага ортишга етарли бўлди, энди кетишимиз керак, деб айтиб юборди. Қуёш аллақачон ғарбга қараб оққан, уч соатлардан кейин ботади. Болалар қирғоққа тизилиб ўтириб олиб, боғ-боғ тол новдалари баланд қилиб ортилган қайиқлар охирги марта қирғоққа секин-секин сузиб бориб кейин яна қайтганини кузатиб ўтиришди. Ҳеч кимнинг гапиргуси келмас, ҳамма чарчаган эди. Фақат Митя қисқа ва дона-дона қилиб, ёмон ишламадик, ҳеч ким ишёқмаслик қилгани йўқ, бизнинг отряддан бўлмаганига қарамай Костя ҳам энг яхши новда кесувчилар билан бараварига ишлашди, деди. Костя энди узил-кеシリ Митя ҳақиқатан ҳам қуруқ бола экан, деган қарорга келди, шунга қарамай мақтовни эшитиб ўзи севиниб ҳам қўйди.

Қайиққа авалгидай ўтиришди. Костя билан Тимофеј эшкак эшдилар. Егорка тошбақа билан овора. У тошбақа очидан ўлиб қолмасин деб қўрқиб, унинг оғзига гоҳ бир тутам ўт, гоҳ учиб кетмасин деб қаноти узиб ташланган ик-

кита ниначини тиқарди. Тошбақа ҳеч нарса емай қабиғатта гида у ёқдан-бу ёққа ўрмалар, Егорка хупоб бўларди.

— Кўрқма, — деди Костя, — тошбақа узоқ вақт оиқат емай юра олади. У Киевгача ҳеч нарса емай етиши мумкин.

Болалар қирғоққа яқинлашганларида гина қаича новда кесганларини билишди: уйдай қилиб фарамлаб қўйишибди. Машйна аллақачон етиб келибди, Иван Кузьмич билан шофер новда боғламларини кузовга ортишарди.

Қирғоққа биринчи бўлиб, байроқни ушлаганича Митя сакраб тушди ва команда берди:

— Сафланинг!

Энди Костя ҳам Тимофей билан Нюоранинг ўртасида қаторга турди ва унга ҳеч ким ҳеч нарса демади. Фақат Митягина ҳайрон бўлиб қошини учирив қўйди, лекин Костя шунга яраша ишлаганини, афтидан, у ҳам тушунган эди.

Иван Кузьмич болаларга қараб юрди. Митя байроқни ўнг қанотдаги болага берди-да, рапорт топшириди:

— Ўртоқ бригадир! Саша Чекалин номли отряд махсус топшириқни тўла бажарди. Ҳеч қандай тасодиф рўй бергани йўқ. Рапорт топширилди.

Иван Кузьмич бундай ҳолларда нима деб жавоб берилиши кераклигини билмасди, шунинг учун оддийгина қилиб, чин юракдан деди:

— Раҳмат, болалар! Мақташга арзигудай ишладинглар. Колхоз номидан сизга кўпдан-кўп раҳмат!

Сафдагилар бараварига:

— Доим тайёр! — деб жавоб беришди.

— Келинглар, ортиб юборишга ҳам ёрдамлашамиз, — деб таклиф қилди Елена Ивановна.

— Бўпти! — деб қичқиришди болалар ва ҳужумга ўттандай, тол боғламларига ёпирилишди.

Иван Кузьмич билан шофер ҳар томондан ёғилиб турган новда боғларини зўр-базўр жойлаб улгуришарди. Бир неча минутдан кейин тол новдалари кузов устига тогдай қилиб уйилди, шофер йўлда тўкилиб қолмасин учун арқон билан тортиб боғлади.

— Болалар роса чарчашгандир? — деди Иван Кузьмич Елена Ивановна. — Бирпас туринглар, қайтиб келиб олиб кетамиз.

— Машинани овора қилиб, бекорга бензин сарфлашнинг шима кераги бор? — деб эътиroz билдириди Митя. — Сиз-ку катта йўлдан кетарсиз, биз бўлсақ тўғри жарликдан кесиб ўтиб, сиздан олдин уйга етиб оламиз.

— Мана бу кичкинтойни олиб кетсанглар бўлди, — деди Елена Ивановна.

— Буними? Ҳа, Егор Тимофеевич! — деб жилмайди Иван Кузьмич. — Олиб кетайликми? Биринчи класс, юмшоқ, люкс вагони, шабадаси ўзи билан.

У Егоркани даст кўтариб, ҳали ҳам тоғдай қилиб уйилган тол новдалари тепасида турган шоферга узатди.

Егорканинг юзида севинч табассуми кўринди, аммо шу заҳотиёқ яна саросимага тушиб, пешонаси тиришди: тошбақа ерда қолган эди!

Костя тошбақани ердан олди. Буни у ўзи топган, уйига элиб кетмоқчи бўлиб қўйган эди, шунинг учун бериб юбошишга кўзи қиймади. Аммо у кўп иккиланиб турмай, тошбақани юқорига иргитди:

— Ушла жонворингни!

Егорка канопнинг учини икки қўллаб ушлаб олди, яна нинг юзларига севинч табассуми ёйилди.

— Сафланинг, болалар! — деди Елена Ивановна. — Уйга етамиз.

Яна Сенянинг горни янгради, барабан тарақлади, отряд тлоқни кесиб, жарликка қараб йўл олди. Иван Кузьмич юқорига, Егорканинг олдига чиқиб ўтириди, шофер моторни трагизиб юборди.

— Хайр, Горка-Егорка! — деб қичқирди Нюра, унга қўл илкитиб.

Машина узоқлашиб кетди. Икки қўллаб тошбақани ушб олган Егорка юмшоқини тол новдалари устида чайлиб ўтирас, юзларида чексиз кувонч акс этарди.

## ХУШЁР БҮЛ, КОНСТАНТИН!

Жазирама иссиқ борган сари кучаярди. Ҳар куни эртабилан осмонда қор сингари ялтироқ, паға-паға булултар пайдо бўларди. Улар кўйиб, эриб кетишдан қўрққандай, қуёшни четлаб ўтишар, шунга қарамасдан кечга бормай тарқаб кетишарди. Ефим Кондратьевич бош тебратиб, бунақа қурғоқчилик бўлаверса, экин-тикин ҳароб бўлиб кетади-да, деб қўярди. Тимофей кўчатларидан ташвишланар, Костя бўлса, ўзини ниҳоятда яхши ҳис этарди. Қани энди кечалари ҳаво бунақа дим бўлмаса. У кечалари димиқиб уйғониб кетарди-да, узоқ-узоқларда сезилар-сезилмас яшин чақнаётганини кўриб, ўзича эртага ёмғир ёғса керак деб қўяр, бироқ эртаси куни яна ўша аҳвол эди. Қайиқлардан иссиқ, қора кўз ёшидай смола томчилар, тол япроқлари гужанак бўлиб қуруқ қоғоздай шитирларди.

Нюра якшанба куни тушлик овқатни тайёрлаб бўлиб, бувисиникига жўнади. Болалар нимагадир келишмади, Костя ёлғиз қолди.

Кун ниҳоятда исиб, дим бўлиб кетди.

— Ҳаво жуда қизиб кетди, ёмғир ёғиб бермасайди,— деди Ефим Кондратьевич тушлик овқат маҳали.

— Йўқ, салқин тушиб қолади. Мана кўриб турарсиз!— деб эътиroz билдириди Костя, ишонч билан.

— Кўрамиз-да... Бекамиз келмади, энди идиш-товоқни сен ювиб қўйишингга тўғри келади.

Костя, Нюра идиш-товоқни ювадиган қозон сочиқ билан тарелкаларни роса ишқалаб ювди, аммо нимагадир тарелкаларнинг ёғи сира кетмади. Кейин у кастрюлька билан тарелкаларни устма-уст қилиб тахлаб, дарё бўйига олиб тушиди-да, қумлаб ишқалай бошлади. Бу ҳам анчагина овора қиласидиган иш экан. Костя идишларни бир амал қилиб юзиб ўтиаркан, бирпасда қуёшнинг юзини булут қоплаб ғолди. Қуёш булутнинг ҳали у еридан, ҳали бу еридан тенинб чиқарди, бироқ кўп ўтмай булутлар қуёш юзини бутуплай беркитиб қўйди. Фарб томондан, уфқдан қора булут чиқиб

кела бошлади. Худди ундан қочаётгандай юпқа оппоқ булат қатлами олдинда югуриб борар, қора булат эса паға-паға бўлиб, гулдурос билан секин-аста изма-из босиб келарди.

Дарё тип-тиник тусга кириб, Костянинг назарида оқишдан тўхтаб қолгандай бўлди. Бир дақиқа тинчимайдиган мажнунтол новдалари, шитирлаган тол япроқлари тинди. Қора булат салқин олиб келиш ўрнига, ҳавони бадтар дим қилиб юборди. Осмонни буркаб олаётган қуюқ қора булат қатламининг тепаси секингина гумбурлаб қўйди.

— Хўп, мен борай. Қоронғи вақтли тушади,— деди Ефим Кондратьевич.— Сен қолиб, уй ишларига қараб тургин.

У сузив кетди, Костя бўлса, идиш-товоқни йиғишириб қўйиб, чалқанча ётганича булатларни кузата бошлади. Бу жутлар бутун кўкни ўраб, бир-бирининг устига мингашарди. Қош қорайди, кейин қоронғи тушди. Ефим Кондратьевич қайтмади, Нюра ҳам келмади. Бувиси булатдан чўчиб, юбормай олиб қолган бўлса керак. Костя уйни бир оз шамоллатиш учун эшик ва деразаларини очиб қўйиб, ухлагани ётди.

Уни қаттиқ тарақлаган овоз уйготиб юборди. Костя чўчиб сакраб турди-да, эсанкираб қоронғиликка тикилди. Уй ичига ҳуштак чалиб ва гувиллаб шамол елиб кирди, дераза табақаларини қарсиллатиб очди, ойналар жарангланича учиб тушди; эшик деворга тарақлаб бориб урилди-да, яна кетига қайтди. Костя увиллаган шамол кучини зўрбазўр енгиб, эшикни ёпди-да югуриб дераза олдига борди. Оёғи тагида синган ойна парчалари қирсиллади, товонига алланима кирди. У деразани қарсиллатиб беркитиб, синган кўзига одеал тиқиб қўйди-да, гугуртни топиб, титраган қўллари билан чироқни ёқди.

Уйнинг ичи остин-устун бўлган эди. Дастурхон Ефим Кондратьевичга олиб қўйилган кечлик овқат билан биргалик стол устидан ерга улоқтирилган макаронлар бутун хонага сочилган, котлет ҳалқоб бўлиб қолган сутга қорилиб ётарди. Эшик олдидаги вешалка биттагина михда осилиб турар, ундаги кийим-бош айқаш-уйқаш бўлиб ёрда уюлиб

ётарди. Деразанинг остида чинни, ойна, парча-парчл кесак ва Нюра дераза токчасига қўйган гулнинг эзилло, синги кетган бўлаклари уюлиб кетган. Ефим Кондратьевич йўқ. Мўридан шамолнинг шиддат билан ўкириб увиллаши энтилиб турарди.

Костя эшикни қия очди, олдин эшикнинг очилиши қийин бўлди, кейин ланг очилиб кетди. Костя ташқарига чиқио ёпмоқчи бўлганида эса, шиддат билан орқасига урилиб, уни итариб юборди. Шамолнинг кучли зарби Костяни уйга ёпишириб қўйди, у зўрға ўзини девордан айириб, увиллаётган қоп-қоронги бўшликقا, алланима ғазаб билан шапиллаб урилаётган дарёга қараб юрди. Шундайгина боши тепасида темир бочкалар тўхтовсиз юмалётгандай бўларди. Шохлари пастга қилиб тўнкарилган олов дарахти кўзни қамаштиргудай ялтираб зулматни ёритди, ҳамма ёқ кино лентаси узилгандаги экранга ўхшаб, кўкимтири туслада ёришиб кетди. Оқиш туслаган толзор ерга ёпишиб кетган, мажнунтоллар новдаларини силкитишиб тебранишар, қоп-қора дарё суви кўпирисб қирғоқца сапчир, ғазаб билан қайнаб, яна орқага ташланарди.

Костянинг тепасидаги осмон шунағанги қаттиқ гумбурлаб кетдики, жар бошида турган Костя сакраб тушиб, ёнбағирликка қисилиб олди. У момақалдириқдан қўрқмасди. Аммо ҳамма ёқ ғишин деворлар билан ўралган шаҳар бошқа гап, ундан уйлар томига яшин қайтарғич ўрнатилган бўлади, хона ичи тинч, электр чироқлар ёниб туради, бу ерда эса ярим кеча, ҳамма ёқ қоп-қоронги, тап-тақир қирғоқ, унда увиллаб эсаётган шамол, қутуриб чайқалаётган қонқора сув ва қулоқ пардасини йиртгудай гумбура-гумбурдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нима йўқ.

Ёлғиз қолгандан ёмони борми! Ефим Кондратьевич қаёқ-қадир ғойиб бўлган, бу ерга ундан бўлак ҳеч ким келмайди. Костя бирдан ўзини бепоён бўм-бўш соҳилда ёлғиз қолгани гўдакдай ожиз ҳис қилди. Ҳеч нарсани эшилтмаслик, кўрмаслик учун бироҳ ерга қочиб бориб, бошини буркаб, осрекиниб ётгиси келди. Аммо ўша заҳотиёқ оундан ўзи ор

қылниб кетди. Костя Головановдай одамнинг ўтакаси ёрилиб кетди-я! Балки Ефим тоғасига бир гап бўлгандир-у, унга ёрдам бериш керакдир?

Костя қўли билан юзини шамолдан пана қилганича энгашниб олиб, запас бакен ва нишон қозиқлар олдига ўтиб борди. Тоғаси у ерда йўқ эди. Бир неча нишон қозиқ шамолда ерга ағанаб тушибди. Костя қирғоқ бўйлаб юқорига, кейин паст томонга юрди, на тоғаси кўринади, на қайифи. Костя яна сув бўйига тушиб қичқирди, лекин унинг жаранглаган овози, пахтага бурканиб қичқиргандай, оғзидан чиқмасидан ўчиб қоларди.

Сершоҳ олов дарахти ҳар томонда пайдо бўлар, ҳар сафар чақнаганда у билан кетма-кет осмонда худди улкан улкан қора булутлар тошга айланиб, қўрқувдан жим бўлиб қолган ерга тўхтовсиз емирилиб тушаётгандай гумбурлашиб бошланарди.

Костя яна бир чақмоқ чақнаганда аллақандай қоп-қора, узун ва ўйғон нарса шиддат билан қирғоққа қараб келаётганини кўрди, ҳалиги нарса етиб келди-да, ўйғон тумшуғи билан ҳўл қумни ўйиб, қирғоққа ташланди. Костя даҳшати чида ўзини бир ёнга отди. У Днепрда ҳеч қандай даҳшатли махлуқ ўйқлигини яхши биларди-ю, лекин тағин ким билади дейсиз?. Ҳозир унинг миясидан мактабда олган ҳамма билимлари кўтарилиб кетган эди, у таёқдай қотганича ҳалиги даҳшатли нарса оғзини очишини кутди. Аммо у оғзини очмай, бошини қумга тиққанича ётар, факат думигина ўйноқлаб, сувни шапиллатиб уرارди. Кейин думи ўнгга бурилди-да, ҳалиги махлуқ қумдан сирғаниб тушиб нари сузиб кетди. Костя кейинги сафар чақмоқ чаққанида бу оддий бир хода эканлигини кўрди ва енгил тортиб, хурсанд бўлиб кетди.

Костя ўзининг қўрққанидан ўзи уялиб, кўзларини қисдида, бошини силкитди, шу ондаёқ ўзини босиб олди. Момақалдироқ ҳар қачонгидай момақалдироқ. Лекин чақмоқ, гулдурос, шамол... Қўрқса қўрқкудай-да!..

Ў уйга қайтиб келиб, ҳафсала билан йиғиштира бошлан-



ди. Ерга тушиб кетган кийимларни олиб жойига илди. Дастьурхонни олиб ёзди. Макаронларни остона тагига сунурио тўплаб, синган ойна ва гул тувагининг парчаларини челак ка териб солди. Чақмоқ ҳамон аввалгидай гумбурлаган осмон бағрини ёриб чақнар, шамол қулоқни тешгудай чийил 16 увлар, лекин Костя энди қўрқмасди.

У уйни йиғиштириб бўлиб, каравотига ўтирди-да, осмон соатга телмурганича Ефим Кондратьевични кута бошлади. Ҳали шамол соат кағғирини занжирига мингаштириб уни тўхтатиб қўйган, ўшандан бери қанча вақт ўтганлиги но маълум эди. Ефим Кондратьевичдан эса ҳамон дәрак йўқ. Шу маҳалда дәрёда нима қилиш мумкин-а? Костянинг хаёлига шундай ўйлар кела бошладики, натижада у яна тинчини йўқотди, у буни ўйламасликка тиришар, лекин қанча кўп тиришса, шунча кўп ўйларди.

Аввал бигта-иккита, кейин секин аста тезлашиб, том тарақлай бошлади, окири уйни ёмғирнинг қаттиқ шовқини тўлдириб юборди. Томчилар ойнага урилиб парчаланарди-да, дарҳол настга оқиб тушарди. Костя уларга қараб ўтириб, ҳозир кечаси бўлганлигига ачинарди. Агар куандузи бўлганида Қичқириқ жарга чопиб бориб, у ерда сув қичқириб оқадими ёки бу шунчаки гапми — эшитиб кўрган бўлаводи.

Эшик очилиб, ичкарига чопқин урди, сўнг қиялама ёғаётган ёмғир орасидан Ефим Кондратьевич пайдо бўлди. У эшикни ёпиб, стол олдига келди. Типпа-тик қотиб турган плашчидан сув оқиб турарди, лекин Ефим Кондратьевич нимагадир уни ечмай, шу ҳолича курсига ўтирди-да, қўлини секингина столга қўйди.

— Уйғоқмисан? — деб сўради у.

— Ҳа, — деб бош ирғади Костя.

У қандай уйғониб кетганини, шамол қандай қилиб ойна билан гул тувакларни синдирганини айтиб беришга шайланаб каравотидан тушди-ю, тоғасининг қўлини кўриши билан қўрқиб кетиб, сўзи оғзида қолди. Тоғасининг чап қўл панжаси ўнг қўлига қараганда жуда катта кўринди. Шишиб, шилиниб кетган чап қўл дастурхон устида қин-қизил қон-

талаанигаи ҳолда ётарди. Тоғасининг ранги ўчиб кетганди, у тенглилка югуриб чиққандай қийналиб, ҳарс-ҳарс нафас оларди.

Хода эзиб кетди,— деди Ефим Кондратьевич, Костяшниң күркіб қараб турганини пайқаб.— Юқори томонда ғирор жойда сол бузилиб кетган бўлса керак — чопқир отлар кутуриб пойга қилишгандай, бутун фарватерни хода босиб кетди. Ҳамма нарсани бузиб кетган чиқар... Боғлаб олсан бўларди-да.

Костя сочиққа югурди.

— Ҳўллагин.

Ҳўл сочиқ тоғасининг панжасига қўпол қилиб ўралди. Костя ечилиб кетмасин учун устидан каноп билан боғлаб қўйди.

— Ишлар чатоқ, жиян,— деди Ефим Кондратьевич, боғланган қўлига қараб туриб.

— Ҳеч нарса қилмайди, тузалиб кетади! — деди Костя, ўзини иложи борича дадил ва бардам тутишга тиришиб.

— Қўлимни гапираётганим йўқ, қўлим-ку тузалиб кетади... Бакен ўчиб қолди. Шайтон тишдаги бакен... Шамол ўчирдими ё ҳалиги ходаларми... Бакен дарёнинг қоқ ўртасида, ҳаммаси ўшангага келиб урилган бўлса керак. Бутунлай ўрнидан кўчириб кетган бўлса ҳам эҳтимол...

Костя:

— Ундаи бўлса... — деб гап бошлади-ку, яна жим бўлиб қолди.

Албатта, ёқиб қўйиш керак, лекин қандай қилиб ёқса бўлади? Бунақа қоронғида бакен у ёқда турсин, баржани ҳам тополмайсан. Бутунлай оқизиб кетган бўлса-чи, унда шима бўлади? Умуман, қандай бориш мумкин у ерга? Тоғаси бир қўллаб эшкак эшолмайди, Костя эса... У шарқираб, кўпириб оқаётган сувни, шитоб билан қирғоқча урилаётган тўлқинларни эслаб, гўё ҳозирнинг ўзидаёқ ўша тўлқинлар орасига бориб қолгандай сесканиб кетди.

— Қишлоққа югуриб бориб, бирор кишини чақириб кела қолайми?

— Ефим Кондратьевич гоҳ қорайиб, гоҳ чақмоқ ёригида кўм-кўк бўлиб шариллаб сел уриб турган деразага қаради,

— Йўқ,— деди у,— ҳозир жардан ўтиб бўлмайди. Айланма йўл жуда узоқ, вақт йўқ... — У соатини олиб қараб, қопқоғини шарақлатиб ёпди — Уч соатдан кейин Херсонга тез юрар кема ўтиши керак.

— Наҳотки ҳаво шунаقا пайтда ҳам...

— Юриш-юрмаслик — капитаннинг иши. Мендан сўраб ўтирмайди. Менинг ишим, бакенни ёқиб қўйиш... Мана у ўчиб қолди!.. — Ефим Кондратьевичнинг юзлари тиришди, у ғазаб билан тишини-тишига бўсганича қотиб қолди.

Тоға-жиян шаррос қуйиб турган ёмғирнинг деразадан оқиб тушишига термулишганича бир нарсани ўйлаб ўтиришарди. Костянин кўзига кўпириб, шиддат билан оқаётган дарёда секин-аста, худди тимискиланиб сузаётгандай, катта-кон оқ пароходнинг сузиб келаётгани кўриниб кетди. Йўловчилар хотиржам ухлаб ётишибди, бутун команда оқиши ёмғир пардасига тикилишиб бакенни излайди. Чироқ кўринмайди, демак, пайқа ай ўтиб кетибдилар. Ҳаммалари енгил тортиб чуқунафас оладилар, вахтадаги матрос мис труба орқали машина бўлимига, юриш тезлатилсин, деб команда беради. Пароход чайқалиб юришини тезлаштиради, шунда бирдан ҳамма нарса шақира-шуқурига олиб, гумбурлаб палубага учиб тушади, кўкимтири қоянинг қирраси пароход тубини тешиб юборади, шовиллаб сув кира бошлайди, уни тўхтатиб ҳам, чиқариб ташлаб ҳам бўлмайди. Электр ўчади. Ўринларидан ағдарилиб тушган йўловчилар бақиришади, ундан кейин шунақанги даҳшат бошланадики, Костя, ёрдам беринглар деб одам чақиргани бирор ёққа чопиш учун ўрнидан сакраб туриб кетишига сал қолди...

Лекин қаёққа югуради, дод-войини ким ҳам эшишарди. Костя буни қанча чуқурроқ тушунса, қўрқувси шунчалик зўрайр, у тез-тез тоғасига қараб қўярди. Ефим Кондратьевич деразадан кўзини узмасди. Унинг пешонаси ва лабарининг бурчидаги ажинлари тобора чуқурлашиб борарди. Ўқаддини кўтарди-да, чап қўлини секингина столдан олди.

— Сени олиб боришга тўғри келади, Константин,— деди у ва Костяга синовчан тикилди.

— Бўлмаса-чи... Албатта-да! — деди Костя дик этиб туриб.

Омбордан иккита қизил фонарь келтиришди-да, керосин солиб ёкишди.

— Қалинроқ кийиниб ол.

— Совқотмайман... — деб Костя, эътиroz билдирмоқчи бўлган эди, тоғасининг қовоғини солиб қараб турганини кўриб, индамайгина шими билан камзулини кия бошлади.

Ефим Кондратьевич устига каноп мато қопланган пўкак камар берди, Костя уни кўкрагига боғлаб олди. Камар унга катта бўлиб, пўкакли бўғинлари қўлтиғига тиралиб турар, шунинг учун қўлини кериб юришга тўғри келарди. Тоғаси ингичка арқон ва учи сиртмоқли бир ўрам йўғон арқон олди, Костя фонарларни кўтариб олди, кейин улар шиддат билан уриб турган жалада дарёга қараб кетишиди.

Қайиқнинг таги сувга тўлиб қолган бўлса ҳам барибир уни тўлқин чайқатар, кўтариб-кўтариб ташларди. Костя сувни чўмич билан сепиб ташлай бошлади, тоғаси фонарларни қайиқнинг тумшуғига ўрнатиб боғлаб қўйди, тахта тагига узун илмоқ жойлади.

— Мен арқон билан тортиб бораман, сен эса қайиқни ҳайдайсан. Қирғоқдан бир ярим метрча наридан ҳайда, ишқилиб қирғоқча чиқиб кетмаса бўлди. Удда қилоласанми?

— Бўлмаса-чи.

— Қўрқайсанми?

— Нимадан қўрқаман?!

Тоғаси Костяни ингичка арқон билан боғлаб, учини ўзининг камирига туғиб қўйди. Йўғон арқонни Костянинг ёрдами билан тумшуқдаги ҳалқага боғлаб, сиртмоини қўлтиғидан ўткашиб елкасига солиб олди.

— Кетдик, ҳушёр бўл, Констангин! — деди Ефим Кондратьевич, қовоғини солган ҳолда хавотирланиб.

— Бўпти-да, нима қиласарди...

Ефим Кондратьевич қайиқнинг тумшуғини қўйиб юборди, шу заҳотиёқ қайиқни шовиллаган тўлқин ва ёмғир ўз бағрига тортиб кетди. Костянинг ботирлигидан бир лаҳзада асар ҳам қолмади. У қайиқ тахтасига ёпишиб олганича ваҳмага тушиб, кўздан ғойиб бўлаётган тоғаси билан қирғоққа қараб турди, мана фақат жиққа ҳўл, сирпончиқ қайиққина қолди, уни тўлқинлар уриб, кўтариб-кўтариб ташламоқда. Костя тоғаси яқингинасида эканини, эшқакни олиб эшиш кераклигини биларди-ку, лекин қайиқнинг чеккасидан қўлини узолмас, назарида худди шамол уни чайқалиб турган қайиқнинг кўйруғидан кўтариб уриб, қоп-қора, муздай сувга итқитиб юборадигандай туюларди.

— Тайёр бўлдингми? — деган овоз эшитилди қоп-қоронғи ёмғир пардаси ортидан.

Костя қайиқ чеккасини қўйиб юбориб, эшқакни ушлади;

— Бўлдим!

Қайиқ қаттиқ силтанди, тумшуғи силкина бошлади, Костя юқорига кўтарилиб турган қайиқ тумшуғи остига шалоплаб тўлқини урилаётганидан унинг оқимга қарши суза бошлага-нини англаб олди.

Яшин тўхтовсиз чақнаб, гумбурлаган осмон бағрини тилар, ёмғир орасидан тоғасининг энгашган гавдаси кўри-ниб кетарди. У яқингина ерда, йигирма метрлар чамаси нарида; Костя уни кўриб, бутунлай ўзини тутиб олди. Бир нарса бўлиб қолгундай бўлса хоҳлаган пайтида қайиқни бура олади ва у қирғоққа бориб тақалади. Бунинг устиста, Костяга боғланган арқоннинг бир учи тоғасининг камарида.

Ахир, арқон билан боғлаб қўймаса ҳам бўлаверар эди-ку, қаранг-а: ҳам пўкак камар, ҳам арқон... Бунчалик эҳтиёт-корликнинг нима ҳожати бор? Лекин ҳар сафар шамол шитоб билан эсиб, қайиқ одатдагига қараганда қаттиқроқ чайқала бошлани билан Костя эшқакни қўлидан қўймай белига боғланган арқон турибдими-йўқми деб, тирсагини биқинига қисарди. Шу аҳволда анча-мунча вақт ўтди. Костя қанча вақт ўтганлигини билмасди, чунки буни ўйлагани

фурсати йўқ эди. Қайиқни арқон билан боғлаб тортиб бораш ҳам осон иш эмас экан. Қайиқ икки марта қирғоққа қадалиб қолди, тоғаси келиб, индамайгина орқага итариб юборди. Ёмғир секинлашиб, қирғоқ сал-пал кўринадиган бўлиб қолди. Костя диққат билан ўша томонга тикилиб, эшкак эшарди, шу тахлитда охири у қўркувни тамом унудти.

Қайиқ кескин бурилиб, қирғоққа яқин келди.

— Бўлди, туш! — деди Ефим Кондратьевич.

— Сиз қандай қилиб ҳайдайсиз? Ўзингиз борасизми-а?.. — деб Костя, қаршилик кўрсатиб ёлворган эди, лекин тоғаси жавоб бермаганидан кейин, қирғоққа чиқди.

Тоғаси плашчи билан арқонларни Костяга бериб, чангакни ўзига яқинроқ сурис қўйди-да, эшкакни олди:

— Итариб юбор-да, уйга жўна.

Костя лойда тайғана-тайғана, қайиқни қирғоқдан итариб юборди. Тоғаси қўйруқ эшқагининг дастасини чап қўлиниңг тирсаги билан қисиб, ўнг қўли билан қаттиқ-қаттиқ эшкак эша бошлади, қайиқ бурилди-да, қоронғилиққа кириб кетди. Кўп ўтмай тоғаси ҳам, қайиқ ҳам кўринмай кетди, фақат қоронғилиқда қайиқ тумшуғига боғлаб қўйилган фонарларнинггина лип-лип силкиниб ўйнаётгани кўзга чалинарди.

Шамол жиққа сув курткасидан ўтиб, шими оёқларига ёпишиб кетганлигидан Костя совқотар, аммо кетмасдан чироқни кузатганича: бакен турганмикин, йўқми деб ўйларди. Тоғаси Тош тизмага олиб бориши керак бўлган оқимни мўлжаллаб, бакен томонга сувиб кетди. Адашиб кетмай худди ўша ерни топиб бора олармикин? Ҳозир кундузи эмаски, қирғоққа ва бошқа бакенларга қараб мўлжал қилса. У ерда ҳозир қутуриб, кўпирис օқаётган сувдан бўлак ҳеч нарса кўринмайди.

Чироқлар тезлик билан узоқлашиб, худди биттадай бўлиб қолди-да, кейин бутунлай кўздан ийқолди. Костя сакраб дўнгликка чиқкан эди, чироқ яна кўринди, худди шамол ургандай тебранди, кейин оқим билан тез-тез ўнг томонга кета бошлади. Костя дарё бўйлаб чопиб кетди, қоқилди,

лойда сирганиб йиқилиб түшди, лекин оғриқни ҳам сөзмай, ўша заҳотиёқ сакраб туриб, түлқинда қалқиб кетаётган чироқнинг кўздан йўқолиб қолишидан қўрқиб яна юғурди. Қайиқ борған сариг қирғоққа яқинлашарди, кутилмаганда жуда яқин келиб қолди-да, қирғоққа тақалиб тўхтади. Костя тумшуқдаги арқонни олиб, қайиқ оқиб кетмаслиги учун ушлаб турди.

Ефим Кондратьевич бошини қўлига қўйганича ўртадаги таҳтада ўтиради. Костяга ҳатто тўлқиннинг шов-шувида ҳам унинг ҳаллослаб оғир-оғир нафае олаётгани эшитилиб турарди. Тогаси нафасини ростлаб олиб ўрнидан турди-да, Костяни кўриб:

— Бакен йўқ... Ким билади дейсан — ё ўзи йўқ. ё мен тополмадим... Яхши ҳам қолған экансаң. Қайиқни яна юқорига олиб ўтиш керак... — деди.

Костя яна эшқакни олиб, қуйруққа ўтирди. Тогаси арқонни елкасидан ўтказиб олди, сўнг улар қирғоқ ёқалаб Ефим Кондратьевичнинг мўлжалича оқим қайиқни Шайтон тишидаги бакенга суриб бориши керак бўлған ерга қараб кетиниди. Ёмғир тинди, шамол анча пасайди, фақат дарё аввалгича тўлқинланиб, қайиқни кўтариб-кўтариб ташларди, лекин Костя энди қўрқмасди. Кўпиреб шовиллаётган қонқора сувни, чуқур дарё тубини, хавф-хатарни ўйлаб ўтиринига умуман унинг вақти йўқ эди — у тогамга бир озенгил бўлсин, ҳадеб тўхтайвермасин, деб қайиқни бор кучи билан ҳайдашга тиришарди. Момақалдироқ аввалгидай гуллифар, осмоннинг бир чеккасида шохдор олөв дарахти сингарни чақмоқ чақнаб, ҳорғин кетаётган Ефим Кондратьевични ёриттарди.

Ниҳоят Ефим Кондратьевич қайиқни қирғоққа тортди-да нафасини ростлаб олгани тумшуғига ўтирди. Костя унинг шиникига тиқилиб олиб, зўр бериб уқдира бошлиди:

Тоға, мени олиб боринг!.. Ўзингизга оғир-ку... Ахир, бир қўллаб қайиқни ҳайдаб бўладими?.. Ёрдамлашиб турамни. Озгиниа бўлса ҳам ёрдамим тегар. Қўрқади деб ўйлай-санми? Киттай ҳам қўрқмайман! Ахир сиз ҳам эшқак эши-

шунга из, ҳам қараб кетишингиз керак.. Иккаламиз албатта тоғамиш!.. Майлими, тоға?.. Олиб бора қолинг?

Аммо Костя тоғасининг бирга олиб боришига ишонмасди ҳам, умид ҳам қилмасди. Ефим Кондратьевич ҳеч нарса деб жавоб қайтармади-да, йўқ дегандай бошини чайқатиб қўйди. Костя яна ҳам жон-жаҳди билан ёлбора бошлади:

— Мени қўрқади деб ўйлаяпсизми? Бу ерда ёлғиз ўзим қолсан бадтарроқ қўрқаман! Сиз билан борсан қўрқмайман.. Ундан кейин, сиз у ерда бир қўллаб нима ҳам қила олардингиз? Яна топа олмайсиз, ҳадемай пароход ўтиши керак... Майлими, тоға? Мен энди анча кучлиман-ку, эшкакни яхши эша оламан!..

— Ойинг эшитса нима дейди?

Ойисими? Бу фикр Костяни ҳатто довдиратиб қўйди. Рост, ойиси эшитиб қолсами!.. Бу Лельканинг бандидан тортиш ёки столга қўл ювмасдан келиб ўтириш эмас...

— Ойим билиб ўтирибдими?— деди Костя, бунинг ҳам йўлини топиб.

— Йўқ, мен унақа ёлғон гапирмайман,— деб жавоб берди Ефим Кондратьевич. Сўнг узоқ ўйлаб олгач:— Майли.. Вақт зиқ, мен бир қўл билан яна янгилишиб юришим мумкин,— деди.

Костя эшкакка ўтирди, Ефим Кондратьевич қўйруқ эшкагини қирғоққа тираб қайиқни итариб юборди. Қайиқни оқим ўз бағрига олди-да, гоҳ у ёнбошдан бу ёнбошга, гоҳ тумшуғидан қўйруқ томонга қутуриб, қалқитишга тушди.

Костя қандай ишга бел боғлаганлигини энди тушуна бошлади. Бу ҳаво очиқ пайтда тинч оқаётган дарёда қайиқ ҳайдаш эмасди. Тўлқин эшкакни қўлидан юлқиб тортар, эшкаклар гоҳ сув бетини ялаб ўтар, гоҳ сопигача сувга ботиб кетар, ҳўл бўлиб кетган банди сирғаниб худди жони бор чарсадай қўлида типирчилар. Костянинг кўкрагига, тиззасига туртар, уни курсидан йиқитиб ташлаб, ўзи озод бўлиб элишга уринарди. Костя тишини-тишига қўйиб, кучи борида у билан курашар, лекин дармони қуриб борарди, у ҳалослай бошлади, тўлқин бўлса борган сари кучаяр, эшкак-

лар ўжарлик билан нуқул қўлидан чиқиб кетишига уринарди.

Костянинг эти жимиirlашди, вужудини атлақандай сонук тўлқин қамраб олгандай уни қўрқув босди, нафаси иши тусиб, аъзойи бадани таёқдай қотиб қолди. Ҳеч нарсани топиша олмайди, ҳеч нима қилиша олмайди ҳам! Тўлқин улардан кучлироқ, мана ҳозир қўлидан эшкакни юлиб олиди, қайиқни сувга тўлдириб, тўнтариб юборади, тогаси билан Костяни икки томонга отиб ташлайди, қутуриб ҳай қираётган сув уларни Шайтон тишга оқизиб боради-да, Тон тизмага зарб билан уриб, гирдобга кўмиб юборади... Вақт ўтмасдан иложи борича тезроқ бу ваҳший сув тала-тўпидан чиқиб олиш керак. Костя бор кучини йиғиб, сувга жонжаҳди билан шошиб-пишиб эшкак ура бошлади.

Дарёning шовиллаши ва шамолнинг увиллаши орасидан Ефим Кондратьевичнинг овози эшитилди:

— Ҳовлиқма, Костя! Ўзингни бос!

Костя ғазаби қайнаб, ўз қилмишидан ўзи уялиб кетди. Ҳақиқий денгизчилар довулда нима қилишади? Ундан қана қа денгизчи чиқарди...

У тишлиарини қисиб, ўзига ўзи:

— Эҳ, қўрқоқ!— деб пичирлади, ёмғир томчиларига қўшилиб юзларидан аччиқ кўз ёшлари оқиб туша бошлади.

Кейин у ўзини бир оз босиб олиб, эшкакни қайиқнинг чайқалишига мослаб эшишга тиришди, энди эшкаклар ҳам бир оз эпга келиб, ҳадеганда қўлдан чиқиб кетавермайдиган бўлди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб, у қайси томонига, қанча сузишганини билмай қолган эди; сувнинг қайиқни ён томондан чайқатиши тўхтаб, тўлқинлар тумшуқдан урилаётганини кечикиб пайқади. Костя тоғаси қайиқни оқимга қарши бурганини англади.

— Эшкакка зўр бер!— деди Ефим Кондратьевич.

У қуйруқда Костяга орқа ўғирганича ўрнидан турди-да, тобора сийрак чақнаётган чақмоқ ёриғида пишиқириб тўлқини отаётган дарёга кўз югуртириди. Костя бор кучи билан, бутун оғирлигини солиб эшкак эшарди. Ишиқлиб оқим ке-

ракли жойга олиб борса бўлгани, ишқилиб бакенning  
снидан кўрмай ўтиб кетмасалар бўлгани! Яна қайтиб келишга  
Коєт янинг кучи етмай қолади...

Ефим Кондратьевич бирдан ўтирилиб, худди аччиғлан-  
1 андай Костяга:

— Ҳайда! Қаттиқроқ ҳайда! — деб бақирди.

Ўзи бўлса кучининг борича қуйруқдаги эшкак билан  
қайиқнинг ўнг ёнбошидаги сувни силталаб суришга тушди,  
қайиқ чапга сурйиди. Костя ўрнидан туриб олиб, йикил-  
удай бўлиб ўзини эшкак билан тоҳ олдинга, тоҳ орқага  
ташлар, шундайгина кулоғининг тагида аллаким пишиллаб  
жаттиқ-қаттиқ нафас олаётганини эшитар, аммо бунақа қий-  
алиб, чийиллаб нафас олаётган ўзи эканлигини ансламасди.  
Нафаси эшкакни ташлаб, чангакни олди-да, уни чап ёнга,  
увга ташлади.

— Эшкакни қўй!

Костя эшкакни кўтарди. қайиқ тўлқин зарбидан бир  
нбонига қийшайиб, шу заҳотиёқ тумшуғи билан оқимга  
зраб бурилди, бироқ оқиб кетмади.

— Топдингизми? Бакенни топдингизми? — қичқирди  
остя, нафаси бўғзига тиқилиб.

— Илгакни бер! Чангакни ушла! — деб буюрди жавоб  
риш ўрнига Ефим Кондратьевич.

Костя чангак дастасига ёпишди, Ефим Кондратьевич  
м уни чап тирсаги билан қисиб ушлаганича, ўнг қўли би-  
н тилгакни отди. Тортиб олиб, яна итқитди. Бу гал илгак  
магадир илашди. Ефим Кондратьевич чангакни қўйиб  
юриб, илгакарқонини қайиқнинг ҳалқасига боғлаб қўйди,  
тин чангакнинг дастасини ҳам боғлади. Енги билан ҳўл  
ини артиб, Костяга ўгирилди-да, бирдан соғ қўли билан  
1 бағрига қаттиқ босди:

— Раҳмат, Константин! Баракалла!

Хурсанд бўлиб кетганидан Костянинг нафаси бўғзига ти-  
шиб қолди, лекин ўша заҳотиёқ ҳалигина ваҳимага тушшиб  
хакни сувга чапиллатиб урганини эслади-да, яна хижолат-  
тушди.

— Мен нима қилибман... Ахир мен... — деб ғўлдиради у уялиб.

— Йўқ, бу ишимиз учун бизга медаль берилиши керак... Ёки, жуда бўлмаганда, юз грамм оқидан,— деб кулди Ефим Кондратьевич.

Костянинг ҳам кўнгли очилиб, қувониб кетди. Йўқ ҳақиқатни олганда — шунаقا момақалдироқ бўлиб турган зимзиё кечада қутуриб пишқираётган дарёдан бакеннинг кичкина уч бурчак ёғочини топиб, унинг олдига қайиқда сузид бориш ҳазил гап эмас-да. Тоғаси билан Костя яна қайта ёга бошлаган ёмғирни ҳам, ич-ичларигача ўтиб кетаётган шамолни ҳам пайқамай, хурсанд бўлиб кулишарди. Шамол кучаяр, оқиш ёмғир пардасини қийшайтириб, қайиқда ўтирганларнинг ич-ичига ўтиб киради.

— Бакен қаёқда-а? — деди бирдан ҳайрон бўлиб Костя.

— Ҳамма гап шунда-да! — деди Ефим Кондратьевич. — Бакен йўқ, бузилиб кетибди, тагидаги тахтасигина қолибди. Қанақа қилиб кўриб қолганимни ўзим ҳам билмайман.

— Энди нима қиласиз? Фонарни қаерига қўямиз?

— Ҳеч қаерига. Бакенning ўрнига ўзимиз туришимизга тўғри келади... Совқотгандирсан?

— Й-йўқ, — деди Костя ва фақат шундагина ҳақиқатда жуда совқотганини сезди.

Тоғаси камзулининг олдини очиб, Костяни бағрига олди. У ҳам Костяга ўхшаб ич-ичига қадар ивиб кетган эди, лекин катта, бақувват танасидан чиқсан ҳарорат секин-аста Костяни иситди

Энди, қўрқувга барҳам берган тўлқин, шамол, қайса, эшкаклар билан тўхтовсиз кураш тугаб, жимгина ўтириб кутишдан бошича иш қолмагач, қайиқни чайқатаётган тўлқинлар ва шиддат билан эсаётган шамол яна Костяни ваҳимаги сола бошлади. Ҳар сафар тўлқин келиб урилганда қайиқ нинг борти оша шовиллаб сув урап, ёмғир қуйиб турар, қайиқ ичидағи тахта панжарани кўмиб турган сув юзил майда тўлқинлар ўйнарди. Костя қайиқ ичидағи сувни сешиб ташлаб, яна тоғасининг пинжига тиқилиб олди, чунки

төгаси ёнида бўлса унинг кўнгли бир оз хотиржам топарди.

Қани энди бир чекишнинг иложи бўлса, — деб қўйди төгаси.

Лекин чекишга ҳеч нарса йўқ: гугурт ивиб қолган, та-  
маки бўтқаси чиқиб, елимдай бўлиб кетган эди. Ефим Конд-  
ратьевич бўш трубкасини сўрар, Костя бўлса, иложи бори-  
ча ғужанак бўлиб ўтиришга тиришарди, чунки бошдан-оёқ  
ивиб кетган одамнинг шиддат билан эсаётган шамолда  
ўтириши иссиқ кунда шивирлаб ёқсан ёмғирда югуриб чи-  
қишдай кўнгилли эмас-да!

Улар шу кўйи ўтириб кутишди. Бир соат ўтди, икки  
соат ўтди. Ёмғир тиниб, шамол аста-аста шахтидан туша  
бошлади, лекин тўлқин ҳали ҳам қутурар, атрофни бояги-  
дай зулмат ўраб турарди. Пароход келадиган пайт аллақа-  
чон ўтиб кетган бўлса ҳам ундан дарак бўлмади, лекин  
улар кутиб ўтираверишди, чунки Шайтон тишни чироқсиз  
ташлаб кетиш мумкин эмас эди. Вақт ўтган сари Костяга  
ҳаммасидан қийини — қайиқни ҳайдаб келиш ҳам, бакенни  
ахтариш ҳам эмас, балки мана бунаقا совуқда жиққа ҳўл  
бўлиб, қимирламай кутиб ўтириш экани тобора аён бўла  
борди. Аммо ҳар қанча қийин бўлмасин, кутиш керак. Улар  
кутиб ўтиришаверди.

Костя оппоқ пароходнинг тўлқинлар ёйиб, дарё бетига  
нур ва музика овозлари таратиб, ёнгиналаридан сузиб ўти-  
шиний, улар, төгаси ва Костя эса, чироқ кўтариб унга йўл  
кўрсатажакларини ўзича, ҳар мақомда тасаввур қилиб кўрди.  
Лекин иш бутунлай бошқача бўлиб чиқди.

Юқори томондан чўзиб ўкирган паст товуш эшитилди.  
Оролнинг нарёғидан худди кўзга ўхшац, баланд, оқиц ўт  
коронеилиқни ёриб чиқди, кейин унинг икки ёнида қизил  
ва яшил чироқлар кўринди, уларнинг орасида эса баҳайбат  
кул ранг нарса элас-элас кўзга чалинарди. У тўғри булар-  
нинг устига бостириб келарди. Костя жон ҳалпидаги қайиқ-  
нинг курсисига ёпишиб, юрагини ҳовучлаганича ҳалиги  
баҳайбат нарсанинг қайиқни ғарчча босиб ўтишини кутарди.  
Төгаси қизил фонарни баланд кўтарди.



Костя бир лаҳза кўзлари қамашиб, ҳеч нарсани кўролмай қолди. Назаридан пароход уларга қарата ўқ узгандаи бўлди — сув ва қайиққа ана шундай ёруғлиқ тушган эди. Прожектор ўчди, Костянинг кўзига бир минутча атрофдаги ҳеч нарса кўринмай турди, кейин кўзлари сал кўниеккач эса, у фақат пароходнинг ёнбошидаги яшил чироги билан юқоридаги оқ чироқларинигина кўрди. Ҳалиги баҳайбат нарса қайиқни ўнг томонида қолдириб, чапдан аста ўта бошлади. Кўприк панжарасидан бир киши энгашиб, оғзига карнай тутган ҳолда қичқириб сўради:

— Ҳа, бакенни бузиб кетибдими?

— Солми, бир нима бузиб кетибди! Зарари йўқ! — деб жавоб берди Ефим Кондратьевич.

Ҳалиги киши қаддини кўтарди, кул ранг баҳайбат нарса машиналарини қаттиқ-қаттиқ пишиллатиб, олдиларидан ўтиб кетди, шундай қилиб, салдан кейин узоқлашиб кетаётган чироқлар-у, қайиқни чайқалтираётган тўлқинларигина ҳақиқатан ҳам ёнгиналаридан пароход ўтиб кетганининг гувоҳи бўлиб қолди.

Костя қичқиргиси, пароходда ўтиб бораётганларга Ефим тогаси билан ўзи нималар қилишганини, улар қандай қаҳрамон эканликларини гапириб бергиси келарди. У ҳаяжонга тушиб, кўркиб кетган йўловчиларнинг панжара олдига тўдаланишиб, Тош тизма устида мавж ураётган тўлқинга даҳшит билан қарашларини, Костяга эса завқланиб, миннатдорчилик билан боқишиларини ўзича олдиндан тасаввур қиласарди. Аммо йўловчилар ҳеч нарсани хаёлларига келтирмай тинчгина ухлашар, кўприкчадаги навбатчи эса, Костяни кўргани ҳам йўқ эди.

Кўкка гира-шира тонг шуъласи ёйилиб, атроф оқара бошлини. Ани, қирғоқ билан орол ҳам элас-элас кўзга чалинмоқда. Ҳили Тош тизмадан кетсалар ҳам бўлади, чунки ҳадсемай ҳамма ёқ ёп-ёруғ бўлиб кетиб, бу ернинг хатарли жойи қолмайди.

Ефим Кондратьевич фонарни ўчириб, чангак билан илгакни чиқариб олди, қайиқни оқим суріб кетди. Костя қай-

тишда ишонч билан вазмин эшкак эшди, чунки ёруғда ҳамма нарса ҳам унча қўрқинчли бўлмайди.

Ефим Кондратьевич уйда аввал печга ўт ёқиб юбориб, чойнакни қўйди, кейин чорак литрли ароқ олди.

— Ечин! — деди у.

— Ахир, мен... Энди совқотаётганим йўқ. Чиниқиб қолганман,— деб тихирлик қилди Костя.

— Чиниқсан бўлсанг яна яхши, унда қўрқмаса ҳам бўлади. Ечин!

Костя ечинди. Ефим Кондратьевич қўлига ароқ қуиб, Костянинг баданини ишқалай бошлади. Унинг қўли қум қайроққа ўхшаш ғадир-будур бўлгани учун Костянинг териси дарҳол қизариб, қайноқ сув қўйгандай ловиллаб кетди.

— Бўлди! Бўлди-да энди, Ефим тоға, жуда исиб кетдим! — деб ялина бошлади Костя.

Лекин тоғаси ишқалайверди, кейин Костяни пўстинга ўради. Қолган ароқни ўзи ичиб, столга биқиллаб қайнаётган чойнакни келтириб қўйди.

Улар қора нонга туз сепиб, аччик, қуюқ чой ичишди. Костяга илгари ҳеч бунчалик ширин нарса еб, бундай ширин чой ичмагандай туюлди. Териси ловиллар, бутун бадани қизиб кетган эди, юзидан йилт-йилт қилиб тер чиқди. У қайтадан момақалдироқ қандай бошлангани, ўзи қанақанги қўрққанини гапириб берди; энди у негадир буни тан олишдан уялмасди. Балки бу ҳар қанча қўрқсан бўлса ҳам, ҳарқалай нима қилиш керак бўлган бўлса ҳаммасини қилганиданdir...

Ефим Кондратьевич трубкасини чекиб, Костянинг гапларини тинглар ва маъқуллаб бош қимирлатиб қўярди. Кейин, Костянинг тили фўлдираб, боши столга эгилиб кета бошлагач, секингина уни қўлтиғида олиб, ўрнига ётқиздилла, устини ўраб қўйди.

— Ахир, ҳеч уйқум келаётгани йўқ! Барибир ухломайман... — деб тихирлик қилди Костя, оғзидан сўзи тушиб ва шу оңдаёқ уйқуга кетди...

Ефим Кондратьевич энди кераги бўлмай қолган лампани ўчириб, кийинди-да, чиқиб кетди.

## БИЗ ЯНА КҮРШИШМИЗ

Костя туш ҳам кўрмай данг жо<sup>ю</sup>, узок ухлади. Уй ичиди аста сурилиб бораётган қуёш мъласи унинг юзи<sup>ни</sup> тушди. Костя кўзларини қисиб, афти<sup>ни</sup> буришитирди-да, уйғониб кетди. Уй йигиштирилган, п<sup>и</sup> ол вилган. Ташқарида бир-бираидан ўзиб чигирткалар чири<sup>ни</sup> диди, қалдирғочлар чирқирашади. Костя уйдан чиқди. Ҳонга унинг шими билан курткаси ёйиб қўйилган, Нюра проқода ниманидир чаймоқда. Костя бутун баданинг ярқираб турганига ажабланди-да, Нюранинг олдига кетди. Хали чарчоғи тарқамаганидан бутун вужуди зилу зам би<sup>ни</sup> панжалари паншахага ўхшаб қотиб қолған, юмиш ҳан<sup>ни</sup>йин, очиш ҳам. Кафтлари қабариб кетган, шилинган теси ачишади. Мускулларининг зирқирагани ҳам, кафт<sup>ни</sup> ачишгани ҳам Костяга аллақандай ҳузур бахш этарди.

Қирғони сел ювиб кетган. Утло<sup>ни</sup> да<sup>ни</sup> баланд ўстган ўт

- ӯлан яна ҳам ям-яшил бўлиб кетган<sup>ни</sup> дай сариқ толлар ва толзор яна ҳам яшнаб, осмон ярақла<sup>ни</sup>, мургилаб оқаётган дарё яна ҳам кўм-кўк бўлиб қолганда<sup>ни</sup> дай толларди. Костяга булар ҳеч қачон бунчалик гўзал, қончли туюлмаган, у шу маҳалгача ўзини бунчалик баҳти<sup>ни</sup> ёр и эркин ҳис этмаган эди. Нимага-а? Костя буни ўйла<sup>ни</sup> ёттий йўқ. У ҳозир жуда ҳам хурсанд, яна ҳам хурсанд бўл<sup>ни</sup> истайди. У югуриб келиб, Нюранинг олдидан сувга кама ташлади. Нюра чўчиб ўзини четга олди, сувга тушиб кешига сал қолди.

— Вой, ҳамма ёғинг тирналиб кети<sup>ни</sup> бди! Мана бу ерларининг кўкариб чиқиби! Мана, мана,—эди қиз Костя қирғонка чиққанида ҳаваси келиб, ҳам куб<sup>ни</sup>-пишиб. У аллақачон отасидан ҳаммасини эшитиб ол<sup>ни</sup> га<sup>ни</sup> диди, шунга қарамай иложи борича тўлароқ билишга қиқиб, Костяни қистай бошлади:— Айтиб бера қолгин! Да<sup>ни</sup> билан қайикда суздингми? А? Кўрқдингми? Мен ке ча<sup>ни</sup>да ҳам қўрқдим! Момақалдироқ шунақанги тумбу<sup>ни</sup> рла<sup>ни</sup>, шунақанни тумбурладики, нақ юрагим ёрилай деди! Чак<sup>ни</sup> айт, худди сени кўзлаб чақнагандай бўлади! Тўғрим и<sup>ни</sup> йига келмоқчи

Эдим, бувим юбормади. Бўлмаса мен ҳам сизлар билан бирга борардим... Жардан ҳам ўтиб бўлмасди. Ҳатто эрталаб ҳам ўтиши қийин бўлди — шунақангি буралиб оқди, шунақангি буралиб оқдики! Дадам мени кўтариб олиб ўтди.

— Ефим тоғам қани?

— Бакен ўрнатяпти. Эрталаб қишлоққа борди. Ҳамма ёғи шалаббо, лой: жардан ўтиб борибди... Кейин колхоз раиси икки киши берди, ҳозир бакен ўрнатишяпти... Ҳа, нимага индамай турибсан? Гапириб берсанг-чи!

Костя гапириб берди, аммо унинг ҳикоясида бўлиб ўтган ишлар ҳақиқатда кеча бўлганидай қўрқинчли ва оғир бўлиб чиқмади. Ниора қойил қолиб, баъзи ўринларда ўзи гап қўшиб турар, уни шоширап, аммо бу Костяни яна ҳам қуруқроқ қилиб, тобора озроқ гапиришга мажбур этарди, холос.

Нимани ҳам гапириб берсин? Ҳамма ишни тоғаси қилди, у бўлса эшкак эшиб, қайиқдаги сувни сепиб ташлаб туришдагина ёрдамлашди. Ҳа, момақалдироқ бўлиб турганда кетди, ҳа, қўрқинчли бўлди. Бор гап ўшу, холос. Бунинг нимаси қаҳрамонлик? Ҳаммадан муҳими, пароход Шайтсон тищ олдидан эсон-омон ўтиб, унинг ойиси ва яна қанча-қанча ҳар хил одамлар гидроузел қураётган Каҳовкага жўнаб кетди. Уларнинг кечикиб қолиши мумкинми, ахир? Бу жуда катта қурилиш-а!..

Кейинроқ Миша билан Тимофей келишди. Офтоб момақалдироқ бўлишидан слдин қиздиртанидай аёвсиз қиздирарди. Болалар қизиган қумда гоҳ қоринлари билан, гоҳ чалқанча ағанашиб ётишли. Миша билан Тимофей сўрайвериб Костяни жон-ҳолига қўйишмади. Костя яна қайта гапириб бергиси келмай, бепарвогина:

— Кечаси Тош тизмадаги бакен бузилиб кетибди. Мен тоғамга ёрдамлашдим,— деб қўя қолди.

Унинг ўрнига Ниора гапириб берди, у шунақангি завқ-шавқ билан юракка қўрқинч соладиган тафсилотлар билан тўлдириб сўзлар эдики, Костя ҳайрон қолиб бошини силкитиб қўйди. Миша билан Тимофей унинг кўкарған жой-

ларини мароқ билан томоша қилишарди. Костя эса мақтова-  
дан ҳузур қилиб, бепарволик билан ҳуштак чаларди.

Тимофей билан Мища бир оздан кейин ўз ишлари билан кетиб қолишиди. Кетишса кетишар, унинг ҳам ўз иши бор! Костя қирғоққа сузиб келган Ефим Кондратьевич қаршиисига югурди.

— Ҳа, қаҳрамон, турдингми? — деб жилмайди Ефим Кондратьевич.— Йўталмаяпсанми?

— Йўқ... Сизнинг қўлингиз-чи, оғрияптими? Нимага мени олиб кетмадингиз?

— Кейинги гал олиб бораман. Менга — барака топиши-  
син -йигитлар қарашиб юборишиди. Қўлим ҳам секин-аста тузаляпти...

Костя тоғасига эшкак ва бошқа асбобларини олишиб юборди-да, кечгача унинг кетидан қолмай, бирга юрди. Кечкурун тоғаси бакенларни айланиб келгани отланганида эса Костя индамасдан у билан бирга кетди. Ефим Кондратьевичнинг қўлидаги шиши анча қайтган бўлса ҳам, хали у эшкак эшишга қийналарди, шунинг учун Костя зўр бериб унга ёрдамлашди.

У қаттиқ ухлади, аммо зийрак бўлиб ётди. Эрталаб яна бакенларни айланиб чиқишига кетиладиган пайтда, тоғаси иложи борича оҳиста чиқиб кетишга уринса ҳам, у ўрнидан иргиб турди.

— Ҳўш, сен қаёққа?

— Сиз билан бирга бораман.

— Ётиб ухла! Сен ухлашинг керак.

Костя ўжарлик қилиб:

— Йўқ, бирга бораман! — деди ва тоғасига ёлборгандай шунақангি мўлтираб қарадики, у ортиқ қаршилик қилма-  
ди-да, улар бирга жўнашди.

Бу ҳол ҳар куни такрорланарди. Бошқа ҳеч қандай ҳодиса рўй бермади, аммо энди Костяга дарёдаги чироқларни ёқиши ҳам ўчириш, дарёнинг қоровули бўлиш одамни зериктирадиган иш бўлиб туюлмасди: тўғрироги, у ўзини дарёнинг қоровули деб эмас, хўжайини деб биларди.

Ҳеф қачон ҳеч нарса унга бакенларни айланиб келтами-  
даги каби қувонч ва ҳузур бағишлай олмасди! Нега буна-  
қалигини Костя тушуна олмас, ростиини айтганда, бу ҳақда  
үйламасди ҳам. У авваллари ёлғиз үзи учунгина иш қилган  
бўлса, энди бошқалар учун қилганини, фақат кўпчиликка  
зарур ва фойдали меҳнатгина кишига чинакам қувонч кел-  
тиришини кейинроқ англайди

Ҳатто кутаётган бўлсанг ҳам телеграмма нимагадир ҳам-  
ма вақт бехосдан келади. Ойисидан ҳам худди мана шун-  
дай бехосдан телеграмма келиб қолди: у Киевда эмиш,  
Костянинг қайтишини сўрабди. Костя ҳам севинди, ҳам  
хафа бўлди, чунки унинг ойисини, қадрдоң дўсти Федорни,  
кўшни болаларни ва ҳатто Лелькани ҳам кўргиси келарди-  
ку, лекин бу ердан ҳеч кетгиси келмасди. Аммо барibir  
жұнаши керак.

Улар тўртталаси бир бўлишиб дарё бўйларини, ҳамма  
ирмоқларни айланиб чиқишиди, чўмилишиди, қулоқлари шан-  
ғиллаб кетгунча калла ташлаб шўнғишиди, аммо кам гапла-  
шишиди. Ажралишгилари келмасди. Миша Костяни яна ке-  
линига, Киевда бир оз туриб, кейин қайтиб келишга қўндир-  
моқчи бўлди.

— Қаёқда қайтиб келарди? — деди чўзиб Тимофеј.  
Унинг доимо хушчақчақ, мулојим кулча юзи ҳозир маъюс,  
хафа кўринарди

— Биласизми нима, болалар? Биз яна кўришамиз! —  
деди Нюра. — Ўзимиз борсак нима қилади? А? Тўғрими?

— Тўғри! — деб маъқуллади Костя. — Жуда қойил бў-  
лади-да. Мен сизларга ҳамма ёқни кўрсатардим!

— Бе, ўзимизни шундай юборишармиди, — деди гумон  
қилиб Тимофеј.

Ҳаммалари ҳақиқатан ҳам бу улар ўйлагандай осон гап  
эмаслигини англааб, бадтар маъюс бўлиб қолдилар.

Жўнайдиган куни Тимофеј Костяга бир халта олма олиб  
келди.

— Эртанишар мичурин нави,— деди жиддий қилиб у.— Аммо уруғини қайтариб юбор.

Костя бундан қимматли, бундан азиз совға бўлмаслини тушунди.

Нюра Костянинг халтасини ўзи пиширган сомсалар онлан тўлдириди, тоғаси бўлса, фуражкага тақиб олса ҳам, стол тепасига олиб қўйса ҳам бўладиган, мовутга қадоглиқ зар „қисқичбақа“ совға қилди. Мишанинг совға қиласидиган ҳеч нимаси йўқ эди. У бунга жуда хафа бўлди, кейин Костя нинг жўнаб кетишини қандай нишонлаш кераклигини ўйлаб топди. Қуриган тол новдаларини йиғди-да, Ефим Кондратьевич Костяни қайиқдан пароходга (яна ўша „Ашхобод“га) узатаётганида гулхан ёқиб юборди. Тутун баланд осмонга кўтарила бошлади.

— Ҳа денгизчи, нимага хафасан? — деди Костяга эски таниши, хушчақчақ капитан ёрдамчиси.— Сени қандай кузатишаётганини кўряпсанми? Бунга хурсанд бўлишинг керак.

Костя мужмал қилиб:

— Ҳа,— деб жавоб берди-ю, бошқа ҳеч нарса деёлмади.

У панжарага ёпишганича, орқада қолиб бораётган қирғоққа қарапди. Гулхандан нарироқда баланд бўйли Ефим Кондратьевич турар, унинг ёнгинасида Нюранинг сарғиш ёлқин сингари сочи липилларди. Костя бор кучи билан ўзини маҳкам тутишга тиришар, лекин бу унга жуда оғир эди. Костя уларга ўрганиб, севиб қолган эди. Юрагининг бир бўлаги шу ерда қолди. Тош тизмадаги қизил бакен ҳам худди шуни эслатиб, хайрлашаётгандай чайқалар, унга салом йўлларди.

Лекин Костянинг маъюслиги узоққа чўзилмади. Дарёнинг муюлишида Ефим Кондратьевичнинг кичик уйи кўздан яширинди. Миша ёққан гулхан тутуни осмонга сингиб кетди, қаршиларидан эсган салқин шабада ўзи билан янги ҳис, янги ўйлар олиб келди.

Ойси қалай экан? Каҳовкада қанчадан-қанча нарсани кўриб келган бўлса керак! Энди Костя гидроузел ҳақида,

геологлар, қурувчилар ва шаҳар ҳақида ҳамма нарсани билб олмагунча уни тинч қўймайди. Эҳтимол, ойиси яна борадиган бўлиб қолса, уни ҳам бирга олиб кетар? Кейин болаларга роса гапириб берарди да! Ҳозир ҳам уларга анча-мунча нарса гапириб бера олади. Бешинчи „Б“ синфида гилар Костяни кўриб ҳайрон қолишади, чунки у офтобда юравериб қоп-қора бўлиб кетган, қошлари бўлса зигирга ўхшаб оппоқ оқариб қолган. Пайлари-чи? Костя ҳар эҳтимолга қарши қўлини букиб, думалоқ бўлиб чиққан қаттиқ куч пайини яна бир ушлаб қўйди. Паймисан-пайми! Афсуски, биринчи сентябргача ҳали анча бор.

Ҳаммадан олдин Досфлотни суриштириб кўриш керак. Балки энди Костяни қабул қилишар? Ҳадеганда штурман бўла қолмайди-ю, лекин тайёрланиб бориш зарур-да. Унгacha ҳали қанча нарсаларни кўриши, ўрганиши керак. Қани энди тезроқ Киевга ета қолса-ю, ўқиш бошланиб, олдинда турган нарсалар тезроқ бўла қолса!..

Келажак ҳақидаги ўйлар билан тўлиб тошган Костя турган жойида сабрсизланиб типирчилай бошлади; кейин гўё ўз ўйларининг амалга ошишини, Киев, мактаб, уйи—уни кутаётган ҳамма нарсани яқинлаштиromoқчи бўлгандай юқориги палуба бўйлаб кема тумшуғига қараб югурди.

Яна соя-салқин қирғоқлар, олтин ранг жазирама саёзликлар орқага ўтиб борар, Костянинг қаршисидан ялтираб, теп-текис, кўм-кўк йўл каби дарё юргургилаб келар, аммо бу йўл энди унга оддий ва осон кўринмас, балки яна ҳам гўзалроқ туюларди.

